Ал-Ваъй

484

Қирқ биринчи йил чиқиши
Жумодул-аввал 1448ҳ-Октябр 2026м

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҒОЯВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Ал-Ваъй Минбари

- СИЁСИЙ ИСЛОМ: САРОБГА АЙЛАНГАН ЗАФАР ВА МАҒЛУБИЯТ ВОҚЕЛИГИ

ИЛОҲИЙ АРҚОННИ МАҲКАМ ТУТИШНИНГ АСЛ МАФКУРАВИЙ МОҲИЯТИ

ИСЛОМ ШАРИАТИДА ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

ҲИНДУ ДУШМАНГА ТОПШИРИЛГАН ДАРЁЛАР: ПОКИСТОН ИНҚИРОЗИ ВА ХАЛИФАЛИК ҚАЛҚОНИ

ФОСИҚЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ ВА ЖИРКАНЧ ҚИЁФАСИ

КАПИТАЛИЗМ ИНФЛЯЦИЯСИ ВА ИСЛОМНИНГ ПУЛ СИЁСАТИ

ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ИСЛОМГА МУВОФИҚМИ? (2)

Ҳар қамарий ойда чоп этилади
Ливан ахборот вазирлиги томонидан
15.11.1989 йил берилган лицензияси
асосида рўйхатга олинган

www.al-waie.org
subjekt@alwaie.org

УШБУ СОНДА

СИЁСИЙ ИСЛОМ: САРОБГА АЙЛАНГАН ЗАФАР ВА МАҒЛУБИЯТ ВОҚЕЛИГИ.....3
ИЛОҲИЙ АРҚОННИ МАҲКАМ ТУТИШ (ЭЪТИСОМ)НИНГ АСЛ МАФКУРАВИЙ МОҲИЯТИ.....11
ИСЛОМ ШАРИАТИДА ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ 33
ҲИНДУ ДУШМАНГА ТОПШИРИЛГАН ДАРЁЛАР: ПОКИСТОН ИНҚИРОЗИ ВА ХАЛИФАЛИК ҚАЛҚОНИ.45
АМР ИБН МАЪДИЙКАРИБ АЗ-ЗУБАЙДИЙ.....53
ФОСИҚЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ ВА ЖИРКАНЧ ҚИЁФАСИ 60
ДУНЁДАГИ МУСУЛМОНЛАР ХАБАРЛАРИ.....69
КАПИТАЛИЗМ ИНФЛЯЦИЯСИ ВА ИСЛОМНИНГ ПУЛ СИЁСАТИ 72
ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ ИСЛОМГА МУВОФИҚМИ? (ИККИНЧИ ҚИСМ).....87
ХИТОЙДА ИСЛОМГА ҚАРШИ ТОТАЛ НАЗОРАТ 106
МАДИНА УРАНИ КОФИРЛАР ХИЗМАТИДА: САУДЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТИ 109

СИЁСИЙ ИСЛОМ: САРОБГА АЙЛАНГАН ЗАФАР ВА МАҒЛУБИЯТ ВОҚЕЛИГИ

Муаллиф: Воил Султон

Ислом — Аллоҳ таоло Ўз Расули Муҳаммад ﷺга инсоннинг муаммоларини муолажа қилиш ва унинг уч турдаги алоқаларини, яъни Яратувчиси, ўзи (нафси) ва бошқа инсонлар билан бўлган муносабатларини тартибга солиш учун нозил қилган диндир. Шу боис, Ислом ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи мукаммал низом бўлиб, давлат унинг танасидаги жон томири, ажралмас бўлагидир. Ислом бу – иймон келтирган бандалар учун шунчаки қуруқ ахлоқ ёки шахсий ибодатлар мажмуи эмас, балки инсонлар ишларини Раббоний қонунлар билан бошқарадиган, халқаро майдонда Уммат шаънини ҳимоя қиладиган ва Ислом нурини жиҳод орқали бутун оламга ёядиган улуғвор бир Давлатни — Халифаликни вожиб қилган муқаддас диндир. Айни шу нуқтада, мустамлакачи ғарб мафкураси заҳарлаган замонавий тафаккур олдида жиддий савол кўндаланг бўлади: аслида бошқарув, жамият ва халқаро алоқаларни ўз ичига олган бир бутун Исломни қачондан бошлаб «сиёсий ислом» деган ясама ибора билан чегаралай бошлашди? Хўш, бу сохта ажратув ва сунъий тасниф дунё юзини кўргунга қадар мусулмонларнинг сиёсий онги қандай эди?

Ислом йигирманчи асрга келибоқ бирданига «сиёсий тус» олиб қолгани йўқ. Балки бу асрда куфр дунёси томонидан ўйлаб топилган янгилик — замонавий сиёсат ва жамиятшунослик ниқоби остида Исломни асл мазмунидан юлиб олиб, уни алоҳида бир «экстремал феномен» сифатида тамғалаш бўлди. Натижада, Дини Мубинни ва Унинг аҳкомларини ҳаётга қайтаришга интилувчи ҳаракатларни Ғарб ўзи чизиб берган сунъий сиёсий қолипларга солишга киришди.

Мазкур заҳарли истилоҳнинг оқ қоғозга муҳрланган илк академик изларини америкалик шарқшунос Мартин Крамернинг (Martin Kramэr) 1980 йилда чоп этилган «Political Islam» («Сиёсий Ислом») номли китобида кўришимиз мумкин. Бироқ, ушбу иборанинг Ғарб адабиётларида юзга қалқиб чиқиши Ислом Уммати бу сохта тушунчани тан олганини ёки аввалги мусулмонлар Дин билан сиёсат ўртасига девор урганини англатмайди. Зеро, қандайдир истилоҳнинг истеъмолда кенг тарқалиши, демак, унинг шаръан ва мантиқан тўғри эканлигига мутлақо далил бўла олмайди — бу шунчаки кўзбўямачилик, холос. Мана шу нуқтада мафкуравий тузоқ намоён бўлади: агар Ислом ўз табиатига кўра инсоннинг шахсий ҳаётидан тортиб давлат миқёсидаги бошқарув, суд тизими, иқтисод ва халқаро дипломатиягача бўлган барча соҳаларни мукаммал қонунлар билан иҳота қилган бўлса, у ҳолда унинг бу қисмини алоҳида «сиёсий» деб аташ кимга керак бўлиб қолди? Бу истилоҳ худди сиёсат Ислом танасига кейинчалик пайванд қилинган бегона бир аъзодек, жамият онгида «руҳоний дин» ва «сиёсий дин» деган сохта дуализмни (иккиликни) пайдо қилиш учун ишлатилаётган маккорлик эмасми?!

Ушбу адаштирувчи истилоҳни бир четга суриб, уларга мазкур истилоҳ ёпиштирилган замонавий ҳаракатларнинг фаолиятига назар ташласак, янада долзарб саволлар ўртага чиқади. Модомики «сиёсий Ислом» истилоҳи пойдевори йўқ, мағзи пуч тушунча экан, биз унинг «муваффақияти» ёки «қиролидан айрилган пиёдадек» мағлуб бўлиши ҳақида гапирганда аслида нимани мезон қилиб оляпмиз? Қайсидир исломий шиор остидаги гуруҳнинг демократик парламентдан ўрин олиши, коалицион ҳукуматларга илашиши ёки сохта ҳокимият курсисига ўтириши Исломнинг асл зафари ҳисобланадими? Ёки бу шунчаки куфр тузумининг чизиб берган ўйин қоидалари ичида сарсон бўлиб юрган муайян бир Ҳизбнинг шахсий ютуғи бўлиб, улар илгари сурган муқаддас ғоянинг бутунлай барбод бўлганидан дарак берадими?

Мана шу ерда ҳақиқатнинг туб илдизига етадиган ўткир савол туғилади: айрим «исломий» дея номланган жамоаларнинг замонавий

куфр тизимлари ва малай муассасаларнинг тўрига бориб тушиши Исломнинг зафарими, ёки илдизи чириган капиталистик тизим ичида ўз жонини сақлаб қолиш учун унга мослашиб кетган ва сиёсий нафсини қондирган гуруҳларнинг ғалабасими?

Асл исломий фикр соҳиблари ва фақиҳ уламолар тарихида ҳеч қачон «сиёсий Ислом» деган сунъий атама бўлмаган. Улар давлат бошқаруви ва уммат сиёсатини бундай майда иборалар билан эмас, балки Имомат, Хилофат, шаръий сиёсат ва ал-Аҳком ал-султония каби вазмин, мафкуравий ва қатъий шаръий тушунчалар доирасида таҳлил қилганлар ва ҳаётга татбиқ этганлар.

Масалан, Имом Мовардий ўзининг шоҳ асарларидан бўлмиш «ал-Аҳком ал-султония» китобида Имоматнинг улуғвор вазифаси — Исломни ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилиш, Аллоҳнинг аҳкомларини жамиятда ижро этиш ва Ер юзида мутлақ адолатни қарор топтириш эканини баён қилади.

Ибн Таймия эса бу ҳақиқатни янада чархлаб: «Уммат ишларига раҳбарлик қилиш (давлат тепасида туриш) Диннинг энг буюк вожиботларидандир, зеро Дин ҳам, дунё ҳам фақат ва фақат мана шу сиёсий ҳокимият билангина оёққа туради», дея уқтиради.

Ибн Халдун эса Халифаликни шундай таърифлайди: «У Динни соф ҳолида асраб, ушбу аҳкомлар орқали дунё сиёсатини бошқаришда шариат соҳиби бўлмиш Расулуллоҳ ﷺнинг ўрнидаги қонуний раҳбариятдир».

Кўриниб турибдики, салаф уламолар сиёсатни Динга ташқаридан ёпиштирилган бегона тармоқ ёки ибодатлар мажмуасига қарама-қарши турувчи «Исломнинг ўзгача бир шакли» деб кўрмаганлар. Балки бу икки қутбни бир бутун сифатида, Халифалик ва шаръий сиёсат соясида таҳлил қилганлар. Ундай бўлса, бугунги кунда қандай бало юз бердики, Аллоҳнинг қонунларини ҳаётга қайтаришни талаб қилган содиқ мусулмонларни «сиёсий исломчилар» дея алоҳида ажратиб, уларга ёв қараш қилиб қарамоқдамиз?

Асл Халифаликдан замонавий миллий давлатчалар сари
Ҳозирги асрда Ислом Уммати дуч келган энг даҳшатли трагедия ва сиёсий инқироз — уларнинг асрий қалқони бўлмиш Халифалик ва Имомат тузумидан, Шариат устувор бўлган сиёсий воқеликдан маҳрум этилиши бўлди. Мусулмонларни бир тану бир жон қилиб ушлаб турган сиёсий маржаъ (суянчиқ) қулатилгач, Уммат бағри пичоқ билан тилкалангандек, сунъий чегаралар, куфр конституциялари ва ғарбпараст ҳуқуқий тизимларга асосланган майда миллий давлатчалар воқелигига улоқтирилди.

1924 йилнинг 3 марти Уммат тарихига қора ҳарфлар билан муҳрланди — шу куни инглиз малайи Мустафо Камол қўли билан улуғ Халифалик расман бекор қилинди. Туркия Миллий Ассамблеяси мазкур муқаддас лавозимни йўқ қилиш орқали Ғарбнинг дунёвийлик низомини исломий тупроқларга бигиздек тиқди. Бу машъум зарба нафақат Анадолуни, балки бутун Ислом оламини бир-бирига бегона, мустамлакачилар чизиб берган харита ва сунъий чегаралар асосида яшайдиган, Шариатдан узоқлашган ўнлаб миллий ўлкаларга парчалаб ташлади. Бу аянчли манзара асрий фиқҳий манбаларимиз баҳс юритган улуғвор сиёсий воқеликни бутунлай остин-устун қилиб юборган эди.

Айнан мана шундай мафкуравий бўшлиқ ва вайроналар ичида замонавий исломий жамоалар вужудга келган сиёсий бўҳронга акс-садо сифатида майдонга чиқди. Бунинг энг яққол мисоли — Халифалик қулаганидан бор-ёғи тўрт йил ўтиб, 1928 йилда Миср заминида шаҳид Ҳасан ал-Банно асос солган «Ихвонул муслимин» (Мусулмон биродарлар) жамоатидир. Тадқиқотчилар ушбу ҳаракатни замонавий тарихдаги илк диний-сиёсий уриниш дея баҳолайдилар. Дастлаб анъанавий даъват ва ислоҳотчилик йўли билан бошланган бу ҳаракат вақт ўтиши билан сиёсий кураш майдонига шўнғишга киришди.

Худди шу паллада, Ҳинд ярим оролида 1941 йилда Абул Аъло Мавдудий томонидан асос солинган «Жамоати Исломийя» лойиҳаси

бўй кўрсатди. Мавдудий ғарбдан кириб келган миллатчилик ва миллий давлат вабосига қарши тура оладиган «исломий давлат» концепциясини қайта жонлантиришга уринди. Бироқ холис тадқиқотлар шуни очиб берадики, Мавдудийнинг бу лойиҳаси асл, пайғамбарлик минҳожидаги Халифаликни қайта тиклаш эмас, балки Ғарб яратган замонавий давлат қолипига Исломни сингдиришга бўлган номутаносиб бир уриниш эди.

Саробга айланган зафар иллюзияси

Агар мазкур исломий ҳаракатларнинг майдонга чиқиши янги сиёсий воқелик(яъни куфр низомлари ҳукмрон бўлган) даврга тўғри келган бўлса, бизни уларнинг ҳокимият курсиларига қандай чиқиб қолгани эмас, балки «Улар аслида қандай мафкуравий мақсадни кўзлаган эди?» деган савол қизиқтириши керак.

Зеро, Исломни қуруқ бир ибодат эмас, балки ҳаёт ва сиёсат майдонини бошқарувчи ягона мукаммал низом деб билган соғлом ҳаракат, мавжуд куфр муассасаларидан жой олишни ҳеч қачон зафар деб баҳоламайди. Чунки улар учун курсига ўтириш мақсад эмас; асл мақсад — ҳокимият кимнинг қонуни билан бошқарилиши ва унинг суверен ўзаги қайси ақидага таянишидадир!

Афсуски, айнан мана шу нуқтада мудҳиш бир сиёсий саҳнабозлик ва чалкашлик юз берди: айрим исломий даъво билан чиққан ҳаракатлар мавжуд демократик ва куфр низомлари билан муроса йўлини танладилар. Улар сайлов ўйинларида иштирок этиб, парламент курсиларидан жой талашдилар, дунёвий кучлар билан коалициялар туздилар. Уларнинг хомхаёли бўйича, аввал ҳокимият ричагларини қўлга киритиб, кейин Исломни силлиққина бошқарувга олиб келиш мумкин эмиш... Бу худди ботқоққа ботиб туриб, устини тозаламоқчи бўлган аҳмоқнинг уринишига ўхшайди.

Бироқ бу мағлубона йўналиш жуда жиддий мафкуравий саволни ўртага ташлайди: агар мавжуд сиёсий тизим ўз табиати ва куфр қонунлари билан Ислом ақидасига таг-тубидан зид қурилган бўлса, у

ҳолда ўша тизимнинг ўйин қоидаларига бўйсуниб, унга сингиб кетиб, ўз асл қиёфангни йўқотмасдан туриб, уни ичидан ўзгартириш мумкинми?!

Асл муаммо – сайлов ёки парламентга уни шунчаки «восита» сифатида билиб киришда эмас, балки вақт ўтиши билан ушбу воситанинг ғояга айланишидадир. Натижада, қўлга киритилган овозлар сони, депутатлик ўриндиқлари ва вазирлик лавозимлари исломий лойиҳанинг кучини ўлчайдиган мезон бўлиб қоляпти — бу эса мафкуравий инқирознинг энг олий нуқтасидир.

Мана шу ерда ўша машъум зафар иллюзияси (сароби) ўз пардасини очади: ҳокимият курсисига эришган ҳаракат гўёки Исломни ғалаба қозонтирдим дея маст бўлади. Ҳолбуки, воқеликда ҳокимият тепасига Ислом эмас, балки конституцияси ва қонунчилик асослари заррача ўзгармаган куфр низомига хизмат қилиш учун келган, сохта исломий ниқобдаги сиёсий гуруҳ келган бўлади, холос.

Шу боис, ҳар бир сиёсий онгли мусулмон икки тушунчани пичоқ билан кесгандек ажратиб олиши шарт: муайян бир ҳаракатнинг сиёсий майдонда (куфр қоидалари билан) ютуққа эришиши бошқа нарса, у шиор қилиб олган ҳақиқий исломий лойиҳанинг зафари мутлақо бошқа нарсадир! Майли, қайсидир Ҳизб сайловда зафар қучсин, парламентда кўпчилик овозни қўлга киритсин, ҳатто ҳукумат тузиб, давлат раҳбарлигигача чиқсин; буларнинг бари сиёсий ўйинлардаги оддийгина ютуқ, аммо бу муқаррар равишдаги Исломнинг ғалабаси деганими? Йўқ, асло ундай эмас! Биз беришимиз керак бўлган асл савол мана шу! Унинг ўрнига малай матбуот сингари «фалон жамоа неча фоиз овоз олди?», «нечта вазири бор?» дея оғиз кўпиртириш сиёсий калтабинликдир.

Агар олий мақсад Аллоҳнинг нозил қилган қонунларига асосланган ҳақиқий Исломий давлатни барпо этиш бўлса, муваффақият мезони куфр тизими ичида эришилган майда ютуқлар билан эмас, балки илоҳий қонунларнинг жамиятда нечоғлик изчил ва соф татбиқ этилаётгани билан ўлчаниши вожибдир.

Хулоса шуки, зафар иллюзияси ҳаракатларнинг шунчаки сиёсий майдонга кирганида эмас, балки улар ўзлари тубдан ўзгартириши лозим бўлган воқеликнинг – куфр тизимининг бир бўлагига айланиб қолганларини англамай, ўша курсига ўтиришни «Ислом ғалаба қилди» дея кўр-кўрона байрам қилишларидадир.

Қачонки бир ҳаракат мавжуд бузуқ воқеликка тиз чўкиб, ўз мафкурасини куфр низомининг шартлари ва чегараларига мослаб қайта шакллантирса, тизимни илдизи билан қўпориб ташлаш ўрнига унинг ичига сингиб кетса, унинг ҳокимиятга келиши Исломнинг зафари эмас, балки ўша тизимга хизмат қилувчи оддий бир сиёсий қўғирчоқнинг муваффақиятидир. Бу майдондаги асл мағлубият — сайловда мағлуб бўлиш ёки курсини бой бериш эмас. Асл мағлубият — Аллоҳ таоло Исломнинг табиати учун белгилаб қўйган улуғвор пойдеворга, яъни Унинг ҳеч қандай сохта мафкурага бош эгмай, балки улар устидан мутлақ ғолиб ва ҳукмрон бўлиши кераклиги хусусидаги Илоҳий қонуниятга хиёнат қилишдадир!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Муҳкам Каломида шундай марҳамат қилади:

﴿هُوَ ٱلَّذِيٓ أَرۡسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلۡهُدَىٰ وَدِينِ ٱلۡحَقِّ لِيُظۡهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدٗا٢٨﴾

«У Ўз Расулини ҳидоят ва Ҳақ Дин билан, гарчи мушрику кофирлар хоҳламасалар-да, уни барча (ботил) динлардан устун (мутлақ ғолиб) қилиш учун юборган Зотдир. Аллоҳнинг Ўзи гувоҳликда кифоядир» (Фатҳ сураси, 28-оят).

Ислом қайсидир ботил демократик тизимнинг майда бир бўлаги бўлиш ёки ўз ақидасига зид бўлган низомнинг соясида кун кечириб, сўнгра бу хорликни «зафар» деб аташ учун нозил бўлмаган! Балки у Ер юзидаги барча тузумлар ва манҳажлар устидан ҳукм юритувчи, уларни тормор қилувчи ягона Раббоний мезон бўлиш учун келгандир!

Бинобарин, исломий ҳаракатларнинг асл фаолияти ҳақида фикр юритганда бериладиган тўғри сиёсий савол: «Улар курсига ўтирдими, неча йил ҳукм сурди?» деган савиясиз савол эмас. Балки: «Улар ўз

мафкуравий мақсадларига содиқ қолдиларми? Шариат чизиб берган пайғамбарлик йўлидан заррача оғишмай юрдиларми? Уларнинг сиёсий саҳнага чиқиши Ислом ва Халифаликни ғолиб қилишга хизмат қилдими ёки ўзлари ўзгартирмоқчи бўлган ботил воқелик уларни чайнаб-ютиб, ўз малайига айлантириб қўйдими?» деган ўткир саволдир.

Ҳокимиятга эришиш қайсидир гуруҳ учун шахсий манфаат, сайловда кўпроқ овоз олиш сиёсий муваффақият ёки ҳукуматни шакллантириш Ҳизбий ютуқ бўлиши мумкин. Бироқ очиқ кўз билан қараганда, ҳар қандай сунъий сиёсий ютуқ ҳеч қачон Исломнинг асл зафари бўла олмайди! Худди Шариат устувор бўлмаган сайловлардаги «мағлубият» исломий лойиҳанинг барбод бўлганини англатмаганидек. Айнан мана шу чизиқда сохта зафар сароби билан аччиқ мағлубият воқелиги ўртасидаги улкан фарқ яққол намоён бўлади.

АЛЛОҲНИНГ АРҚОНИНИ МАҲКАМ ТУТИШ (ЭЪТИСОМ)НИНГ АСЛ МАЪНОСИ

Муаллиф: Айман Салоҳ — Фаластин

Бугунги кунда минбарларни банд қилган кўплаб воизлар ва диний хатиблар оммани ҳамжиҳатликка чақириш, майда тарафкашликларни жиловлаш ҳамда низолашаётган томонларни сулҳга келтириш мақсадида ташкил этилган анжуманларда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ушбу муборак каломига тез-тез мурожаат қиладилар:

﴿وَٱعۡتَصِمُواْ بِحَبۡلِ ٱللَّهِ جَمِيعٗا وَلَا تَفَرَّقُواْۚ﴾

«Аллоҳнинг арқонни жамоат бўлган ҳолингизда маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг» (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Мазкур оятдан бундай ўринларда истишҳод (далил келтириш) лафзнинг зоҳирий далолатига кўра шаръан тўғри бўлса-да, лекин улар кўпинча ушбу илоҳий хитобнинг асл балоғатини ва ҳақиқий мағзини теран англаб етмайдилар. Улар «Эътисом» (маҳкам тутиш) калимасини шунчаки бирлашиш ва тарқоқликнинг зидди деб тасаввур қиладилар. Мана шу ерда жиддий хатолик юзага чиқади. Зеро, ояти карима маҳкам ёпишишга — «وَاعْتَصِمُوا» амри билан, парчаланишдан қайтаришга эса — «وَلَا تَفَرَّقُوا» наҳйи (тақиқи) билан даъват этмоқда. Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутиш ҳақидаги ушбу буйруқ — Умматнинг фикрий, ақидавий ва амалий ҳаётини шаръий асосда иҳота қилувчи улуғвор ва шомил бир таклифдир. Бирлашиш ва бўлинмаслик эса ана шу умум қамровли буюк амрнинг фақат бир жузъийдир. Ушбу нозик жиҳатни англаш учун, аввало «эътисом» калимасининг маъносини очиб бериш, сўнгра, Ислом Уммати амалда собит бўлиши вожиб бўлган ҳақиқий воқеликни баён қилиш шартдир.

Луғавий жиҳатдан ***«Исмат»*** (العصمة) — зарарлардан тўсиб турувчи мустаҳкам қалқон, енгилмас ҳимоя ва омонлик, демакдир. ***«Эътисом»*** (الاعتصام) эса, ўша ҳимоя воситасига чин дилдан суяниб, ҳар қандай залолат, фитна ва маъсият таҳдидларидан мутлақо иҳоталанган ҳолатга ўтишни англатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Расулига хитобан айтади:

﴿وَٱللَّهُ يَعۡصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِۗ﴾

«Аллоҳ сизни одамлардан ҳимоя қилади» (Моида сураси, 67-оят). Яъни, Раббоний қудрат сизни душманларнинг маккорлик тузоқларидан, уларнинг хусумати ва фитналаридан тўсиб, Ўз паноҳида асрайди. Бинобарин, куфр аҳлининг ҳеч бир таҳдидидан қўрқманг ва заифликка берилманг, зеро илоҳий **«исмат»** соясида турган зотга ҳеч ким заррача ёмонлик ва зиён етказа олмайди.

Яна бир ўринда Раббимиз мунофиқларнинг хомхаёлларини чиппакка чиқариб, шундай марҳамат қилади:

﴿قُلۡ مَن ذَا ٱلَّذِي يَعۡصِمُكُم مِّنَ ٱللَّهِ إِنۡ أَرَادَ بِكُمۡ سُوٓءًا أَوۡ أَرَادَ بِكُمۡ رَحۡمَةٗۚ﴾

«Айтинг: агар Аллоҳ сизларга бирон ёмонликни ирода қилса ёхуд сизларга Ўз раҳматини ихтиёр этса, сизларни Аллоҳнинг ушбу қазои қадаридан ким тўсиб (ҳимоя қила) олади?!» (Аҳзоб сураси, 17-оят). Яъни, илоҳий ҳукм ва жазонинг муқобилида қайси моддий ёки маънавий куч сизга паноҳ бўлиши мумкин? Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَالَ سَـَٔاوِيٓ إِلَىٰ جَبَلٖ يَعۡصِمُنِي مِنَ ٱلۡمَآءِۚ قَالَ لَا عَاصِمَ ٱلۡيَوۡمَ مِنۡ أَمۡرِ ٱللَّهِ إِلَّا مَن رَّحِمَۚ﴾

«У (исёнкор ўғил): “Мен тез орада ўзимни мана шу ҳайбатли тўфон сувларидан асрайдиган баланд бир тоққа қочиб чиқаман”, деди. Нуҳ эса: “Бугун Аллоҳнинг (ҳалок қилиш) амридан қутқарувчи ҳеч қандай паноҳ йўқ, магар У Зот раҳм қилган ва кемага чиққан мўминларгина бундан мустаснодир”, деди» (Ҳуд сураси, 43-оят).

Ушбу ояти каримадаги «يَعْصِمُنِي» лафзи — ***«мени сув фалокатидан тўсади, тўфон офатидан асрайди»*** деган маънони ифода этади. Бу сўз Аллоҳнинг набиййи Нуҳ алайҳиссаломнинг эътиқодий жиҳатдан кўр бўлган, нажотни моддиятда деб билган ўғлининг тилидан айтилган эди. У баҳайбат тоғ чўққисини илоҳий жазодан қутқарувчи восита деб хомхаёл қилди. Бироқ Нуҳ алайҳиссалом унга жавобан:

﴿لَا عَاصِمَ ٱلۡيَوۡمَ مِنۡ أَمۡرِ ٱللَّهِ...﴾

«Бугун Аллоҳнинг (ҳалок этиш ҳақидаги) амридан ҳеч бир сақлагувчи йўқ!» дея танбеҳ берди. Яъни, иймон келтириб, Нуҳ билан бирга нажот кемасига чиқмаган ҳар қандай осий бандани ғарқ қилиб, ҳалок этиш ҳақидаги илоҳий ҳукмдан ҳеч бир асровчи-сақловчи йўқдир. Айни шу истилоҳий мазмундан пайғамбарларнинг «маъсумлиги» тушунчаси келиб чиқади. Бу — Аллоҳ таоло Ўз элчиларининг руҳиятида шундай бир Раббоний нур ва малакани пайдо қилганки, улар инсон ўлароқ гуноҳ содир этишга нафсий жиҳатдан қодир бўлсалар-да, ушбу илоҳий ҳимоя кучи уларни маъсият ботқоғига ботишдан ёки унга мойил бўлишдан мутлақо тўсиб туради. Демак, Маъсумлик — Аллоҳ таолонинг пайғамбарлари ва расулларини ҳар қандай кабира ва сағира гуноҳлардан, айниқса, ваҳийни етказишда бирор-бир хатога йўл қўйишдан пок сақлашидир. Мана шу илоҳий муҳофаза туфайли, уларнинг ҳужжат-далиллари ҳар қандай нуқсондан холи, даъватлари эса кўнгилларни ром этувчи даражада соф бўлади.

Лўнда қилиб айтганда, «Исмат» — Раббоний паноҳ ва мустаҳкам қалқон демакдир. Бинобарин, Олий Зотнинг: **«Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг»** деган амри илоҳийси остида, мўминлар зиммасига ўзлари қўрқаётган барча балолар ва хавф-хатарларга қарши фақат ва фақат Ислом Шариатини ягона суянчиқ ва асровчи восита қилиб олиш фарз этилмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда Ислом Умматининг истиқболига раҳна солаётган сиёсий ва ахлоқий балоларнинг чеки-чегараси йўқ. Биринчи навбатда — куфр оламининг ваҳшиёна тажовузи, мусулмонлар қонининг тўкилиши ва муқаддас тупроқларимизнинг босиб олиниши бўлса; иккинчи томондан — Уммат бағрини пичоқ билан тилкалагандек парчалаб ташлаётган ички фитналар ва фикрий ихтилофлардир. Қолаверса, мусулмонлар онгини заҳарлаб, уларни куфр ва залолат жарлигига судраётган ғарбпараст ботил ғояларнинг ёпирилиб кириши ҳам шулар жумласидандир. Бунинг аянчли оқибати ўлароқ, кофирларнинг бузуқ урф-одатлари ва капиталистик ҳаёт тарзи жамиятимизга сингиб, фарзандларимиз ва

аёлларимизни фикрий жиҳатдан бузмоқда, муқаддас оила институтини кунфаякун қилмоқда.

Қуръоний лафзнинг нозик қиррасига эътибор беринг: Аллоҳ таолонинг ***«Илоҳий арқонни маҳкам тутинг»*** деган ушбу буйруғи Умматни иймондан кейин яна куфр зулматига қайтишдан огоҳлантирувчи кескин оятларнинг ортидан ворид бўлди! Зеро, бундан олдинги хитоблар куфр дунёсининг фикрий тузоқларидан сергак бўлиш ҳақида эди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло марҳамат қилади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تُطِيعُواْ فَرِيقٗا مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ يَرُدُّوكُم بَعۡدَ إِيمَٰنِكُمۡ كَٰفِرِينَ ١٠٠ وَكَيۡفَ تَكۡفُرُونَ وَأَنتُمۡ تُتۡلَىٰ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ وَفِيكُمۡ رَسُولُهُۥۗ وَمَن يَعۡتَصِم بِٱللَّهِ فَقَدۡ هُدِيَ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ١٠١ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ حَقَّ تُقَاتِهِۦ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُم مُّسۡلِمُونَ ١٠٢ وَٱعۡتَصِمُواْ بِحَبۡلِ ٱللَّهِ جَمِيعٗا وَلَا تَفَرَّقُواْ ...﴾

«Эй имон келтирганлар! Агар Китоб берилганлардан (яҳудий ва насроний) бўлган бирор тоифага итоат қилсангиз, улар сизларни иймонингиздан айириб, яна кофирлик ҳолатига қайтарадилар. Ваҳоланки, сизларга Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб, орангизда Унинг Пайғамбари (ва у қолдирган шаръий мерос) турибди, қандай қилиб куфр келтирасиз?! Кимки Аллоҳнинг Динини маҳкам тутса, шубҳасиз, у тўғри йўлга ҳидоят қилинибди. Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан Унга лойиқ равишда ҳақиқий тақво билан қўрқинглар ва фақат мусулмон (Шариатга тўлиқ бўйин эгган) ҳолингиздагина дунёни тарк этинглар! Барчангиз Аллоҳнинг арқонини жам бўлган ҳолингизда маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг!» (Оли Имрон сураси, 100–103-оятлар).

Ушбу илоҳий баённинг биринчи оятида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мўминларни аҳли китобларнинг ҳар қандай тўдасига итоат этишдан, уларнинг фикрий ва сиёсий қарашларига эргашишдан, тузумларига бўйин эгишдан қатъиян қайтаради. Зеро, уларга бўйин эгиш, улар чизиб берган йўлдан юриш — мусулмонларни охир-оқибат куфр домига қулатишини уқтиради.

Иккинчи оятда эса, Раббимиз мусулмонларни аҳли китоблардан қонунлар ва сиёсий тузумларни олиб, куфр ботқоғига шўнғишдан тўсмоқда. Ахир мўминлар қўлида порлаб, тилларида тиловат қилиб турилган Муқаддас Китобда инсоният ҳаётининг барча муаммоларини ҳал қилувчи мутлақ нур ва ҳидоят бор-ку! Орамизда эса Расулуллоҳ ﷺнинг соф суннати ва шаръий мероси турибди. Демак, Уммат ҳар қандай иқтисодий, сиёсий ёки ижтимоий муаммога дуч келса, фақатгина Ислом Шариатига мурожаат қилиши фарздир. Кимда-ким Аллоҳнинг ҳукмларини маҳкам тутса, яъни Аллоҳнинг паноҳига сиғинса, демак, у ҳақиқий тўғри йўлга чиқибди.

Учинчи оят эса мўминларни ҳақиқий тақвога чорлайди, токи улар кофирларнинг чизиғидан юриш оқибатида, маъсият ёки куфр устида дунёни тарк этмасинлар. Мана шу теран муқаддималардан сўнг, Эътисом ояти, яъни (Аллоҳнинг арқонини) маҳкам тутиш ҳақидаги улуғвор оят навбат олади. У жамият ва Умматни юқорида тилга олинган барча балолардан, ахлоқий инқирозлардан сақловчи амалий тасвир – сиёсий стратегияни чизиб беради. Бу стратегия икки ажралмас устундан иборат: биринчиси — Аллоҳ таолонинг арқонини маҳкам ушлаш; иккинчиси — Умматнинг ушбу илоҳий арқонни бир тану бир жон бўлган ҳолида маҳкам тутиши, яъни ягона жамоат бўлишидир. Хўш, Умматни куфр балосидан асрагувчи ушбу илоҳий арқон аслида нима? Ва бизни муҳофаза қилувчи асл «жамоат»нинг асл маъноси-шаръий қиёфаси қандай?

«Ҳабл» (арқон) калимаси бир неча маъноларни ўз ичига олган муштарак лафздир. У маъноларнинг баъзиси ҳиссий бўлса, бошқаси ҳиссий бўлмаган-маънавийдир. Луғат илмида бу сўзнинг асл маъноси — инсонни ўз мақсади ва эҳтиёжига етказувчи сабаб (омил) демакдир.

Арабларда «ҳабл» сўзи моддий-ҳиссий маънода бирор нарсани муҳкам боғлаш ёки бирон уловни хавфсиз етаклаш учун ишлатиладиган чидамли арқонни англатган. Шунингдек, инсон танасидаги жон томирлари — бўйин билан елка ўртасидаги мустаҳкам

пайга «ҳабл ал-отиқ», инсон ҳаётини тутиб турувчи шоҳ томирга «ҳабл ал-варид» (бўйин томири) дея нисбат берилган бўлиб, уларнинг бари ҳаётий боғлиқликни ифодалайди. Шунингдек «ҳабл аз-зироъ» ҳам қўлга алоқадор анатомик атамалардан биридир. Шунингдек, араблар «ҳабл» сўзини ҳиссий бўлмаган нарсада — аҳд, қатъий шартнома ва икки томонлама мажбурият маъносида ишлатишган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яҳудийларнинг хорлигини баён қилиб айтади:

﴿ضُرِبَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلذِّلَّةُ أَيۡنَ مَا ثُقِفُوٓاْ إِلَّا بِحَبۡلٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَحَبۡلٖ مِّنَ ٱلنَّاسِ ...﴾

«Қаерда бўлсалар ҳам, уларга мутлақ хорлик муҳри босилди, магар Аллоҳ томонидан берилган ҳабл(аҳд) ва одамлар томонидан берилган ҳабл(аҳд) билангина бундан мустаснодирлар» (Оли Имрон сураси, 112-оят). Яъни, илоҳий аҳд ёки инсоний зимма асосидаги келишувгина уларни вақтинчалик ҳалок бўлишдан сақлаб туради.

Ислом Давлатининг пойдевори қўйилган тарихий Ақаба байъатида Мадиналик ансорларнинг яҳудийлар билан бўлган шартномаларини узиш ҳақида сўз кетганда, худди шу нозик ибора ишлатилган эди: «Албатта, биз билан у қавмлар (яҳудийлар) ўртасида арқонлар (сиёсий шартномалар) бор ва биз энди уларни буткул узгувчимиз!» Кўриб турганингиздек, бу ерда «арқонлар» деганда жиддий сиёсий аҳдлар, битимлар ва мажбуриятлар назарда тутилган.

Ушбу оятдаги «Аллоҳнинг арқони»дан мурод — У Зотнинг Уммат зиммасига юклаган олий Аҳди ёки Муқаддас Қуръони Каримдир. Аллоҳнинг аҳдига содиқ қолишни бизга Раббимиз қуйидаги қавлида фарз қилган:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَوۡفُواْ بِٱلۡعُقُودِۚ ...﴾

«Эй имон келтирганлар! Ақд-битимларга (шаръий мажбуриятларга) тўлиқ вафо қилинглар!» (Моида сураси, 1-оят). Бу ердаги «ақдлар» —Аллоҳ Ўз бандалари зиммасига юклаган ва ижросини қатъий талаб қилган Раббоний амрлардир.

Тавҳид калимасини айтиб, Аллоҳнинг динига кирган ва Муҳаммад ﷺнинг рисолатига бош эгган ҳар бир мўмин табиий равишда ушбу илоҳий аҳдни қабул қилган ва унга содиқ бўлишни ўз зиммасига олган шахсга айланади. Бу буюк аҳднинг бош талаб-тақозоси эса — Аллоҳ таоло Ўз Китобида нозил қилган ва Расули ﷺнинг суннатида муҳрлаган шаръий ҳукмларни ҳаётнинг барча жабҳаларида, давлат бошқаруви ва суд тизимида изчил татбиқ этишдан иборатдир.

Айрим муфассирлар «**Аллоҳнинг арқон**» дан мурод — Қуръони Карим эканини таъкидлайдилар. Зеро, «Ҳаблуллоҳ» лафзи кўплаб набавий ҳадисларда Қуръони Каримга нисбатан қўлланилган. Имом Термизий ҳазрати Али розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилган ҳадисда Қуръоннинг сифати шундай тараннум этилади:

«هُوَ حَبْلُ اللهِ الْمَتِينُ، وَصِرَاطُهُ الْمُسْتَقِيمُ»

«У — Аллоҳнинг мустаҳкам арқони ва Унинг сироти мустақими (тўғри йўлид)ир!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий ﷺ марҳамат қиладилар:

«Албатта, бу Қуръон Аллоҳнинг улуғвор маънавий зиёфатидир, кучингиз етганича Унинг зиёфатини қабул қилинглар! Шубҳасиз, бу Қуръон — Аллоҳнинг арқони, зулматларни парчаловчи очиқ-равшан нур ва ҳар қандай дардга шифодир. Унга маҳкам ёпишганлар учун у — енгилмас ҳимоя (Исмат), унга эргашганлар учун эса мутлақ нажотдир! У ҳеч қачон ўз ўзагидан оғмайдики, танбеҳга муҳтож бўлса; Унинг қонунлари эгри бўлмайдики, тўғриланишга эҳтиёж сезса! Унинг мўъжизалари асло тугамайди ва даврлар ўтиши, воқеликнинг янгиланиши билан ҳеч қачон эскирмайди!» (Бу ҳадисни Ҳоким «Ал-Мустадрак»да саҳиҳайнга мувофиқ, Байҳақий эса «Шуъаб ал-иймон»да ривоят қилган бўлиб, Имом Мунзирий «Ал-Тарғиб ва а-Тарҳиб»да саҳиҳ деб баҳолаган).

Хулоса шуки, «***Аллоҳнинг арқони***»ни юқоридаги маъноларнинг қайси бирига йўймайлик, шубҳасиз, у мустаҳкам арқон ва сироти мустақим бўлган Аллоҳнинг Китобини давлат ва жамият миқёсида бош ҳаётий дастур қилиб олишни тақозо этади.

Зеро, Қуръон — капитализм ва либерализм довулларида мусулмонларни ҳалок бўлишдан асрагувчи ягона ишончли арқондир. Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутиш — Ислом Умматининг ўз сиёсий маржаиятини фақат илоҳий ваҳийга боғлаши демакдир. Чунки геосиёсий ўйинлар, мустамлакачилик фитна ва залолатларидан Умматни фақатгина ушбу муқаддас қонунларгина сақлаб қола олади.

Аллоҳнинг Китобини маҳкам тутиш — шахсий ҳаётдаги аҳкомлардан тортиб, ижтимоий низомлар ва энг асосийси, Давлат миқёсидаги сиёсий-иқтисодий қонунларни тўлиқ Шариатга бўйсундириш демакдир! Ана шундагина Аллоҳнинг Китоби қуруқ матн эмас, балки бизни халқаро майдондаги таҳдидлардан асровчи тирик қалқонга айланади. У шахсни куфр ва фикрий залолатдан ҳимоя қилибгина қолмай, Ислом Уммати ва Унинг муқаддас Давлатини куфр оламининг ҳарбий-сиёсий ҳужумларидан асрайди; жамиятимизни куфр ўлкаларидан ёпирилиб келаётган бузуқликлар ва ғайритабиий ҳаёт тарзи вабосидан темир девор каби муҳофаза қилади.

Муқаддас оятда Ислом Уммати мана шундай енгилмас қудрат ва сиёсий ҳимояга эришиши учун унга аниқ бир амалий қолип ва ташкилий шакл буюрилган. Бу — мусулмонларнинг тарқоқ миллий давлатчалар эмас, балки бир байроқ, бир раҳбар остида ягона улуғвор Жамоат бўлиб саф тортишидир! Мана шу ерда биз тадқиқотимизнинг иккинчи қисми бўлмиш — «Жамоат» тушунчасининг шаръий ва сиёсий моҳиятига дуч келамиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг: (جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا) ***«Барчангиз жамоат бўлган ҳолингизда Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланг ва парчаланманг!»*** деган кескин амри Умматнинг халқаро майдондаги ҳар қандай ёмонлик, фитна ва тажовузга қарши тура оладиган ягона амалий ҳолатини чизиб беради.

Оятдаги «Жамиъан» (جميعا) калимаси шунчаки одамлар тўпланишини эмас, балки муайян ақидавий(мафкуравий) асосдаги сиёсий жипслашишни англатади, яъни «илоҳий шариат атрофида, ягона сиёсий низом ичида жамланинглар!» демакдир. «Жамиъан» сўзининг ўзи Умматнинг ягона жамоат бўлиши вожиблигига далолат қилишга тўла қилса-да, Раббимиз ушбу фармонни янада таъкидлаб: «وَلَا تَفَرَّقُوا» (***Ва бўлиниб кетманглар***!) дея қатъий қайтариқ билан муҳрламоқда. Бу — мусулмонларнинг ҳар қандай парчаланиши, алоҳида давлатчаларга бўлиниши шаръан ҳаром эканига энг кучли далилдир.

Демак, ушбу илоҳий фармон мўминлар зиммасига унда Қуръон ва Суннат устувор бўлган ягона Жамоатни барпо этишни, яъни куфр дунёсига қарши енгилмас сиёсий қалқонга айланишни фарз қилмоқда. Зеро, сиёсий тарқоқлик ва сунъий чегаралар мусулмонлар бошига фақат хорлик олиб келади, Ғарб ва Шарқдаги йиртқич кофирларни Уммат бойликларини талон-торож қилишга журъатли қилади. Бўлиниш ва миллий давлатчилик — мутлақ ҳалокат бўлса, Ислом байроғи остида ягона Жамоат (Давлат) бўлиш — нажотнинг ягона калитидир!

Дарҳақиқат, бу нозик ҳақиқат бир нечта набавий ҳадисларда ҳам ўз аксини топгандир. Саҳоба Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расули Акрам ﷺ бу сиёсий воқеликни шундай баён қиладилар: «**Жамоат — раҳматдир, тарқоқлик эса азобдир!**» (Имом Аҳмад, Табароний ва Байҳақийлар ривоят қилишган) Амирул муъминин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса Набий ﷺ: **«Кимда-ким жаннатнинг қоқ марказидан жой олишни истаса, Жамоатга (мусулмонларнинг сиёсий бирлигига) маҳкам ёпишсин!»** дея буйруқ қилдилар. (Термизий, Аҳмад ва Насоий чиқарган)

Қуръон ва Суннатдаги шаръий далиллар мусулмон умматини барча ёмонликлардан мустаҳкам қўрғон мисол муҳофаза қилувчи «Жамоат»нинг асл шаръий тафсилотларини баён қилиб берган. Ушбу шаръий далилларнинг хулосаси шуки: «Жамоат» бу — **Уммат ёки Умматнинг шундай бир жузъики**, унинг тепасида мусулмонларнинг ягона раҳбари — Имом ёки Халифа мавжуд бўлади! Ва бу Халифа мусулмонларни фақат Ислом шариати билангина бошқаради, Уммат эса унга байъат беради ва садоқат билан итоат қилади!

Мана, масала ойдинлашди! Демак «Жамоат» атамаси — соф давлатчиликка, сиёсий ҳокимиятга ва Халифалик институтига дахлдор бўлган сиёсий истилоҳдир. Бинобарин, ушбу истилоҳ шаръий маънога эга бўлиб, уни саҳиҳ ҳадислар аниқ-тиниқ баён қилиб берган. Бир қатор саҳиҳ ҳадислар баёнига кўра, агар Умматнинг бошида шаръий Имом ёки Халифа бўлмаса, воқеликда ҳеч қандай «Жамоат» мавжуд бўлмайди! Қачонки, Уммат ягона раҳбарга байъат берсагина, Ислом нуқтаи назаридаги ҳақиқий «Жамоат» қад ростлайди. Агар Халифа бўлмаса, мусулмонлар қанчалик кўп тўпланишмасин, улар шаръий жиҳатдан «тарқоқлик ва бўлиниш» хорлиги ичида яшаётган ҳисобланадилар.

Шу сабабли, фиқҳ илмида «жамоат» калимаси луғавий маъно(ҳақиқат ал-луғавийя)дан юксалиб, шаръий маъно (ҳақиқат аш-шаръийя)га айланган. Қачонки, шаръий нусусларда ушбу сўз аниқлик артикли(ال) билан «ал-жамоат» бўлиб ёки «мусулмонлар жамоаси», «мўминлар жамоаси» ёхуд ”сизларнинг жамоатингиз” дея изофа ҳолида келса, у луғавий маъно қолиб, фақат юқорида таъкидланган шаръий ҳақиқатга(шаръий маънога) далолат қилаётган бўлади ва ундан фақат Ислом Давлати ва Халифалик тузуми назарда тутилади.

Қуйида биз (юқорида шаръий маъноси баён қилинган) Жамоатни маҳкам тутишга буюриб келган ёки унинг сифатларини баён қилиб берган ҳадислар ичида энг муҳимларини келтирамиз. Ва табиийки, улардан ал-Жамоат истилоҳининг шаръий маъноси яна-да ойдинлашади:

Саҳоба Фузола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий ﷺ Илоҳий ғазабга учраган тоифаларни шундай баён қиладилар:

«Уч кимса борки, уларнинг аянчли оқибати ҳақида сўраб ҳам ўтирма: улар — Жамоатдан (Ислом давлатидан) ажралиб чиққан, ўз Имомига (Халифасига) исён қилган ва ушбу осийлиги билан ўлиб кетган кимсалардир!» (Имом Аҳмад саҳиҳ санад билан ихрож қилган ва лафз ҳам уники, Баззор ва ибн Ҳиббон ҳам ривоят қилган)

Имом Муслим, Насоий, ибн Можа ва Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«Кимда-ким (Халифага) итоат этишдан бош тортса ва Жамоатдан ажралса, сўнгра шу ҳолида вафот этса, у (худди Исломда бўлмагандек) жоҳилият ўлими билан ўлибди!»

Бу икки набавий ҳужжатдаги энг ўткир далил шундаки, Расулуллоҳ ﷺ Имомга(яъни мусулмонлар Халифасига) осийлик қилган ва унинг итоатидан чиққан кимсани тўғридан-тўғри «Жамоатдан ажралган» деб атамоқдалар.

Бундан чиқадики, «Жамоат» — тепасида итоат этилиши фарз бўлган шаръий Имом турган Ислом Умматининг сиёсий танасидир. Шуни унутмаслик керакки, мусулмонлар учун фақат Аллоҳнинг аҳком(қонун)ларини татбиқ қиладиган Халифага итоат этишлари вожиб бўлади! Агар бугунги қўғирчоқ ҳукмдорлар сингари ҳоким Ислом Шариатини четга суриб, куфр қонунлари билан ҳукм юритса, у шаръан «Имом» ҳисобланмайди ва у бошқараётган ўлкада шаръий маънодаги «Жамоат» мавжуд бўлмайди! Чунки Халифалик — бутун дунё мусулмонларининг ягона умумий раҳбарлиги бўлиб, унинг бош вазифаси — ичкарида Ислом аҳкомларини татбиқ қилиб адолатни ўрнатиш, ташқи сиёсатда эса рисолатни жиҳод орқали бутун оламга ёйишдир.

Асрлар давомида фақиҳ уламоларимиз, тепасида биринчи бўлиб байъат олган Халиф ёки Имом мавжуд бўлган Исломий диёрларни «Дорул адл» (Адолат диёри) деб номлаганлар. Шаръий(қонуний) Халифага бўйсунмай, ажралиб чиққан ўлкаларни эса, ҳатто ундаги раҳбар Ислом аҳкомларини ижро этиб турган бўлса-да, «Дорул бағй» (Исён диёри) деб атаганлар. Энди ўзингиз айтинг, бугунги кунда мусулмонлар тепасига миниб олиб, куфрнинг жирканч қонунларини татбиқ қилаётган малай ҳукмдорлар бошқараётган юртларни қандай номлаш мумкин?!

Сирдош саҳоба Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу Набий ﷺдан келажак ёмонликлари ва содир бўлажак фитналар ҳақида сўраган машҳур ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ шундай марҳамат қилганлар: **«Шундай замонлар келадики, унда жаҳаннам эшикларига чақирувчи даъватчилар пайдо бўлади. Ким уларнинг чақириғига лаббай деб жавоб берса, улар уни дўзах қаърига улоқтирадилар». Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни бизга сифатлаб беринг?» дедим. У зот: «Улар ўзимиздан бўлган, бизнинг тилимизда сўйлайдиган кимсалардир», дедилар. Мен: «Агар ўша машъум замонга етиб борсам, менга нимани буюрасиз?» деб сўрадим. У зот: «Мусулмонларнинг Жамоати (Давлати)ни ва уларнинг Имоми (Халифаси)ни лозим тут (бирга бўл)!» деб буюрдилар. Мен яна сўрадим: «Агар ўша пайтда мусулмонларнинг на Жамоати ва на бир Халифаси бўлмаса-чи?!» У зот ﷺ дедилар: «У ҳолда ўша гуруҳ ва фирқаларнинг барчасидан четлан! Ҳатто очликдан дарахт илдизини тишлаб ётишингга тўғри келса ҳам, то ўлиминг келгунига қадар ўша собитликда қол!»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ушбу ҳадиси шариф мусулмонлар жамоатини маҳкам ушлашга буюриб, Жамоатни тўғридан-тўғри Имом(Халифа)нинг мавжудлиги билан боғламоқда. Сўнгра ҳадисда Ҳузайфа мусулмонлар жамоати мавжуд бўлмай қолиши ҳолати ҳақида**(..уларнинг на Жамоати ва на бир Имоми(Халифаси) бўлмаса-чи..?!)**деб сўрамоқда. Бу –

мусулмонлар тепасида Имом(Халифа)мавжуд бўлмаган(ҳозиргидек) ҳолатдир. Демак, ҳадиснинг нозик жойи шундаки, саҳобалар, агар Умматнинг тепасида ягона Халифа бўлмаса, мусулмонлар қанчалик кўп бўлишмасин, шаръий жиҳатдан «Жамоат» ҳисобланмасликларини ва сиёсий тарқоқлик ботқоғига ботишларини жуда яхши англаганлар. Чунки Халифасиз воқелик — Умматнинг бир нечта майда миллий давлатчаларга парчаланиб кетиши воқелигидир.

Енг даҳшатли томони шундаки, ана шу парчаланган давлатчалар тепасига жаҳаннам эшикларига даъват қилувчи, Ислом шариатини ҳаётдан улоқтириб, куфр қонунларини ҳимоя қилувчи золим ҳукмдорлар ўтириб олади. Улар ўзларининг малай оммавий ахборот воситалари ва заҳарли муассасалари орқали мусулмонлар юртида бузуқ сақофатини ёядилар. Бундай машъум шароитда ушбу сунъий давлатларнинг бирортасига нисбатан «Жамоат» атамасини қўллаш мутлақо ҳаромдир! Саҳобаи киромларнинг сиёсий онги шу қадар баланд эдики, улар Уммат қачонки ягона Имом(Халифа) бошқаруви остида бирлашсаларгина, ана ўшанда «Жамоат» юзага келади деб тушунганлар.

Имом Ибн Касир ўзининг тарих китобида жаннат башорати берилган ўн улуғ саҳобадан бири — Саид ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: *Амр ибн Ҳурайс ундан: «Сиз Расулуллоҳ ﷺнинг Дорул бақога риҳлат қилган кунларида бормидингиз?» деб сўради. Саид: «Ҳа», деди. Бошқа савол берди: «Абу Бакр Сиддиққа қачон Халифалик байъати берилди?» Саид ибн Зайд сиёсий тарих аллақачон олтин ҳарфлар билан муҳрлаган ушбу ҳақиқатни айтди: «Расулуллоҳ ﷺ вафот этган куннинг қоқ ўзидаёқ! Чунки мусулмонлар ҳатто куннинг бир лаҳзасида, бир соатида ҳам бошларида Халифаси бўлмаган – Жамоатсиз ҳолатда қолишини мутлақо кўнгилларига сиғдирмадилар*!» Демак, бунинг маъноси шуки, буюк саҳобий Саид ибн Зайд, Уммат ягона Имом(Халифа)га байъат берганидан сўнггина Жамоат шаклини олишини англаганлар.

Адолат тимсоли Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳам ушбу сиёсий ҳандасани мукаммал чизиб берганлар. Саҳоба Тамим ад-Дорий айтади: Умар розияллоҳу анҳу даврида одамлар мол-дунёга берилиб, баланд иморатлар қуриш пайига тушганларида, Амирул муъминин уларни сергакликка чақириб, сиёсий тизим пойдеворини шундай эълон қилди: «Эй араблар жамоаси(Эй Уммат)! Ерга қайт, ерга қайт(асл пойдеворни ўзагингга лозим тут)! Зеро, Жамоатсиз (ягона давлатсиз) Исломнинг амалий-ҳаётий мавжудлиги йўқ, Амирликсиз (Халифалик ҳокимиятисиз) Жамоатнинг мавжудлиги йўқ, ва итоат қилинмаса ҳеч қандай Амирлик(Раҳбарият) ҳам мавжуд бўлмас!» Доримий ривояти.

Ислом Умматининг илк олтин асрида сиёсий онг нақадар тиниқ ва юксак бўлганига яна бир тарихий ҳужжат — ҳижрий 41 йилнинг тарих саҳифаларига «Омул-жамоа» (Жамоат йили) деб муҳрланганидир. Ўша йили набавий хонадон соҳиби Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо Умматнинг қони тўкилмаслиги ва сиёсий бирлик тикланиши учун Халифаликни Муовия розияллоҳу анҳуга топширди. Бутун Уммат ягона Халифа атрофида байъат билан бирлашди. Эътибор беринг! Унга қадар мусулмонлар орасида фитна сабаб иккита ҳокимият мавжуд эди ва уламолар ушбу иккилик ҳукм сурган даврни ҳақиқий «Жамоат» деб атамаганлар. Демак, «Жамоат» фақат ягона Халифалик билан тирикдир.

Улуғ олим ва забардаст мужоҳид Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ Халифаликни мадҳ этиш балоғатида шундай гўзал ва бадиий бир назм битган эдилар:

Қуръоннинг арқони — Аллоҳнинг аҳди,
Жамоат риштасин маҳкам тут, дўстим!
Унга боғланганнинг юксалур бахти,
Султон қалқонидан нажот кут юртим.

Дину дунёмизга Ҳақнинг раҳмати,
Султон даф айлагай мушкул машъумни.

Халифалик эрур Уммат савлати,
Сақлагай зулмдан ҳар бир мазлумни.

Гар у бўлмаганда йўллар хавф, нотинч,
Заифга зўравон соларди қўрқинч...

Мана, хулоса кундек равшан: Аллоҳ таоло «وَلَا تَفَرَّقُوا» ***(Ва бўлиниб кетманглар!)*** дея қоралаган ва қатъий ҳаром қилган парчаланиш — Ислом Умматининг, бугунги кундагидек, ўнлаб сунъий сиёсий тузилмаларга, миллий давлатчаларга бўлиниб-парчаланиб кетишидир! Бу ҳақиқат ер юзида бир вақтнинг ўзида икки халифа бўлишини тақиқлаган ва Умматнинг сиёсий тарқоқлигини жиноят деб эълон қилган кўплаб саҳиҳ ҳадислар билан метиндек мустаҳкамланган.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расули Акрам ﷺ Давлат ва Уммат сиёсатининг пойдеворини қуйидагича баён қиладилар:

«Албатта, Аллоҳ сизлар учун уч нарсадан рози бўлади: Фақат Унинг Ўзига қуллик қилишингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслигингиздан; Аллоҳнинг арқонини (Исломий шариатни) жамоат бўлганинггиз ҳолда маҳкам тутиб, бўлиниб кетмаслигингиздан; ва Аллоҳ Уммат ишларини бошқаришни топширган Раҳбарга (Халифага) самимият кўрсатишингиздан. Ва Аллоҳ уч нарсада сиздан ғазабланади: Маъносиз деди-дедиларни кўпайтириш, бемаъни саволбозлик ва Аллоҳ берган мол-мулкни зое қилишдан!»

Арфажа ибн Шурайҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: Мен Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«Агар сизлар ягона Имом (Халифа) атрофида жипслашиб, сиёсий ишларингизни бир нуқтага бирлаштирган ҳақиқий Жамоат бўлиб турган пайтингизда, кимда-ким орангизга нифоқ солиш, давлатингизни парчалаш ёки Халифалик қалқонини синдириш

ниятида майдонга чиқса, у ким бўлишидан қатъи назар, уни зудлик билан қатл қилинг!» Муслим ривояти. Ҳадисдаги «**Ишларингиз бир кишига бирлашган**» деган сўз — мусулмонларнинг ягона Раҳбар атрофида шаръий байъат билан уюшган мустаҳкам Давлат воқелигини ифодалайди. Кимда-ким бу улуғвор сиёсий яхлитликни бузиб, Уммат бағрини тилкалашни ва Ислом заминида алоҳида давлатчалар, мустақил амирликлар эълон қилишни ихтиёр этса, унинг жазоси — ўлимдир! Бу дегани — Ислом Умматининг бир вақтнинг ўзида бир нечта сиёсий тузилмага, парчаланган миллий республикаларга бўлиниб яшаши шаръан ҳаромдир, энг олий жиноятдир!

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Набий ﷺ айтадилар: **«Кимки бир Имомга байъат бериб, унга қўлининг кафтини ва қалбининг қўрини(меҳр-садоқатини) топширган бўлса, кучи етганича унга итоат қилсин! Агар майдонга бошқа бир даъвогар чиқиб, ҳокимиятни бўлишмоқчи, тахт талашмоқчи бўлса, ўша даъвогарнинг бўйнига қилич билан уринг!»**

Мана, Аллоҳ бизга фарз қилган «Жамоат»нинг асл ҳандасий шакли! Бу ҳадис орқали биз, Аллоҳ таоло уни маҳкам ушлашимизга буюрган «Жамоат»нинг асл маъносини ва қонуний Халифа турганда, иккинчи бир сиёсий марказ, яъни халифаликни даъво қилиб чиққан кимсани, ҳатто ўша иккинчи даъвогар биринчисига қараганда афзалроқ бўлса-да, унинг жазоси қатл эканини англадик. Зотан, Уммат бирлигини парчаланишидан асраш учун у кимсанинг нафси тиғ билан кесилади!

Имом Муслим ўзининг «Саҳиҳ» тўпламида ушбу муҳкам набавий кўрсатмани ўта теран ва батафсил шаклда ривоят қилган бўлиб, ҳадиснинг муқаддимасидаёқ тепасида Халифалик паноҳи бўлмаган, шаръий бошқарувдан маҳрум тарқоқ Умматнинг бошига ёғиладиган мудҳиш фитналар, сиёсий инқирозлар ва тубанликлар жамиятнинг кушандаси ўлароқ баён қилинади. Сўнгра ушбу балолардан қутулишнинг ягона чораси сифатида, қонуний Халифага берилган

шаръий байъатга содиқ қолиш ва унга сиёсий итоат этиш қатъий фарз ўлароқ буюрилади. Саҳоба Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо Уммат тарихига муҳрланган ўша тарихий воқеликни шундай ривоят қилади:

«Биз Расулуллоҳ ﷺ билан бирга бир сафарда эдик. Йўлда бир манзилга келиб тўхтадик. Баъзиларимиз бошпана учун чодирини тузатаётган, баъзиларимиз ҳарбий машқ ўлароқ ўқ отиш билан банд, бошқаларимиз эса улов ва чорвасига қараб юрган пайт эди. Тўсатдан Расулуллоҳ ﷺнинг жарчиси нидо қилиб: “Намозга жамланинглар (Ас-солату жамиъах)!” дея баланд овозда чақирди.

Биз зудлик билан Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларига тўпландик. У зот ﷺ дедилар: “Мендан олдин ўтган ҳар бир пайғамбарнинг зиммасида, ҳеч шак-шубҳасиз, ўз умматига улар учун хайрли, деб билган энг гўзал нарсаларни кўрсатиб, улар учун ҳалокатли деб билган ёмон балолардан огоҳлантириш (инзор қилиш) шаръий мажбурият бўлган эди.

Ҳеч шубҳа йўққи, бу Умматнинг офият-омонлиги унинг аввалида (Исломий давлат қалқони ортида) барпо қилинди. Аммо Умматнинг охирига келиб, шундай оғир балолар ва сизлар асло қабул қилмайдиган жирканч ишлар ёпирилиб келажакдир! Кетма-кет шундай фитналар юз берадики, уларнинг бири иккинчисидан даҳшатлироқ бўлиб, аввалгисини ҳам енгил қилиб кўрсатади. Навбатдаги фитна келганда мўмин банда дод солиб: «Мана шуниси мени буткул ҳалок қилади, тамом бўлдим!» дейди, сўнг у фитна тарих қаърига чўкиб, ундан-да мудҳишроқ бошқа бир фитна бошланганда мўмин яна титраб: «Ана шу ҳақиқий фалокат, мана шуниси!» дея чорасиз қолади.

Бинобарин, кимда-ким (ушбу фитналардан омон қолиб) дўзах оловидан узоқлашишни ва жаннатга киришни чин дилдан ихтиёр қилса, Аллоҳга ва Охират кунига бўлган иймонини маҳкам ушлаган ҳолида ўлимини кутиб олсин! Ва ўзига инсонлар

томонидан қандай муомала қилинишини истаса, одамларга ҳам худди шундай муомалада бўлсин! Кимда-ким бир Имомга (Халифага) байъат бериб, унга қўл ташлаган қалбининг қўрини (вафодорлик аҳдини) берган бўлса, имкони етганича унга итоат қилсин! Агар бошқа бир кимса чиқиб, ушбу (шаръий ҳокимият)ни талашса, ўша иккинчи даъвогар кимсанинг бўйнига қилич билан уринглар!». Муслим ривояти.

Ушбу ҳадис бугун Уммат танасини куйдираётган бўҳронлардан қутқарувчи ягона шаръий нажот йўлини кўрсатмоқда. Ушбу йўл — Ислом Умматининг бир нечта миллий давлатчаларга ва мустақил ҳукмдорларга бўлинишига мутлақо чек қўйиш, яъни Халифаликни қайта барпо этишдир! Агар мусулмонлар оламида Аллоҳнинг қонунларини устувор қилиш учун шаръий байъат олган ягона Халифа ва улуғвор Халифалик Давлати мавжуд бўлса-ю, кейин қайсидир сиёсий гуруҳ ёки миллий етакчи чиқиб, ўзича янги мустақил давлат ёки республика тузишни даъво қилса, у кимса ким бўлишидан қатъий назар, унга темир қўл билан тўсқинлик қилиш фарздир! Ҳатто ушбу айрилманинг олдини олиш учун қурол ишлатиш ва уларни маҳв этиш Шариатнинг қатъий талабидир. Чунки мусулмонлар тупроқларида иккинчи бир давлатнинг пайдо бўлиши — Умматнинг куч-қудратини қирқувчи, фитналар эшигини ланг очувчи машъум хоинликдир.

Ушбу набавий огоҳлантириш худди бугунги аянчли воқелигимизни ойна мисол кўрсатиб тургандек: Ҳозирда Ислом Умматининг бошида Шариатни устувор қилган ягона сиёсий қалқони — Халифаси йўқ! Билъак унинг ўрнига, мустамлакачилар чизиб берган сунъий хариталар ичида ўтирган ўнлаб яроқсиз ҳукмдорлар ва парчаланган заиф давлатчалар бор. Мана шу сиёсий тарқоқлик сабаб, Ислом Уммати ўз халқаро ҳайбатини бой берди, қадр-қиммати тупроққа қорилди. Ваҳший кофирлар ва Ғарб империалистлари эса Умматни ҳар томондан ўзига қул қилиб, Фаластиндан тортиб Шарқий Туркистонгача бўлган муқаддас тупроқларимизда бемалол қон тўкишни ва ерларимизни босиб олишни ўзларига касб қилиб олдилар.

Бошида Аллоҳнинг шариатини татбиқ қиладиган Халифа турган давлатни, яъни Жамоатни барпо этиш орқали Аллоҳнинг арқонига маҳкам ёпишиш бу – «фирқаланиш ҳадиси»да башорат қилинган Нажот топувчи фирқа (Фирқат ан-нажия)нинг асосий сифатидир. У – Набий ﷺ Жамоатнинг тескариси бўлмиш фирқаланишдан огоҳлантирган ўша ҳадиски, унинг ривоятларидан бирортаси санад заифликларидан холи эмас. У ҳадиснинг айрим ривоятлари – ҳар ҳолда санади ҳасан, деб кўрилганроғи – биз қуйида келтирадиган ривоят эса, унда «ал-Жамоат» нажот топувчи фирқанинг сифати ўлароқ зикр қилинади. Набий ﷺ айтадилар:

«Огоҳ бўлинг! Сизлардан олдинги аҳли китоб (яҳудий ва насронийлар) етмиш икки фирқага бўлинган эдилар. Бу Уммат эса яқин келажакда етмиш уч фирқага бўлинади. Улардан етмиш иккитаси дўзахдадир, фақат биттагина фирқа жаннада бўлади. Ва у – (ўша ягона нажот топувчи фирқа) Жамоатдир (яъни Халифалик давлатида ягона Уммат бўлиб бирлашган муслмонлардир)!» Бошқа бир ривоятда **айтдилар: «Уларнинг бари дўзахдадир, магар мен ва саҳобаларим тутиб турган (соф мафкуравий ва сиёсий) йўлни маҳкам ушлаганларгина нажот топгувчидирлар!»** (Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Фирқаланиш ва нажот топувчи фирқа ҳақидаги ҳадислар саҳиҳли очиқ-ойдин бўлган саҳиҳ ҳадислар жумласига кирмайди. Бироқ ушбу ҳадиснинг санадлари хусусида муҳаддислар ўртасида турли баҳслар бўлган эса-да, кейинги давр ҳадис ҳофизлари уни бир-бирини қувватловчи ривоятлар асосида кучли деб баҳолаганлар. Бу ҳадис Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Умар, Муовия ибн Абу Суфёндан,яъни бир қатор саҳобалардан ривоят қилинган. Ушбу ҳадисни тушунишда мушкиллик туғдирадиган жойи унинг айрим ривоятларида келган»..**уларнинг бари дўзахдадир, фақат биттаси ундан нажотда»** деб келган қўшимча қисмидир. Бинобарин, ибн Ҳазм ва бир қатор уламолар бу ҳадисга таън берган бўлсалар, ибн Таймия

билан бирга яна бир қанча уламолар уни кучли санайдилар. Лекин шуниси аниққи, ҳадисни мазкур зиёдаси билан қабул қилган фақиҳлар ҳам, усул уламолари ҳам уни дарҳол авом одамлар зеҳнига келадиган зоҳирий маънода, яъни такфир(кофирга чиқариш) ва дўзахда абадий қолиш сифатида тушунмаганлар. Балки бу – қаттиқ осийлик ва бидъат маъносида деб билганлар.

Бугунги кунда ушбу ҳадиснинг санади таҳлилидан кўра, кўз ўнгимизда турган аччиқ бир ҳақиқат муҳимроқдир: Бугун Ислом Уммати чиндан ҳам парчаланиб кетган! Бу мудҳиш бўлинишни на инкор этиб бўлади ва на ундан кўз юмиб бўлади. Ҳатто бу ҳақда бирор ривоят келмаган тақдирда ҳам, Умматнинг бугунги тарқоқ, хор ва заиф воқелиги, афсуски, кўз юмиб бўлмас ҳақиқатдир.

Ҳадисда фирқаланиш қачон содир бўлиши аниқ кўрсатилмаган. Шу сабабли тарихнинг ҳар бир даврида яшаган муаллифлар бу ажралишни, айнан ўз даврларида юз берган, деб ҳисоблашган. Улардан айримлари фирқаларни санoқдан ўтказишга уринган, баъзилари эса етмиш нечта сонга етиш мақсадида ҳар қандай фикрий ихтилофни бўлиниш деб билган. Айримлар эса бу ерда аниқ сон эмас, балки кўплик назарда тутилган деб қараган. Бу ҳолат уларнинг «фирқаланиш» (тафарруқ) тушунчасини турлича англаганликларини кўрсатади. Уларнинг аксарияти бидъатлар, турли фикрлар, мазҳаблар ва гуруҳларнинг пайдо бўлишини бўлиниш деб ҳисоблаган. Ҳадисда «нажот топувчи тоифа» айнан Жамоат экани баён қилингани сабабли...» олимлар тафарруқнинг моҳиятини турлича тушунганлари каби, «Жамоат»дан кўзланган асл мақсад борасида ҳам ихтилоф қилганлар. Баъзи уламолар буни, совадул аъзам ва жумҳур мусулмонлар, деб тафсир қилганлар. Лекин, қандай бўлмасин, сиёсий вав шаръий жиҳатдан «Жамоат» — бошида ягона Имоми (Халифаси) бўлган ва Ислом тизими билан иҳота қилинган сиёсий давлатчиликдир! Демак, нусусларда қораланган ҳаром бўлиниш — мусулмонларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта мустақил раҳбарга ва алоҳида давлатларга ажралиб яшашидир. Бугунги кунда мусулмонлар

етмишдан ортиқ вужуд(давлат)га ёки ярим-давлатчаларга (субъектларга) бўлиниб кетган бўлиб, уларнинг 57 таси Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзоларидир. Бундан ташқари, ушбу давлатлар ҳудудида йигирмага яқин айирмачи (сепаратистик) тузилма ёки ярим-тузилмалар ҳам мавжуд. Шу боис, "бўлиниш (тафарруқ) ҳадиси"да зикр этилган парчаланиш манзараси бугунги уммат ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда асл шаръий маънодаги Жамоатнинг мусулмонлар ҳаётида йўқлиги сабабли бу истилоҳни исломий юртлардаги бирор тоифага нисбатан ишлатиш ёки унинг билан аташ мутлақо хатодир». Балки, энг тўғриси, «Аҳли сунна» иборасини қўллашдир. Бироқ кейинчалик, Аббосий халифалар муътазила мафкурасидан воз кечиб, соф исломий ақидага қайтгач ва Давлат раҳбарлиги (Халифалик ҳокимияти) яна аҳли сунна қўлида жипслашгач, тарих саҳнасига «Аҳли сунна вал-жамоа» атамаси кириб келди. Чунки «Жамоат» — яъни Халифалик Давлати ва Аҳли сунна мафкураси бир тану бир жонга айланган эди!

Бинобарин, Оли Имрон сурасининг 103-ояти бизга шуни уқтирадики, куфр дунёси исканжасидан, хорлик ва қирғинбаротлардан нажот топишнинг ягона йўли — бошида Ислом Шариатини татбиқ қилувчи Халифа турган улуғвор Халифалик Давлатини қайта тиклашдир! Ушбу сиёсий ва шаръий концепция, Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан иттифоқликда ривоят қилган машҳур набавий кўрсатмага тўла мувофиқ келади. Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: **«Шубҳасиз, Имом (Халифа) — қалқондир! унинг ортида туриб (душманга қарши) жанг қилинади ва фақат у билангина (Умматнинг шаъни, қони ва номуси) муҳофаза этилади!»**

Агар улуғ саҳобалар Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан кейин ҳатто бир соат ҳам бошларида Халифаси йўқ, сиёсий бошқарувсиз қолишни энг катта ҳалокат деб билган бўлсалар ва У зотнинг муборак жасадларини кафанлашдан олдин Сақифада Халифа сайлашга – Абу

Бакрга байъат беришга шошилган бўлсалар... у ҳолда бугунги кун мусулмонлари учун ҳам энг олий фарз, энг ҳаётий ва ҳал қилувчи масала — зудлик билан сохта дунёвий тизимларни улоқтириб, Қуръон ва Суннат устувор бўлган ягона Имомни — Халифани тайинлаш йўлида жонбозлик кўрсатишдир! Зеро, бу Умматнинг ақидаси бир, ибодат қиладиган Раббиси бир, эргашадиган Расули ва муқаддас Китоби бирдир! Фақат шу орқалигина улар учун қудрат (дахлсизлик) ва Аллоҳнинг арқонига маҳкам боғланиш ҳосил бўлади, ҳамда халқлар орасида яна ҳайбат, обрў-эътибор ва ўз мавқеларига эга бўладилар.

ИСЛОМ ШАРИАТИДА ТУРАР ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

Муаллиф: Аҳмад ал-Амин — Ирок

Биринчи: **Ислом шариатида турар жойга бўлган ҳуқуқ** Исломнинг одил низомида инсоннинг турар жойга бўлган ҳуқуқи унинг энг бирламчи иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларидан биридир. Муносиб бошпана билан таъминланиш — инсоннинг қадр-қимматини, шаъни ва дахлсизлиги кафолатининг бош таркибий қисми ҳисобланади. Зеро хавфсиз маскан — инсон зоти ер юзида соғлом ва меъёрдаги ҳаёт кечириши учун сув ва ҳаводек зарур бўлган асрий эҳтиёждир.

Лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинганда, ***«Сакан»*** калимаси чуқур руҳий ва ижтимоий маъноларни иҳота қилади: (سَكَنَ) ***«Сакана»*** — бирор безовта нарсанинг қарор топиши, ором олиши ва тинчланишидир; (السَّكِينَةُ) ***«Сакина»*** эса қалбга қуйиладиган улуғ осойишталик, хотиржамлик ва вазминлик неъматидир. Араб балоғатидаги (سَكَنَ دَارَهُ يَسْكُنُهَا) ***«Сакана дароҳу яскунуҳа»*** ибораси — инсон ўз уйини ором масканига айлантириб, унда хотиржам умргузаронлик қилганини англатади. Демак, бирор маконда яшаш — у ерни шунчаки макон тутиш эмас, балки унда муқим бўлиб, руҳий хотиржамликка эришиш демакдир. Бу ҳақиқатни Муҳкам Калом шундай баён этади:

﴿وَإِذْ قِيلَ لَهُمُ ٱسْكُنُواْ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةَ ...﴾

«Уларга: “Мана шу шаҳарда (ором олиб) истиқомат қилинглар”, дейилганини эсланг» (Аъроф сураси, 161-оят).

Араб тилида «Асканаҳу фил-макон» (أسكنه في المكان) ибораси — бирор шахсни малум бир жойга ўрнаштириш, у ерни унга ватан ва муқим бошпана қилиб бериш маъносини англатади. Худди кундалик ҳаётда ***«Асканту ахий фий манзилий»*** (Биродаримни ўз уйимга жойлаштириб қўйдим) дейилгани каби. Иброҳим алайҳиссаломнинг тилидан ворид бўлган ушбу оят ҳам фикримизни чахлайди:

﴿رَّبَّنَآ إِنِّيٓ أَسۡكَنتُ مِن ذُرِّيَّتِي بِوَادٖ غَيۡرِ ذِي زَرۡعٍ ...﴾

«Эй Раббимиз! Дарҳақиқат, мен зурриётимни экин-тикинсиз, гиёҳ унмас қумлоқ бир водийга ўрнаштирдим (бошпана бердим)» (Иброҳим сураси, 37-оят).

Маскан(турар жой) кўпинча «байт» (уй) лафзи билан юритилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۢ بُيُوتِكُمۡ سَكَنٗا ...﴾

«Аллоҳ сизлар учун уйларингизни ором оладиган маскан (оромгоҳ) қилиб қўйди» (Наҳл сураси, 80-оят).

Маскан бу — инсоннинг доимий ёхуд вақтинчалик яшаши учун мўлжалланган, уни ёз жазирамасидан, қишнинг изғирин совуғидан ва кўчадан ўтиб-қайтувчи бегона нигоҳлардан тўсиб турувчи табиий қалқондир. У — инсоннинг шахсий сирлари муҳрланадиган, оилавий ҳаёт соя остида кечадиган муқаддас бошпанадир. Инсон боласининг бошпанага бўлган эҳтиёжи унинг ҳаётий муҳим ишларидан бири бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла Ўз бандаларига инъом этган энг улуғ неъматлар сирасига киради. Бу ҳақиқатни Парвардигор Наҳл сурасида шундай баён қилади:

﴿وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۢ بُيُوتِكُمۡ سَكَنٗا وَجَعَلَ لَكُم مِّن جُلُودِ ٱلۡأَنۡعَٰمِ بُيُوتٗا تَسۡتَخِفُّونَهَا يَوۡمَ ظَعۡنِكُمۡ وَيَوۡمَ إِقَامَتِكُمۡ وَمِنۡ أَصۡوَافِهَا وَأَوۡبَارِهَا وَأَشۡعَارِهَآ أَثَٰثٗا وَمَتَٰعًا إِلَىٰ حِينٖ ٨٠﴾

«Аллоҳ сизлар учун уйларингизни оромгоҳ қилиб қўйди. Шунингдек, чорва ҳайвонларининг териларидан сизлар учун (сафарларда) кўчиб юрган кунингизда ҳам, муқим турган кунингизда ҳам кўтариб юришга енгил бўлган (чодир) уйлар барпо этди. Уларнинг жунлари, туклари ва қилларидан эса маълум муддатгача фойдаланадиган уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларини яратди» (Наҳл сураси, 80-оят).

Оятдаги «***Жаъала лакум***» (جَعَلَ لَكُم) калимаси — «сизларнинг фойдангиз учун айлантирди, муҳайё қилди» деган маънони англатади. Зеро, инсоннинг тепасида соя ташлаб турган ҳар қандай нарса — том,

осмон, остидаги пойдевор — ер, ва уни тўрт томондан иҳота қилиб тўсиб турган сатрлар — девордир. Қачонки мана шу унсурлар ўзаро уйғунлашиб, бир-бирига яхлит боғланса, инсон ором оладиган ҳақиқий Уй вужудга келади.

Ушбу оятда Раббимизнинг инсониятга бошпана борасида берган битмас-туганмас туҳфалари бирма-бир санаб ўтилган. Оятда, энг аввало, инсоннинг узоқ йиллар давомида муқим яшашига мўлжалланган мустаҳкам шаҳар иморатлари зикр этилади. Лафздаги ***«Саканан»*** (سَكَنًا) калимаси — инсон ўша бошпанага кирганда ташқаридаги чарчоқлардан қутулиб, тана аъзолари ҳаракатдан тўхтаб, осойишталик топишини ифодалайди. Тўғри, инсон уйнинг ичида ҳам ҳаракат қилиши, ташқарида ҳам дам олиши мумкин, бироқ оят инсоният ҳаётидаги аксар устувор ҳолатга — уйнинг асл вазифасига ишора қилмоқда.

Хулоса шуки, Аллоҳ табарока ва таоло Ўз бандаларига бўлган марҳаматини тўкис қилиб, уларнинг жон сақлаши учун муносиб уйларни инъом этди. Инсонлар ушбу масканларга дунё ташвишларидан паноҳ истаб кирадилар, у ерда ўз авратларини ва шахсий ҳаётларини бегона кўзлардан яширадилар ҳамда ҳаётий манфаатларини қондирадилар. Яъни, Илоҳий Ирода ер юзидаги ҳар қандай бошпанани — у хоҳ оддий вақтинчалик чодир бўлсин, хоҳ муҳташам иморат — инсоннинг ором оладиган, обрўси ва дахлсизлиги асраладиган муқаддас қўрғони қилиб белгилади.

Иккинчи: Турар жой ҳуқуқининг (ижтимоий ва шаръий) **аҳамияти**

Ҳар қандай жамиятда муносиб бошпанага эга бўлиш — инсон эҳтиёжларининг энг юқори поғонасида туради. Бу эҳтиёж аҳамият бобида инсоннинг ейиш ва ичишга бўлган табиий талабларидан асло қолишмайди. Зеро, оилавий ва ижтимоий барқарорликка фақатгина хавфсиз турар жой орқали эришилади ва инсон фақат шундагина жамият олдидаги ўз шаръий ва дунёвий вазифаларини тўлақонли

бажаришга куч топади. Шу боис Ислом инсон қадрини улуғлаб, турар жойни унинг дахлсиз ҳуқуқи деб эълон қилган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло марҳамат қилади:

﴿وَلَقَدۡ كَرَّمۡنَا بَنِيٓ ءَادَمَ وَحَمَلۡنَٰهُمۡ فِي ٱلۡبَرِّ وَٱلۡبَحۡرِ وَرَزَقۡنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَفَضَّلۡنَٰهُمۡ عَلَىٰ كَثِيرٖ مِّمَّنۡ خَلَقۡنَا تَفۡضِيلٗا ٧٠﴾

«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам (шарафли) қилдик, уларни қуруқлик ва денгизда (уловларга) миндирдик, уларга покиза ризқларни инъом этдик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан мутлақ афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Ислом инсоннинг бошпана олиш ҳуқуқини тўрт девор билан ўрабгина қолмай, унинг ўз уйи ичида мутлақ хавфсиз ва эркин бўлишини ҳам кафолатлаган. Чунки уй — инсоннинг сакинат маскани, шахсий сирлари қўрғони ва руҳий хотиржамлик топадиган оромгоҳидир. Муносиб уй-жой инсоннинг эркин ва шарафли ҳаёт кечириши, табиатнинг турли инжиқликларидан — ёзнинг жазирамаси-ю, қишнинг аёзидан ҳимояланиши учун энг зарур омилдир.

Ислом ушбу бошпана ҳуқуқини ўз сояси остида яшовчи барча фуқароларга — хоҳ у мусулмон бўлсин, хоҳ ғайридин (аҳли зимма) бўлсин — тенг ва адолат билан кафолатлаган. Ғайридин фуқаронинг уй-жой дахлсизлиги худди мусулмонники каби дахлсиздир. Ислом фуқаролари ўз имкониятларига кўра уйга эгалик қилиш (мулк), ижара ёки бадалсиз (تبرع) орқали жойлашиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, Шариатда жамиятдаги заиф қатламлар учун вақф қилинган махсус масканлар, мусофирхоналар ва зарурат туғилганда бошпана вазифасини ўтовчи масжидлар тизими ҳам жорий этилган.

Бунга энг гўзал тарихий мисол — Исломнинг илк даврида моддий жиҳатдан заиф бўлган ва Байтулмол ҳали уларни тўлиқ уй-жой билан таъминлашга улгурмаган «Аҳли Суффа»нинг Расулуллоҳ ﷺнинг муборак масжидларини вақтинчалик бошпана қилиб тутганларидир. Ислом жамиятида бирор-бир шахс ёки оиланинг кўчада, бошпанасиз қолиши шаръан мутлақо жоиз эмас. Зеро, бошпанасизлик инсоннинг

жонига, мол-мулкига, иффатига ва ибодатига улкан зарар етказади. Шаръий қоидага кўра, инсондан ҳар қандай зарар ва машаққатни даф қилиш — вожиб амалдир.

Ушбу мажбурият, энг аввало, инсоннинг ўз зиммасига юкланади: у ҳалол меҳнат қилиб, уй сотиб олиш ёки ижара орқали ўз оиласини муҳофаза қилиши шарт. Аммо қачонки фуқаро бу ишдан ожиз қолса, у ва унинг аҳли аёлини муносиб бошпана билан таъминлаш тўғридан-тўғри Давлат зиммасига вожиб бўлади. Шу билан бирга, бу жамият аҳли учун ҳам фарзи кифоядир — агар бирор юртда мусулмонлар ўз диндошининг бошпанасиз қолганига кўз юмиб турсалар, бутун жамият бирдек гуноҳкор бўлади.

Ушбу улуғвор ҳуқуқни асраш учун Ислом ўз байроғи остидаги ҳар бир масканнинг дахлсизлигини (ҳурматини) қонунлаштириб қўйган. Агар инсон уй-жой билан таъминланган бўлса, ҳеч ким, ҳатто ҳокимият вакиллари ҳам унинг дахлсизлигига тажовуз қила олмайди. Уй соҳибининг қатъий рухсатисиз остона ҳатлаб ичкарига кириш — ҳаромдир. Қуръони Карим бу борада шундай амр қилади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَدۡخُلُواْ بُيُوتًا غَيۡرَ بُيُوتِكُمۡ حَتَّىٰ تَسۡتَأۡنِسُواْ وَتُسَلِّمُواْ عَلَىٰٓ أَهۡلِهَاۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ٢٧﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга, то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманглар! Мана шу сизлар учун хайрлидир, шояд эслатма олсангизлар» (Нур сураси, 27-оят). Саҳоба Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ: **«Агар бирортангиз (бировнинг эшигида) уч марта изн сўраса-ю, унга жавоб (рухсат) берилмаса, ортига қайтиб кетсин!»** дея тартибни белгилаганлар.

Учинчи: Ислом Давлатининг фуқароларни уй-жой билан таъминлашдаги масъулияти

Ислом — инсон ҳаётининг фақатгина моддий жиҳатини эмас, балки унинг руҳий, ахлоқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳам бир бутун ҳолда мукаммал тартибга солувчи ягона мукаммал диндир. Ушбу Раббоний қонуниятга содиқ қолган жамият ҳар доим ички хотиржамликка, юксак ахлоқий покликка ва иқтисодий фаровонликка эришиши муқаррардир.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳада Ислом ҳар бир шахснинг — унинг инсонлик табиатидан келиб чиқиб — энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари бўлмиш озиқ-овқат, либос ва турар жой билан таъминланишини қатъий кафолатлайди. У бандаларни Аллоҳ берган покиза ризқлардан имкон қадар фаровон баҳраманд бўлишга тарғиб этиб, ҳар бир фуқаронинг давлат соясида шарафли ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Ислом Давлатининг бош вазифаси — халқнинг мана шу ҳаётий манфаатларини муҳофаза қилиш ва раъият ишларига ғамхўрлик кўрсатишдир. Бу масъулият Набий ﷺнинг ушбу машҳур ҳадислари билан муҳрланган: **«Ҳар бирингиз роъий (чўпон)сиз ва ҳар бирингиз ўз қўл остидагилар учун масъулсиз! Одамлар устидан турган Амир (Давлат раҳбари) роъийдир ва у ўз раъиятининг учун масъулдир...».**

Шу сабабдан, Шариат Давлат зиммасига ҳар бир фуқаронинг уй-жойга бўлган талабини қондириш масъулиятини юклайди. Бу йўлда фуқароларга уй қуриш, унга тўлақонли эгалик қилиш ва ҳалол тижорат мақсадида ижарага бериш эркинликлари тўлиқ тақдим этилган.

Ислом давлатчилиги тарихидан бунга олий бир далил — Халифа Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳнинг ўз волийларига йўллаган фармонидир. У зот давлат хазинасидан: «Юртдаги барча қарздорларнинг қарзини узиб беринглар!» дея амр қилди. Маҳаллий волийлар унга: «Эй амирул муъминин, биз шундай қарздор кишиларни топдикки, уларнинг ўз уйи, хизматкори, оти ва рўзғор жиҳозлари бор (шунда ҳам қарзини тўлаймизми)?» дея сўрадилар. Халифа уларга шундай жавобни йўллади:

«Ҳар бир мусулмон учун бошига паноҳ бўладиган шахсий уйи, кундалик хизматини қилувчи хизматкори, душманга қарши жиҳод қилиши учун улови (оти) ва уй жиҳозлари бўлиши унинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжидир! Шундай экан, унинг қарзини зудлик билан узиб беринглар!». Ушбу хабарда мўминлар амири Умар (розияллоҳу анҳу) қарздорларнинг (ғоримларнинг) қарзларини уларнинг турар-жойи, уй жиҳозлари, хизматкори ва оти бўлса ҳам, узиб беришни буюрмоқдалар. Бу раҳм-шафқат, ғамхўрлик ва раъият ишларига бўлган юксак эътиборнинг улуғ бир кўринишидир.

Ушбу ривоят Ислом Давлатининг ўз фуқароларига бўлган юксак ғамхўрлигини, раҳм-шафқат ва ижтимоий кафолат тизимининг нақадар олий эканини кўрсатади. Шариат ҳукмларини соф ҳолда татбиқ этувчи одил раҳбарлар Умматнинг бойликларини мана шундай тақсимлайдилар: улар хазинадаги маблағлар билан муҳтожларни бойитадилар, заифларнинг кўнглини кўтарадилар ва қарздорларни хорликдан қутқарадилар.

Исломда раъиятнинг уй-жой дахлсизлигига берилган эътибор шу қадар юксак бўлганки, Давлат марказдан минглаб чақирим узоқликдаги чекка бир ўлкада яшовчи оддий бир аёлнинг уй деворини таъмирлашни ҳам ўз бўйнига олган. Халифа Умар ибн Абдулазиз — Аллоҳ у кишини раҳматига олсин — ҳақида шундай ривоят қилинади: у зот мусулмонларнинг аҳволини доимо кузатиб борар, уларнинг хабарларини эшитиш учун эшикларни ланг очиб қўяр эдилар. Унинг чопари (почтачиси) йўлга чиққанида, одамлардан ким унга бирор мактуб берса, албатта уни олиб кетар эди. Ривоят қилинишича, Миср вилоятидан келган почта хабарлари орасида Фартуна ас-Савдо исмли камбағал, қора танли бир аёлнинг Халифа Умар ибн Абдулазизга йўллаган ноласи бор эди. У ўз мактубида уйининг атрофидаги девори ўта пастлиги, шу сабабдан ўғрилар осонгина ичкарига ҳатлаб ўтиб, унинг товуқларини ўғирлаб кетаётганидан шикоят қилган эди.

Улуғ Халифа ушбу муҳтож аёлнинг хатига жавобан шундай мактуб битди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг бандаси, амирул муъминин Умардан Фартуна ас-Савдога. Мактубинг менга етиб келди. Уй деворинг пастлиги ва товуқларинг ўғирланаётгани ҳақидаги ташвишингни ўқидим. Мен Миср волийси Аюб ибн Шураҳбилга сенинг уйинг деворини давлат ҳисобидан баланд қилиб, мустаҳкамлаб беришни буюрдим». Худди шу пайтда Халифа Миср волийсига кескин буйруқ юборди: *«Ушбу хатим сенинг қўлингга теккан заҳоти, шахсан ўзинг бориб, ўша аёлнинг уй деворини мустаҳкам ҳимояли қилиб қуриб бер!».* Мактубни олган ибн Шураҳбил (бутун бир армия қўмондони ва волий) шахсан Жиза ўлкасига бориб, ўша камбағал аёлни топди ва Халифанинг амрига биноан унинг уйи деворини мустаҳкам қилиб тиклаб берди. Мана, Исломнинг фуқаро уйига бўлган ғамхўрлиги!

Агар давлат хазинасида нимадир сабаб бўлиб етарли маблағ топилмай қолса, Умматнинг бошпанасиз қолишининг олдини олиш масъулияти тўғридан-тўғри жамиятдаги бойларнинг зиммасига ўтади. Ибн Ҳазм ал-Андалусий раҳимаҳуллоҳ бу шаръий қоидани шундай баён қилади:
«Агар закот маблағлари етмаса, ҳар бир шаҳар ва ўлканинг бойлари ўз атрофидаги камбағалларни бошпана, озиқ-овқат ва либос билан таъминлашлари Шариатда фарз қилингандир! Агар бойлар бундан бош тортсалар, Раҳбар (Султон) уларни куч билан мажбурлайди. Муҳтожларга ёмғирдан, иссиқдан, офтобдан ва бегона йўловчиларнинг нигоҳларидан ҳимоя қиладиган муносиб турар жой берилиши шартдир!».

Бу ҳукмга Аллоҳ таолонинг ушбу ояти далилдир:

﴿فَـَٔاتِ ذَا ٱلۡقُرۡبَىٰ حَقَّهُۥ وَٱلۡمِسۡكِينَ وَٱبۡنَ ٱلسَّبِيلِۚ ٣٨﴾

«Бас, қариндошга, мискинга ва йўлда қолган мусофирга (йўловчига) ўз ҳаққини беринг!» (Рум сураси, 38-оят). Яна Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا ﴾

“Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта Аллоҳ мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди.” Демак, Аллоҳ таоло мискинлар, йўловчилар (мусофирлар) ва қўл остидагиларнинг ҳаққини қариндошларнинг ҳаққи билан бирга (бир қаторда) зикр қилди. Шунингдек, ота-онага, қариндошларга, мискинларга, қўшнига ва қўл остидагиларга яхшилик (эҳсон) қилишни фарз этди. Яхшилик қилиш эса биз юқорида санаб ўтган барча (ҳақ-ҳуқуқ)ларни адо этишни тақозо қилади, уларни тўсиш (адо этмаслик) эса, шубҳасиз, ёмонлик (гуноҳ)дир».

Шу сабабли, агар жамиятда бирор мусулмоннинг ихтиёрида ортиқча бўш уйи (ёки хонаси) бўлса-ю, ёнида бир оиланинг кўчада бошпанасиз қолганини кўрса, ва бу муаммони ҳал қиладиган ҳеч ким бўлмаса, ўша муҳтож оилани вақтинчалик ўз бошпанасига киритиш унга фарз (қатъий мажбурият) бўлади. Бу — инсон ҳаётига таҳдид солаётган оғир машаққатни даф этиш учун Шариат буюрган муваққат нажот йўлидир.

Зеро, бошпанасиз қолган оила шаръан «ибн ас-сабил» (йўлда қолган мусофир) ҳукмида бўлиб, уларнинг хавфсиз бошпанага бўлган эҳтиёжлари табиийки вақтинчалик хусусиятга эгадир. Энг диққатга сазовор жойи шундаки, кўчада қолган ушбу инсонларнинг қайси динга мансублиги — улар мусулмонми ёки ғайридинми — бунинг асло аҳамияти йўқ! Чунки инсон ҳаётини, ор-номусини ва шаънини таҳдиддан асраш — Исломда ҳеч қандай диний айирмачиликсиз мутлақ вожиб амал ҳисобланади. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу умумий хитоби яққол ҳужжатдир:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ يَأۡمُرُ بِٱلۡعَدۡلِ وَٱلۡإِحۡسَٰنِ وَإِيتَآيِٕ ذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَيَنۡهَىٰ عَنِ ٱلۡفَحۡشَآءِ وَٱلۡمُنكَرِ وَٱلۡبَغۡيِۚ يَعِظُكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ ٩٠﴾

«Албатта, Аллоҳ (ҳар бир инсонга) адолат қилишга, чиройли яхшиликлар (эҳсон) кўрсатишга ва қариндошларга ёрдам беришга буюради...» (Наҳл сураси, 90-оят).

Парвардигоримиз Мумтаҳана сурасида ғайридинларга мурувват кўрсатиш ҳақида шундай дейди:

﴿لَّا يَنۡهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ لَمۡ يُقَٰتِلُوكُمۡ فِي ٱلدِّينِ وَلَمۡ يُخۡرِجُوكُم مِّن دِيَٰرِكُمۡ أَن تَبَرُّوهُمۡ وَتُقۡسِطُوٓاْ إِلَيۡهِمۡۚ﴾

«Дин борасида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳўрлаб чиқармаган кишиларга (ғайридинларга) мурувват кўрсатишингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас!» (Мумтаҳана сураси, 8-оят).

Шаръий таърифга кўра, «Йўловчи» (мусофир) ибораси ўз уйига ета олмай, кўчада паноҳсиз қолган ҳар қандай инсон ёки оилани ўз ичига олади. Бинобарин, ожиз бир инсонни оиласи ва гўдаклари билан кўчада, совуқда ташлаб қўйиш Исломдаги эҳсон (яхшилик) тушунчасига мутлақо зид бўлиб, бундай бағритошлик Шариат буюрган инсонийлик мезонларига оғир хиёнат ҳисобланади.

Тўртинчи: Турар жой билан боғлиқ бўлган шаръий ҳуқуқлар Маскан(бошпана)нинг инсон ҳаётидаги юксак ўрнини инобатга олиб, Ислом Шариати турар жой ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган бир неча ҳуқуқларни ҳам қонуний муҳрлаб қўйган:

1. Масканни эркин танлаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи:Ҳар бир инсон ўзининг моддий шароити, иқтисодий имконияти ва хоҳишига кўра, ер юзининг истаган бурчагидан ўзига яшаш жойи ҳамда уй турини мутлақо эркин танлаш ҳуқуқига эгадир. У ўз масканини ўзи истаган шаклда жиҳозлаши мумкин, фақатгина Ислом тақиқлаган исрофгарчилик ва манманлик мақсадидаги беҳуда сарф-харажатларга йўл қўймаса бўлди. Шунингдек, фуқаро ўз уйидан Шариат белгилаган «Зрарар бериш ҳам, зарарланиш ҳам йўқ» (Ла зарара ва ла зирор) деган умумий қоида асосида — яъни қўшниларига ва атрофдагиларга ҳеч қандай озор ва ноқулайлик туғдирмаган ҳолда — эркин фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

2. Уй соҳибининг изнисиз ичкарига қадам босмаслик: Ушбу қатъий шаръий ҳукм уйнинг мутлақ дахлсизлигини таъминлайди. Ислом низомида инсоннинг шахсий бошпанасига унинг изни ва розилигисиз қадам босиш — кирувчининг ижтимоий ёки давлатдаги мақоми нечоғлик юқори бўлишидан қатъи назар — энг оғир жиноят ва ҳаром амал ҳисобланади. Уй — инсоннинг сирдош қўрғони, оилавий қароргоҳидир. Унга эгасининг изнисиз кириш – уй эгаси ва маскан ҳурматига тажовуз ҳисобланиб, у асло жоиз эмасдир. Нур сурасида шундай буюрилади:

﴿فَإِن لَّمۡ تَجِدُواْ فِيهَآ أَحَدٗا فَلَا تَدۡخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤۡذَنَ لَكُمۡۖ وَإِن قِيلَ لَكُمُ ٱرۡجِعُواْ فَٱرۡجِعُواْۖ هُوَ أَزۡكَىٰ لَكُمۡۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ عَلِيمٞ٢٨﴾

«Агар у уйларда бирор кимсани топмасангизлар, то сизларга изн (рухсат) берилмагунча у ерга асло кирманглар! Ва агар сизларга (уй соҳиблари томонидан): “Орқангизга қайтинглар!” дейилса, дарҳол қайтинглар! Мана шу сизлар (қалбингиз ва обрўйингиз) учун энг пок йўлдир. Аллоҳ қилаётган барча амалларингизни билувчидир» (Нур сураси, 28-оят).

Ушбу улуғвор оятлардан кўринадики, Ислом Шариати турар жой дахлсизлигини Ғарбнинг сохта конституциялари ва халқаро декларациялари уй-жой ҳақида гапиришни бошлашидан роппа-роса ўн тўрт аср аввал энг мукаммал шаклда қонунлаштириб қўйган эди. Уй эгаси ташқарида иш билан банд бўлган тақдирда ҳам, унинг уйига яширинча кириш ёки сирларини кузатиш мутлақо тақиқланади. Ислом бу одоб тизимини оила ичида шу қадар нозик иҳота қилганки, ҳатто балоғатга етмаган ёш гўдакларга ҳам ота-онанинг хонасига киришда изн сўраш маданиятини ўргатишни фарз қилган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لِيَسۡتَـٔۡذِنكُمُ ٱلَّذِينَ مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡ وَٱلَّذِينَ لَمۡ يَبۡلُغُواْ ٱلۡحُلُمَ مِنكُمۡ ثَلَٰثَ مَرَّٰتٖۚ مِّن قَبۡلِ صَلَوٰةِ ٱلۡفَجۡرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُم مِّنَ ٱلظَّهِيرَةِ وَمِنۢ بَعۡدِ صَلَوٰةِ ٱلۡعِشَآءِۚ ثَلَٰثُ عَوۡرَٰتٖ لَّكُمۡۚ﴾

«Эй имон келтирганлар! Қўл остингиздагилар ва сизлардан ҳали балоғатга (вояга) етмаган болалар учта вақтда — бомдод намозидан олдин, пешин пайтида (дам олиш учун) кийимларингизни ечадиган вақтда ва хуфтон намозидан кейин сизларнинг ҳузурингизга киришда изн сўрасинлар! Бу уч вақт сизлар учун аврат (холилик) вақтларидир...» (Нур сураси, 58-оят).

3. Шаръий асоссиз уй-жойни мусодара қилмаслик ва эгаллаб олмаслик:

Агар фуқаро қонуний йўл билан уй-жойга эгалик қилса, унинг ушбу мулки Шариат кафолати остида бўлади. Ҳеч бир шахс ёки гуруҳ бировнинг уйини тортиб олишга, уни вайрон қилишга мутлақо ҳақли эмас. Бундан фақат Ислом ҳокими томонидан, Умматнинг умумий олий манфаати (маслаҳатул омма) тақозо этган айрим ҳолатларгина мустасно бўлиши мумкин — масалан, жамият аҳли қийналаётган тор кўча ва йўлларни кенгайтириш учун муайян иморатнинг бир қисмини бузиш зарурати туғилганда, уй эгасига давлат хазинасидан унинг розилиги билан тўлиқ моддий товон (компенсация) тўланиши шартдир.

Хулоса шуки, Ислом — инсон зотига ер юзида шараф билан яшаши учун муносиб бошпана ҳуқуқини тақдим этган ва унинг уйини муқаддас, енгилмас қўрғонга айлантирган ягона мукаммал низомдир. Ғарбнинг сунъий, дунёвий конституцияларидан фарқли ўлароқ, Исломда Давлат — шунчаки солиқ йиғувчи эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бошпана, ризқ ва иффат каби ҳаётий манфаатларини Раббоний қонунлар асосида муҳофаза қилувчи ва уларга тўлиқ ғамхўрлик кўрсатувчи олий шаръий масъулиятли органдирки, ушбу улуғвор одил тизим дунё тарихида муқобилсиздир.

ПОКИСТОН ҲУКМДОРЛАРИ ҲИНДУ ДУШМАНГА УММАТ ДАРЁЛАРИНИ ТОПШИРИБ ЮБОРИШДИ ВА УЛАРНИ ЭНДИ ФАҚАТ ХАЛИФАЛИККИНА ОРТГА ҚАЙТАРА ОЛАДИ

Муаллиф: Муҳаммад Абдуллоҳ — босиб олинган Кашмир

Ўғирланган ҳаёт манбаи: Покистон раҳбарлари сувни Ҳиндистонга қандай топширди?

1960 йилги Ҳинд дарёси сувлари тўғрисидаги шартнома — Жаҳон банки воситачилигида Нью-Деҳли ва Исломобод ўртасида сув тақсимотини белгилаб берган битимдир. Бу аслида мустамлакачилик давридан қолган, ҳаётбахш сув ресурсларини кўзбўямачилик билан бўлишган, мустамлакачиликдан кейин вужудга келган икки миллий давлатни Ғарбнинг сиёсий қарамлик кишанларида тутиб туриш учун пухта ишлаб чиқилган машъум тақсимот битими эди.

Ўғирланган ҳаёт манбаи: Покистон раҳбарлари сувни Ҳиндистонга қандай топширди?

1960 йил 19 сентябрда Карачи шаҳрида Аюбхон режими Вашингтон ва Жаҳон банки олдида тиз чўкиб, мазкур шартномага имзо чекди. Унга кўра, Покистонга ғарбий дарёлар — Ҳинд, Жилом ва Чаноб устидан «назорат» берилгандек бўлди, Ҳиндистонга эса шарқий дарёлар — Рави, Биас ва Сатлеж сувларидан чекловсиз фойдаланиш ҳуқуқи инъом этилди. Бироқ энг ачинарлиси, ҳинду режимига ғарбий дарёлар ҳавзасида «дарё оқимида ишлайдиган» тўғонлар қуриш ҳуқуқининг тақдим этилиши бўлди.

Шартнома сиёҳи қуримасиданоқ, бу тақсимотнинг Уммат учун нақадар фалокатли экани яққол аён бўлди. Муғомбир ҳинду режими тез орада шарқий дарёларни бўғиб ташлади. Сатлеж дарёсидаги Бхакра, Биасдаги Понг, Равидаги Тҳин (Ранжит Сагар) тўғонлари бу дарёлар оқимини деярли йўқ даражага тушириб, сувсизликдан қақшатди. Шарқий дарёларнинг бўғиб қўйилиши натижасида

Покистон улкан миқдордаги обиҳаётдан маҳрум бўлди. Бу — Америка ёрдами деган ялтироқ қоғозга ўралган тенг бўлмаган битим ва мутлақ таслимчилик эди. Хоин раҳбарлар ожизлик туфайли эмас, балки Ислом Умматини ўз шахмат тахтасидаги оддий «пиёдалар» деб биладиган кучлар билан тил бириктириб, ўз халқининг томирини кесдилар.

Ҳинд дарёси ҳавзаси Покистоннинг жон уришини таъминлайдиган юраги, айни пайтда учта ғарбий дарёнинг оқимига таянадиган ҳаёт манбаидир. Мазкур ҳавза мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги ерларининг 80 фоиздан ортиғини суғоради, деҳқончилик ризқини таъминлайди ва олинадиган гидроэнергетиканинг салмоқли улушини ишлаб чиқаради. Покистоннинг 240 миллионлик аҳолисининг қарийб учдан икки қисми бевосита ёки билвосита айнан шу сувлар орқали кун кўради.

Бугунги кунда сувни сақлаш имкониятининг фалокатли даражада қисқариб кетгани вазиятни янада оловлантирмоқда. Ҳозирги мавжуд захиралар ўртача сув оқимининг атиги 30 кунлик ҳажмини сақлашга етади, холос. Ваҳоланки, халқаро тавсияларга кўра, бу муддат камида 120 кундан ортиқ бўлиши шарт эди. Тарбела, Мангла ва Чашма сув омборлари лойқа ва чўкинди тўпланиши оқибатида ўз сиғимининг 22–37 фоизини бой бериб бўлди ва бу кўрсаткич кун сайин пасайишда давом этмоқда. Ҳиндистон бўлиниб, икки давлат вужудга келган пайтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори 5000 куб метрдан ортиқ эди. Бугун эса бу кўрсаткич 1000–1200 куб метрга тушиб, мутлақ сув танқислиги ёқасига келиб қолди.

Ўн йилликлар давомидаги сароб ва сусткашлик

Ўн йиллар давомида хоин раҳбарлар «Ҳинд дарёси сувлари тўғрисидаги шартномани бузиб бўлмайди» деган ёлғон билан халқнинг кўзини бўяб келдилар. Шу сабабли, 1965 ва 1971 йиллардаги урушлар, Каргил можаросидан тортиб, «жарроҳлик зарбалари» деб аталган ҳужумларгача бўлган қонли тўқнашувларга қарамай, дарёлар ўша машъум шартнома асосида оқишда давом этди.

Бироқ бу заиф ниқоб 2019 йилдаги Пулвама ҳодисасидан кейин чил-чил бўлди. Ўшанда 40 нафар ҳинд аскари ҳалок бўлиши ортидан ҳинду режими Покистонга қарши сув урушини эълон қилди. Маълумот алмашиш тўхтатилди, шартномани ўзгартириш талаблари ошкора янгради.

Шартноманинг якуний ва расмий тўхтами 2025 йилда эълон қилинган бўлса-да, аслида хиёнат тугуни 2019 йилдаёқ тугиб бўлинган эди. Ўшанда Имронхон ва Бажва раҳбарлигидаги Покистон ҳукумати Ҳиндистон 370-моддани бир томонлама бекор қилганида томошабин бўлиб туришни лозим топди. Ҳиндистон ўзи истамаган ҳар қандай халқаро мажбуриятни ахлат қутисига улоқтираётган бир пайтда, Исломобод қўғирчоқлари БМТ, Жаҳон банки ва Доимий арбитраж судига бемаъни, қуруқ шикоятлар жўнатиш билан оввора эди. Оқибатда, Ҳиндистон Кашмирни бутунлай босиб олишни якунлади ва ўз тўғонлар империясини қуришни жадаллаштирди. Хуллас, Покистон раҳбарлари қоғоз қоралаётган пайтда, Ҳиндистон бетон қуяётган эди.

Ҳукмронлик тўғонлари: Ҳиндистоннинг шартнома бузилишлари ва сувни қуролга айлантириши

2019 йил 5 августда 370-модда бекор қилингач, Ҳиндистон Кашмир устидан темир панжаларини кучайтирди. Сўнг, 2025 йил апрелидаги Паҳалгам ҳодисасини баҳона қилиб, Ҳинд дарёси сувлари тўғрисидаги шартномани «тўхтатилган» ҳолатга ўтказди ва босимни юқори нуқтага чиқарди. Эндиликда ҳинду режими шунчаки дарё оқимида лойиҳа қуриш чекловлари билан кифояланмаяпти. Ҳиндутва мафкурасидан озиқланган Нью-Деҳли Чаноб дарёсида бир қатор улкан сув омборлари қирилишини бошлаб юборди. Уларнинг умумий таъсири мисли кўрилмаган кўламдаги даҳшатли тўғонга тенгдир.

Расмий тарғибот машинаси бу лойиҳаларни гўёки оддий «гидроэлектр станциялари» деб хаспўшлайди. Бироқ муҳандислик маълумотлари ваҳший ҳақиқатни фош этмоқда: бу иншоотлар

Ҳиндистонга улкан сув захираларини жамлаш ва Чаноб дарёси оқимини мутлақ назорат қилиш имконини беради. Айниқса, Покистон учун ҳар бир томчи обиҳаёт зарур бўлган баҳорги экин мавсумида бу қурол Покистон қишлоқ хўжалигини бир лаҳзада тиз чўктириши мумкин.

Ҳиндистон ҳарбий доиралари «Синдур операцияси» деб атаган машъум режадан сўнг, шартномани амалда тўхтатиш ҳақидаги баёнот расмий сиёсат даражасига кўтарилди. Нарендра Модининг «Қон ва сув бирга оқиши мумкин эмас», деган гапи шунчаки таҳдид эмас, балки амалий кўрсатма эди. Ҳиндистон сув ресурслари вазири Покистонга ажратиладиган сув оқимини бутунлай тўсиш, шунингдек, шарқий дарёлардан оқиб келаётган охирги томчиларни ҳам бошқа томонга буриб юбориш ниятини ошкора маълум қилди.

Бугунги кунда Ҳиндистон ғарбий дарёлардаги барча йирик сув тўплаш лойиҳаларини энг юқори тезликда амалга оширмоқда. У Ҳинд дарёси сувлари бўйича Доимий комиссия билан мулоқотни очиқчасига четлаб ўтиб, бутун дунё кўз ўнгида Покистон раҳбарларининг заифлиги ва сукутини синовдан ўтказмоқда. Босиб олинган Кашмирда ҳинду ҳукумати назорат қиладиган гидроэнергетика қуввати 3540 мегаваттдан 2026 йил охирига бориб 5000 мегаваттга ошиши кутилмоқда. Узоқ муддатли стратегик мақсад эса бу кўрсаткични 12 000 мегаваттга етказишдир.

Айни пайтда Чаноб дарёсида тўртта йирик лойиҳа жадаллаштирилмоқда:

- Бакал Дул — 1000 мегаватт;
- Киру — 624 мегаватт;
- Квар — 540 мегаватт;
- Ратле — 850 мегаватт.

Булардан ташқари Борсар, Киртҳай-1 ва Киртҳай-2 лойиҳалари ҳам бор. Баглиҳар ва Салал тўғонларида такомиллаштириш ишлари олиб

борилиб, 1856 мегаватт қувватга эга Савалкот лойиҳаси ҳамда Дулҳасти лойиҳасининг иккинчи босқичи жадал суръатларда қурилмоқда. Сув устидан тўлиқ назоратни ўрнатиш учун чўкиндиларни ювиб чиқариш ва конструктив ўзгартиришлар киритиш ишлари ҳам ниҳоясига етказиляпти.

Чаноб ва Жилом дарёларининг ирмоқларида тахминан 60 миллиард долларлик сармоя эвазига сув захираларини 15 кунлик даражадан 55 кундан ортиқ муддатга ошириш кўзланмоқда. Бу Ҳиндистонга сув оқимини қарийб икки ой давомида бутунлай тўсиб туриш имконини беради. Натижада Покистоннинг баҳорги ва кузги экин майдонлари қонсиз қолган танадек қуриб, вайрон бўлади.

Бундан ҳам хавфлироғи, Ҳиндистон Ҳимачал-Прадеш штатидаги Лаҳул ва Спити ҳудудида Чаноб ва Биас дарёларини боғлайдиган туннель лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу 8,7 километрлик ерости туннели орқали Чаноб дарёсини ҳосил қилувчи юқори оқимдаги Чандра ирмоғи сувлари тўсилади ва ғарбга эмас, Ҳиндистонга тегишли бўлган шарқий Биас ҳавзасига йўналтирилади. Бу машъум инфратузилманинг қиймати 23 миллиярд 520 миллион ҳинд рупиясига баҳоланган.

Ушбу иншоот сувни ғарбий дарёлар тизимидан амалда шимиб олиб, шартноманинг Покистонга сув етказиш ҳақидаги бандини чиппакка чиқаради. Ҳиндистон худди шундай бўшлиқдан Кишанганга лойиҳасида ҳам усталик билан фойдаланиб, дарё йўналишини ўзгартирган ва Покистоннинг Нилум–Жилом гидроэлектр станциясини сувсиз қолдирганди. Ўшанда ҳам Кишанганга лойиҳаси Покистоннинг иродасини синаш учун ишлатилган эди, аммо Исломободнинг жавоби фақат қоғозбозлик ва аризабозликдан нарига ўтмади. Салал тўғонига сарфланаётган 2 миллиярд 680 миллион ҳинд рупиялик чўкинди йўналтириш туннели ҳам ҳиндулар назоратини янада мустаҳкамлайди.

Булар шунчаки тинчлик энергетика лойиҳалари эмас, балки Ислом ва мусулмонларга қарши қаратилган стратегик сув қуролларидир! Уларнинг мақсади — вайронагарчилик келтириш учун сув тошқинларини сунъий равишда юзага келтириш, қурғоқчилик мавсумида сувни бўғиб, оммавий очарчилик уюштириш ва келажакдаги сиёсий савдолашувларда Покистонни тиз чўктиришдир. 2019 йилдан кейин тўғридан-тўғри ҳинду мустамлакасига айланган Кашмир баландликлари душманга қуйи оқимдаги Покистоннинг томоғидан бўғиш имконини бермоқда.

2025 йил май ойида содир бўлган Паҳалгам ҳодисасидан кейин Ҳиндистон сув омборларини атайлаб бўшатди ва бунинг оқибатида озод Кашмирдаги ўнлаб мусулмон қишлоқлари сув остида қолди. Ҳинду Бҳаратия Жанати Ҳизбси режими хоҳлаган пайтида сувни тўхтатиб қўйиш билан очиқчасига таҳдид қилмоқда. Демак, бу тўғонлар шунчаки муҳандислик иншоотлари эмас, балки Ҳиндутванинг мусулмонлар бўғзига тақалган янги ҳанжарларидир!

Покистон раҳбариятининг сусткашлиги

Исломободдаги хоин ҳукмдорларнинг бор-йўқ жавоби қуруқ баёнотлар, матбуот хабарлари ва Ҳиндистон писанд ҳам қилмайдиган Ғарб муассасаларига ялинишдан иборатдир. АҚШ бошчилигидаги «халқаро ҳамжамият»га мурожаат қилишдан не наф, ахир АҚШ ҳинду давлатининг энг асосий ва содиқ иттифоқчиси бўлса?!

Покистон раҳбарияти ҳаёт манбаи бўлган дарёлар бўғиб қўйилаётган бир пайтда, суд маҳкамаси котибларидек шикоятнома ёзиш санъатини мукаммал эгаллаб олди. Улар Баглиҳар ишида арбитраждаги низони шармандаларча бой бердилар. Барча жавоб чоралари Вашингтон ва Жаҳон банкига юбориладиган бемаъни дипломатик ноталар билан чекланмоқда. Улар муросасозлик ва заифлик оқибатида жаннатмакон Кашмирни душман қўлига топширдилар, энди эса Покистоннинг қон томири бўлган обиҳаётни ҳам қўшқўллаб топширишга шай туришипти. Ҳиндистон сув

оқимининг 70–80 фоизини бошқа томонга буриб, мусулмонлар ўлкасини даҳшатли саҳрога айлантиришни режалаштирмоқда.

Шунинг учун Кашмир шунчаки баҳсли ҳудуд эмас, балки Ислом Умматининг бўйин томиридир! Босиб олинган ерда қурилган ҳар бир тўғон — мусулмонлар қонининг сўрилишидир. Покистоннинг ҳозирги ҳарбий раҳбарияти қуруқ ваъдалардан нарига ўтмайди, чунки уларнинг манфаатлари АҚШ ва ўзлари хизмат қилаётган кофирлар тизими билан чамбарчас боғланган. Лоҳурда кранлардан сув келмай қолганида, Мултон далалари чангга тўлган ёриқ саҳрога айланганида хиёнат ўзининг якуний нуқтасига етади. Аммо ўшанда кеч бўлади!

Бугун ақида ва қилич соҳиблари фурсатни қўлдан бой бермасликлари шарт. Ҳинд дарёси сувлари тўғрисидаги шартнома — хоин қўллар билан таранг тортилган мустамлакачилик арқони эди, ҳинду тўғонлари эса унинг бўғувчи тугунидир. Шикоятлар кор қилмади, энди хоинларни улоқтириш вақти келди!

Эй Покистон мусулмонлари ва унинг Қуролли кучлари! Ҳукмдорларингиз фарзандларингиз ризқи бўлган дарёларни мушрикларга топширдилар. Душман томирларингизни кесаётган бир пайтда, улар сизни арзимас нарсалар билан оввора қилиб, душманга вақт сотиб бермоқдалар. 2025 йил май ойида, Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари ҳавода мутлақ устунликка эришган ва босиб олинган Кашмирни озод қилиш муқаррар бўлиб қолган бир пайтда, АҚШ вице-президентининг биргина қўнғироғи ва босими остида хоинлар ўт очишни тўхтатишга буйруқ бердилар! Ахир 1952 йилги Армия тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасида «душманга бевосита ёки билвосита ёрдам бериш ёки унинг аҳволини енгиллаштириш ўлим жазосига маҳкум этиладиган олий жиноят» деб белгилаб қўйилмаганми?!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамда Унинг Ислом динига қайтинглар! Бу хоин раҳбарларни улоқтириб, мусулмонларнинг ягона ҳақиқий қалқони бўлмиш пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик

тузумини барпо этинглар! Фақатгина Халифалик давлати парокандалигимизни бирлаштиради, кучимизни тиклайди, сувларимизни ҳимоя қилади, Кашмирни озод этади ва Муҳаммад Мустафо ﷺ Умматига ўз азизлиги ва шарафини қайтариб беради.

Дарёлар — бизнинг жисмимиздаги қонимиздир, аммо Умматнинг иймони ва жиҳоди бизнинг ҳақиқий енгилмас кучимиздир! Халифаликка бўлган даъват Ҳинд дарёсидан ҳам шиддатлироқ оқсин, хиёнат ва куфр ботқоғини илдизи билан суғуриб ташласин! Ҳозир ҳаракат қилиш, Аллоҳ йўлида қўзғалиш вақти келди. Ғалаба ва нусрат фақатгина Азизу Ҳаким Аллоҳдандир!

Шунда Ислом ва мусулмонлар азиз ва ғолиб бўлади, куфр ва кофирлар эса хору зорликка маҳкум этилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Муқаддас Каломида айтганидек:

﴿ وَيَوۡمَئِذٖ يَفۡرَحُ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ٤ بِنَصۡرِ ٱللَّهِۚ يَنصُرُ مَن يَشَآءُۖ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ٥﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати билан шодланурлар. У Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У азиз ва раҳмлидир». (Рум сураси, 4–5-оятлар).



АМР ИБН МАЪДИЙКАРИБ АЗ-ЗУБАЙДИЙ

Муаллиф: Райён Исо - Ирок

Насаби ва замин бағрида илк қадамлар

У қадим араб саҳросининг энг суякли, илдизи чуқур ва шарафли шажараларидан бирига туташган бўлиб, улуғ насаб занжири шундай тизилган эди: Амр ибн Маъдийкариб ибн Абдуллоҳ Бану Зубайдга, у эса араблар отаси Қаҳтонга бориб тақалади.

«Маъдийкариб» исми Яман тупроқларининг сирли ва улуғвор тарихидан садо берувчи, Ислом тонги отишидан аввал ҳам араб дунёсида маҳобат билан тилга олинадиган исмлардан эди. Бу ном луғат саҳифаларида «ҳеч қандай ғам, қайғу-ситам ёки вайронкорлик синдира олмаган, иродаси пўлатдан қуйилган баҳодир» деган маънони англатади. Шунингдек, кўҳна ривоятларда бу исм эл-юртга қалқон бўлувчи мададкор, куч-қудрат тимсоли ва қадами қутлуғ, муборак инсон маъноларини ҳам ифодалаши нақл қилинади.

Яман заминининг ушбу лочин фарзанди Набий ﷺ ҳузурларига келиб, Исломнинг муқаддас нури билан шарафланганида, қалблардаги жоҳилият адоватлари муздек эриган эди. Айрим ривоятларда ҳаж амаллари ва муқаддас заминлар ҳақида сўз кетганида, Сарвари Коинот ﷺ Амр ва унинг Зубайд қабиласидаги биродарларига қарата шундай марҳамат қилган эдилар: **«Урна водийсининг ички бағрига бемалол кириб ўтинглар, зеро улар Исломни қабул қилганларидан кейин сизларнинг диндош биродарларингиздир»**. Бундан ташқари, Расулуллоҳ ﷺ унга ва унинг қавмига тавҳид шиори бўлмиш талбияни

Аллоҳнинг даргоҳига етиб борадиган энг тўғри ва гўзал оҳангларда айтиш тартибини шахсан ўргатган эдилар.

Жоҳилият ботқоғи атрофни қамраган суронли йилларда у араб саҳроларида от сурган, душман устига чақмоқдек шиддат билан ёпириладиган енгилмас жангчи сифатида довруғ қозонган эди. Унинг маскани ва юрти ҳақида машҳур аллома Абу Муҳаммад ал-Ҳамадоний ўзининг тарихий битикларида шундай ёзади:

«Таслис — Нажднинг кенгликларида жойлашган, уфқ билан туташган улкан бир водийдир. У Жураш шаҳридан жанубий-шарқ томонда икки кунлик, Нажрондан эса шимол томонда уч ярим босқичлик масофада ястаниб ётади. Таслис азалдан Бану Зубайд қабиласининг бошпанаси бўлиб, улар ҳозирги давримизда ҳам ўша ерда истиқомат қиладилар. Амр ибн Маъдийкариб аз-Зубайдийнинг от чоптириб, қилич қайраган, болалик нафаси қолган маскани ҳам айнан шу ердир». Бошқа бир ўринда эса ушбу тарихчи: «Таслис водийсида Амр ибн Маъдийкарибнинг маҳобатли қалъаси ва шивирлаб турувчи яшнаган хурмо боғлари бор эди», дея сурат чизади.

Унинг қон-қариндошлик ришталари ҳам араб аслзодаларига бориб туташарди. Амрнинг сулув синглиси Райҳона ас-Симма асғарнинг никоҳида бўлиб, бу никоҳдан арабнинг довюрак суворийлари — Дурайд ибн ас-Симма ва Абдуллоҳ дунёга келган эди. Шунингдек, Амр ибн Маъдийкариб аз-Зубайдий ўз даврининг кўзга кўринган сиймоларидан бири бўлмиш Зибарқон ибн Бадрнинг туғишган холаваччаси ҳисобланарди.

Ислом қуёши чиққач, у улуғ саҳобалар сафидан муносиб жой олди. Унинг жисмоний тузилиши – ҳайбатли гавдаси ва девқомат бўйи ниҳоятда улкан бўлиб, кўрган кўзларни қамаштирар, душман юрагига титроқ соларди. Ислом Умматининг иккинчи Халифаси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу уни ҳар гал кўрганларида, Яратувчининг ушбу мукаммал ва маҳобатли санъатидан ҳайратга тушиб, қалблари титраб: «Эй Амр, бизни ҳам, сени ҳам мана шундай ҳайбатли суратда

яратган Мусаввир Зот барча нуқсонлардан покдир!» — дея Раббига ҳамдсаннолар айтар эдилар.

Ҳидоят нури ва майдонлардаги шер юрак жасоратлар

Амр ибн Маъдийкарибнинг Ислом бағрига келиши ва қалбининг иймон билан мунаввар бўлиши тарихи худди бир достондек гўзалдир. Охирзамон Пайғамбари ﷺ ҳақидаги хушхабарлар Яман тупроқларига шаббодадек эсиб боргач, Амр ўзининг яқин дўсти Қайс ибн Макшўҳга юзланиб, шундай дейди:

«Бизга Қурайш қабиласидан Муҳаммад исмли бир зот Ҳижоз заминида пайдо бўлгани ва ўзини Аллоҳнинг элчиси деб эълон қилаётгани ҳақида хабарлар келди. Кел, иккимиз у зотнинг ҳузурига борайлик, бу улуғ ишнинг моҳияти ва ҳақиқатини ўз кўзимиз билан кўриб, руҳини ҳис қилайлик. Агар у зот ҳақиқатдан ҳам пайғамбар бўлса, бу ишдан ғафлатда қолмайсан. Агар бошқача бўлса, уни ҳам аниқлаб қайтамиз».

Бироқ Қайс ибн Макшўҳ қалбидаги дунёвий кибр сабаб бу таклифни рад этди. Шундан сўнг, ҳақиқатга ташна бўлган Амрнинг ўзи ёлғиз ҳолда Мадинаи Мунавварага қараб йўл олди. У ерда ансорларнинг улуғ раҳнамоси Саъд ибн Убоданинг хонадонига меҳмон бўлиб тушди. Саъд уни арабларнинг энг олий меҳмоннавозлик анъаналари билан кутиб олиб, Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига бошлаб борди. Нубувват хонадонидаги сокинлик ва Исломнинг олий ҳақиқатини кўрган Амрнинг қалб кўзлари очилди, у ҳеч иккиланмай шаҳодат калимасини айтиб, Исломни қабул қилди ва бутун борлиғини Аллоҳнинг динига бахшида этди.

Амр нафақат қиличбозликда, балки сўз санъатида ҳам ўткир шоир, жанг майдонларининг ҳақиқий арслони эди. Унинг жасорати ва юксак ҳарбий маҳорати Ислом оламида юксак қадрланиб, у араблар ўртасида «Араблар чавандози» деган шарафли лақабга сазовор бўлди. Унинг қўлида душман бағрини аёвсиз тилувчи, Ислом тарихида номи афсонага айланган «Ас-самсама» номли машҳур қиличи бўларди.

Кунларнинг бирида мўминлар амири Умар ибн Хаттоб Амр ибн Маъдийкарибдан ўша машҳур «Ас-самсама» қиличини кўриш ва синаб кўриш учун юборишни сўради. Амр Халифанинг амрига лаббай деб, қилични Мадинага жўнатди. Бироқ Ҳазрати Умар қилични ушлаб, жанг усулларида ишлатиб кўрганларида, ундан кутилган даражадаги фавқулодда кескирлик ва кучни сезмадилар-да, қиличнинг таърифи бир оз муболаға қилинган шекилли, деган фикрга бордилар.

Шундан сўнг Умар розияллоҳу анҳу Амрга бир оз танбеҳ аралаш мактуб ёзиб, қилич ўйлаганларидек кескир чиқмаганини билдирдилар. Сўз ва жанг устаси бўлган Амр эса Халифага тарих саҳифаларида узоқ қоладиган мана бу қиличидан кўра кескирроқ тегадиган ўткир жавобни қайтарди: «Эй мўминлар амири! Мен сизга фақат қиличнинг ўзини юборган эдим, лекин ўша қилични ваҳшатли зарб билан ҳаракатлантирадиган, душман устига шердек ташланадиган билакни қўшиб юборганим йўқ эди!».

Амр Ислом давлатининг чегараларини кенгайтириш ва Ҳақ динни ёйиш йўлидаги Шом ва Ироқ фатҳларида жонбозлик кўрсатди. Ислом тарихининг бурилиш нуқталари бўлмиш машҳур Ярмук ва Қодисия жангларида қатнашиб, ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини намоён этди. Мусулмонлар қўшинлари Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун майдонга тушганларида, Амр ҳеч қачон энг олдинги сафлардан ва шиддатли тўқнашувлардан ортда қолмади.

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Амрнинг ҳарбий салоҳияти, стратегик маҳорати ва қўшин орасидаги улуғ мавқеини жуда яхши англар эдилар. Шу сабабли Ҳазрати Умар унинг бир ўзини ҳарбий жиҳатдан мингта чавандозга тенг деб ҳисоблардилар. Жиҳод майдонларига отланаётган Ислом қўмондонларига эса доимо: «Қандайдир муҳим ҳарбий қарорга келишдан аввал, албатта, Амр ибн Маъдийкариб билан маслаҳатлашиб, у билан баҳамжиҳат иш кўринглар», дея қатъий тавсия берардилар.

Машҳур Ярмук жанги куни Амр ўзининг кекса ёшига қарамай, ёш йигитлардек ғайрат ва матонат билан жанг қилди. Унинг ягона орзуси — Аллоҳ йўлида шаҳидликка эришиш, Расулуллоҳ ﷺга кўрсатиладиган юзини ёруғ қилиш эди. Ўша куни Рум қўшинлари мусулмонларнинг жиҳодий шиддатига дош беролмай, Аллоҳнинг содиқ аскарлари қаршисида тумтарақай бўлиб қочишга мажбур бўлдилар.

Тарих саҳифаларини титратган Қодисия жанги арафасида мусулмонлар қўшинининг бош қўмондони Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу форс империясининг улкан армиясига қарши урушда мадад бериши учун Мадинадаги Халифалик марказидан қўшимча куч сўради. Шунда Ҳазрати Умар Саъдга сон жиҳатдан кўп қўшин эмас, балки сифат ва руҳ жиҳатдан устун бўлган атиги икки кишини — Амр ибн Маъдийкариб ва Тулайҳа ибн Хувайлидни жўнатдилар. Халифа бош қўмондонга йўллаган мактубида шундай деб ёзганди: «Эй Саъд! Мен сенга ўз ишининг устози бўлган икки минг кишилик кучга тенг икки баҳодир билан мадад бердим».

Даҳшатли жанг олови алангаланиб, икки қўшин тўқнашганда, Амр «Самсама»сини яланғочлаб, форс лашкарларининг қалин сафлари орасига ўзини урди. У ўнг ва чапга қилич силтаб, душман сафларини худди пишган буғдой бошоқлари каби ўра бошлади. Мусулмон аскарлари унинг бу фавқулодда жасоратини ва душман қалбига бемисл ваҳима солаётганини кўриб, янада руҳландилар ва умумий ҳужумга ўтиб, форсларнинг бошларини танасидан жудо қила бошладилар.

Жангнинг энг қизғин палласида Амр қўшиннинг марказида туриб, мужоҳидларнинг руҳиятини кўтарувчи ва кўкни титратувчи ҳайқириқ билан мурожаат қилиб, уларни мардликка ундади: «Эй Муҳожирлар жамоаси! Аллоҳнинг йўлида шерлардек қудратли ва тоғлардек матонатли бўлинглар! Зеро, қай бир суворий ўз найзасини

қўлдан чиқариб, орқага чекинса, умидсизлик ва мағлубият чоҳига қулайди!».

Форсларнинг машҳур қўмондонларидан бири мусулмонларни жангга руҳлантираётган бу ҳайбатли баҳодирни кўриб, уни йўқ қилиш мақсадида камондан заҳарли ўқ узди. Аллоҳнинг иродаси билан ўқ Амрнинг қўлидаги камонга тегиб, ўзига ҳеч қандай зиён етказмади. Шунда ғазабланган Амр арслондек отилиб, ўша заҳоти форс қўмондонига ташланди ва найза билан унинг кўкрагини тешиб ўтди. Кейин унинг жонсиз танасини мусулмонлар сафлари ўртасига судраб келиб, бошини танасидан жудо қилди ва аскарларга қарата: «Эй Ислом аскарлари, сизлар ҳам душманга худди шундай шиддат билан зарба беринглар!» — дея намуна кўрсатди. У Аллоҳ таоло мусулмонларга узил-кесил ғалабани бергунига қадар майдонда шердек жавлон урди.

Ушбу тарихий Қодисия жангида ўзи ва ўз қавмининг кўрсатган тенгсиз жасоратларини хотирлаб, Амр кейинчалик фахрия сифатида қуйидаги машҳур шеърий сатрларни битган эди:

Бул Қодисия жангоҳи, // Рустам ҳужум қилган он,

Сафларимиз бузилмади, // худди эшилган арқон.

Кескир шамшир шуъласи-ла // бошлар кесилди ҳар ён,

Қалбиндаги кин қасрини // найзамиз қилди вайрон.

Кейинчалик, Наҳованд жанги бошланганда мусулмонлар учун шаҳар дарвозаларини очиш ва мустаҳкам қалъани фатҳ этиш бир оз қийинлашиб, вазият таранглашди. Шунда ҳушёр Халифа Умар ибн Хаттоб қўшин қўмондони Нўъмон ибн Муқаррингa махсус мактуб йўллаб, унга қуйидаги ҳарбий кўрсатмани берди: «Эй Нўъмон, ушбу оғир жангда, албатта, Талҳа ва Амр ибн Маъдийкариб каби тажрибали баҳодирлар билан маслаҳатлаш, уларнинг тактик фикрларидан ёрдам ол ва уруш стратегиясида уларнинг кўрсатмаларига таян. Бироқ қўшин бошқарувини ва

маъмурий ишни тўлиқ уларнинг қўлига топшириб қўйма. Чунки ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини яхшироқ билади».

Амр бу жангда ҳам ўз одатига кўра, худди ажал шарбатини ичишга ташна одамдек, душман сафларини яксон қилиб илгарилади. Ниҳоят, Аллоҳ таоло Ўзининг содиқ бандаларига Наҳованд шаҳрини фатҳ этишни ва Ислом байроғини баланд ҳилпиратишни насиб этди.

Шаҳодат лаҳзаси ва мангу сокинлик

Тарихчилар ва муҳаддисларнинг энг ишончли ва қувватли ривоятларига кўра, араб дунёсининг афсонавий суворийси бўлмиш Амр ибн Маъдийкариб ҳижрий 21-йили ўша машҳур Наҳованд жангида душман қиличларидан олган кўплаб оғир жароҳатлари оқибатида, жиҳод майдонида мужоҳид ҳолида бу фоний дунёни тарк этди. Унинг муборак танасида қилич ва найза тегмаган соғлом жой қолмаган эди; танасидаги ҳар бир яра Аллоҳнинг ҳузурида нур бўлиб порлагуси албат. Шу тариқа, Амр ибн Маъдийкариб ўзи узоқ йиллар давомида орзиқиб кутган ва Расулуллоҳ ﷺдан кейин соғиниб яшаган олий мақом — шаҳидлик шарафига бурканди.

У Наҳованд ўлкасининг гўзал ва сокин гўшаларидан бири бўлмиш Равза қишлоғидаги тупроққа дафн этилди. Қаҳрамонизнинг жасади замин бағрига яширинган бўлса-да, бироқ унинг шижоати, иймони ва Ислом йўлида фидо қилган жони Уммат қалбида мангу яшайди ва ҳамиша Жаннат гулшанидан хушбўй ифорлар таратиб туради.

ФОСИҚЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ ВА ЖИРКАНЧ ҚИЁФАСИ

Халифа Муҳаммад — Иордания

Аллоҳ таоло айтади:

﴿...وَمَا يُضِلُّ بِهِۦٓ إِلَّا ٱلۡفَٰسِقِينَ٢٦ ٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهۡدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مِيثَٰقِهِۦ وَيَقۡطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيُفۡسِدُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ٢٧﴾

«У (Аллоҳ) бу билан фақат фосиқларнигина йўлдан оздиради. Улар Аллоҳ билан боғлаган аҳдларини мустаҳкам қилганларидан кейин бузадилар, Аллоҳ боғланишини буюрган нарсаларни узадилар ва ер юзида бузғунчилик қиладилар. Ана ўшалар зиён кўрувчилардир». (Бақара сураси, 26–27-оятлар)

Биз аввалги сонда Бақара сурасининг йигирма олтинчи ояти ва унинг теран уфқлари ҳақида атрофлича тўхталган эдик. Ушбу олий калом Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти билан муҳрланган эди: ***«У (Аллоҳ) бу билан фақат фосиқларнигина йўлдан оздиради».***

Биз ўшанда фисқ тушунчасининг луғавий ва шаръий маъносини таҳқиқ этиб, унинг асл моҳияти — табиий аслиятдан, белгиланган соғлом чегарадан чиқиб кетиш эканини баён қилгандик. Бу худди жўжа чиқаётганда қуш тухумини ёриб, ўз қобиғидан чиққанига ўхшайди. Шаръий истилоҳда эса, шаръий ҳукмларнинг мустаҳкам қалъасини тарк этиб, ҳавойи нафсга қуллик қилиш айни фисқдир. Демак, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз оятлари ва илоҳий мисоллари билан залолат ботқоғига улоқтириладиган фосиқ кимсалар — У Зот жорий қилган қонунлардан, сиёсий ва ижтимоий ҳукмлардан ошкора бош тортган, оёқ тираб четга чиққан осийлардир.

Бу ҳақиқат, ҳеч бир ҳолатда, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларни мажбуран адаштиради ёки зўрлаб ҳидоятга солади, деган нотўғри жабрий қарашни англатмайди. Балки коинотнинг Эгаси бўлмиш Зот бу дунё имтиҳон майдонида ҳар бир амал қилувчига ўз ихтиёри ва қилган шахсий танловига яраша мукофот ёки жазо беради. Ким Исломнинг соф ҳаётбахш йўлига, Умматнинг порлоқ келажагига хизмат қилишни танласа, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унга ҳидоят ва нусрат йўлларини осонлаштириб, сувдек равон қилиб қўяди. Кимки Аллоҳ таолонинг ҳукмларидан юз ўгириб, залолат йўлини танласа, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло унинг ўзига ўша расволик эшикларини ланг очиб қўяди.

Ушбу сонда биз диққат марказимизни йигирма еттинчи оятнинг тафсирий ва сиёсий таҳлилига қаратмоқчимиз. Бу оятда Ислом давлати ва Умматнинг ичига суқилиб кирган мунофиқларнинг, хоинларнинг айрим жирканч сифатлари ва уларнинг бу дунё ҳамда охиратдаги аянчли оқибати баён қилинган.

Биринчи сифат: Илоҳий аҳдни бузиш

Фосиқларнинг энг биринчи ва бош хусусияти — улар Аллоҳ билан тузган қатъий аҳдларини, худди пишиқ арқон титилгандай, мустаҳкамлаганларидан кейин беорлик билан бузадилар.

Истилоҳда «нақз» — маҳкам боғланган занжир ёки тугунни битта-битта ечиб юбориш, аҳдга вафо қилиш мажбуриятини бўйинга олгандан кейин`уни, худди бир чақалик қиймати йўқдек, бекор қилишдир. «Аҳд» сўзи васият, омонат ва икки томонлама қатъий келишув маъносини англатади. «Муоҳада» ва «таъоҳуд» - ўзаро келишув, шартнома демакдир. «Мийсоқ» эса оддий аҳддан кўра анча хосроқ, вазминроқ ва улканроқ кучга эга бўлиб, у аҳдни гувоҳлар ва қасамлар билан янада маҳкамроқ боғлашни ифодалайди. Аллоҳнинг аҳди шундай кенг қамровли умумийликка эгаки, у Унинг барча шаръий ва фитрий битимларини ўз ичига олади. Аллоҳ Қуръони Каримда бандалари зиммасига юклаган ҳамда қатъий бажаришни ва

ҳеч қачон хиёнат қилмасликни буюрган буйруқларини алоҳида урғулаган. Жумладан, Аллоҳ таоло айтади:

﴿... أَلَسۡتُ بِرَبِّكُمۡۖ قَالُواْ بَلَىٰ شَهِدۡنَآۚ ...﴾

«...Уларни ўзларига гувоҳ қилиб: “Мен Роббингиз эмасманми?” — деганида, улар: “Ҳа, албатта, Сен Роббимизсан”, дедилар...». (Аъроф сураси, 172-оят)

Аллоҳ таоло бу азал тугунини — мийсоқни барча Одам авлоди зиммасига башарият пайдо бўлмасдан олдин юклаган. Бу инсонлар ўзларининг табиий ожизлиги, заифлиги ва Буюк Яратувчига мутлақ муҳтожлиги орқали Унинг ягона Илоҳ ва Ҳоким (Қонун чиқарувчи Робб) эканини тан олишларидир. Шунингдек, Аллоҳнинг муқаддас пайғамбарлар билан тузган пайғамбарлик аҳди ҳам борки, бу — улар Аллоҳнинг рисолатини, Унинг илоҳий низомини одамларга бор бўйича етказишлари ва бу йўлда жон фидо қилишлари ҳақидаги улкан омонатдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِذۡ أَخَذۡنَا مِنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مِيثَٰقَهُمۡ وَمِنكَ وَمِن نُّوحٖ وَإِبۡرَٰهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَى ٱبۡنِ مَرۡيَمَۖ وَأَخَذۡنَا مِنۡهُم مِّيثَٰقًا غَلِيظٗا٧﴾

«Эсланг, Биз пайғамбарлардан, сиздан, Нуҳдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Марям ўғли Исодан аҳдларини олган эдик. Биз улардан мустаҳкам аҳд олган эдик». (Аҳзоб сураси, 7-оят)

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло Китоб (илм) берилган олимлар ва зиёлилардан ўша илмни, Ислом ҳақиқатларини одамларга очиқ-ойдин баён қилишлари, сарой уламолари каби ундан дунёвий манфаатлар йўлида фойдаланмасликлари ҳақида олган ваъдаси ҳам шулар жумласидандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿وَإِذۡ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ لَتُبَيِّنُنَّهُۥ لِلنَّاسِ وَلَا تَكۡتُمُونَهُۥ ...﴾

«Аллоҳ Китоб берилганлардан: “Уни, албатта, одамларга баён қиласизлар ва яширмайсизлар”, деб аҳд олганини эсланг...». (Оли Имрон сураси, 187-оят)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг аҳди Унинг бандаларига берган барча буйруқлари, наҳийларини тўлиқ ўз ичига олади. Бу илоҳий қонунлар

Уммат зиммасига сўзсиз «эшитиш ва итоат этиш» (самъ ва тоат) мажбуриятини юклайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿وَلَقَدۡ عَهِدۡنَآ إِلَىٰٓ ءَادَمَ مِن قَبۡلُ فَنَسِيَ وَلَمۡ نَجِدۡ لَهُۥ عَزۡمٗا ١١٥﴾

«Дарҳақиқат, Биз илгари Одамга аҳд берган эдик. Бас, у унутди ва Биз унда қатъият топмадик». (Тоҳа сураси, 115-оят) Яъни, Биз унга буюрдик ва маълум бир дарахтга яқинлашишдан қайтардик, аммо у буни унутди ва осий бўлди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло яна айтади:

﴿وَٱذۡكُرُواْ نِعۡمَةَ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَمِيثَٰقَهُ ٱلَّذِي وَاثَقَكُم بِهِۦٓ إِذۡ قُلۡتُمۡ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ ...﴾

«Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизлар: “Эшитдик ва итоат этдик”, деб аҳд берганингизда, У сизлардан олган мустаҳкам аҳдини эсланг». (Моида 7- оят)

Муҳаммад ﷺнинг рисолатига, у зот олиб келган Исломга иймон келтирган ҳар бир мусулмондан Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло олган ушбу мийсоқ — Унинг буйруқлари ва қайтариқларидир. Бу муқаддас битим У Зотга иймон келтирилгандан кейин ҳаётнинг барча соҳасида, хусусан, сиёсат ва давлат бошқарувида фақатгина Аллоҳнинг қонунларига бўйсунишни тақозо этади. Демак, фосиқларнинг энг кўзга кўринган, уларнинг ички чириклигини фош қиладиган сифати — уларнинг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билан тузган аҳдларини мунтазам равишда бузишларидир. Улар Аллоҳнинг ягона Ҳоким ва Робб эканига руҳан гувоҳ қилинганларидан, Унинг буйруқ ва қайтариқларини ҳаётий дастурга айлантириш учун Расулуллоҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилганидан кейин ҳам куфрга юз тутадилар, Унинг шаръий ҳукмларига осий бўлиб, ўзга қонунларни афзал кўрадилар. Аллоҳ таолога куфр келтириш ҳам энг олий фисқдир, Унинг ижтимоий ва сиёсий бошқарув тизимларига осий бўлиш ҳам фисқдир. Фосиқлар ўз ихтиёрлари билан залолат ва инқироз йўлини танлаган кимсалар бўлиб, бу уларнинг қалблари муҳрланишига ва

янада чуқурроқ расволик ботқоғига ботишларига олиб боради. Айрим муфассирлар бу жирканч сифатлар билан сифатланган фосиқлардан мурод, фақат ўша даврдаги яҳудийлардир, деган фикрни илгари сурганлар. Бироқ, усул илми қоидаларига кўра, энг тўғри ва соғлом қараш шуки, бу илоҳий ҳукм қиёматгача келадиган барча фосиқларни ўз ичига олади. Гарчи оят дастлаб яҳудийлар ва Мадина атрофидаги мушрикларнинг қилмишлари сабабли нозил бўлган бўлса-да, усул фиқҳидаги олтин қоидага кўра: **«Эътибор сабабнинг хослигига эмас, лафзнинг умумийлигига қаратилади»**.

Чунки адаштириш ва лаънатлаш ҳукми оятда «фосиқлар» деган муштақ (ясалган) сўзга боғланган. Бу эса феълдан ясалган сифат — исми фоилдир. Усул қоидаларида қатъий белгиланганидек, ҳукмнинг муштақ сўзга боғланиши унинг ясалишига асос бўлган асл маъно (иллат) ўша ҳукмнинг асл сабаби эканига далолат қилади. Бу ерда ҳукмнинг иллати — фисқдир. Демак, бугунги кунда ҳам кимда, қайси сиёсий арбоб ёки гуруҳда ушбу фисқ ва Аллоҳнинг қонунларидан чиқиш сифати мавжуд бўлса, у ўз-ўзидан илоҳий лаънатга ва залолатнинг ортишига сабаб бўлувчи маҳкумликка лойиқ бўлади. Бу ҳукм яҳудийларни ҳам, Уммат ичидаги мунофиқ ва сотилганларни ҳам бирдек қамраб олади.

Иккинчи сифат: Аллоҳ боғланишини буюрган муқаддас ришталарни узиш

Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари: ***«Аллоҳ боғланишини буюрган нарсаларни узадилар»,*** залолатга маҳкум бўлган ўша фосиқларнинг иккинчи жиноятини фош этади. Яъни, улар Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уланишини ва мустаҳкамланишини буюрган барча муқаддас алоқаларни оёқости қилиб узадилар. Аллоҳ боғланишини буюрган ушбу қадриятлар ва тизимлар ўта умумий характерга эга. Чунки оят матнидаги «мо» (ما) — «нарса» маъносидаги исми мавсул бўлиб, араб тили наҳв ва усул қоидаларига кўра, шартсиз умумийликни (умумни) англатувчи энг кучли воситалардан ҳисобланади. Шунга кўра, бу илоҳий тушунча инсонийликнинг асоси бўлган қариндошлик

алоқаларини (силаи раҳмни) сақлаш, оилавий ришталарни ҳимоя қилиш, ота-онага мутлақ яхшилик қилиш, жамиятда қўшничилик ҳақларини иззат қилиш, мусофир ва меҳмонни икром қилиш каби барча ижтимоий алоқаларни ўз ичига олади. Аммо масаланинг энг юқори нуқтаси шундаки, бу лафз банданинг Аллоҳга итоат қилиш орқали У Зот билан бўлган алоқасини ҳамда Расулуллоҳ ﷺнинг суннатлари ва сиёсий меросига эргашиш орқали у зот билан бўлган алоқани — яъни Ислом давлати ва Умматнинг бирлигини (Халифаликни) ҳам тўлиқ қамраб олади. Демак, кимда-ким Аллоҳ боғланишини, давлат ва жамият миқёсида жорий этилишини буюрган ушбу муқаддас ришталардан бирини қасддан, ўзининг бегона хўжайинларига малайлик қилиб, нима қилаётганини англаган ҳолда узса ва парчаласа, у илоҳий ғазабга учраган ўша ярамас фосиқлар гуруҳининг нақд ўзидир.

Учинчи сифат: Ер юзида бузғунчилик (фасод) қилиш

Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари: ***«Ер юзида бузғунчилик қиладилар»***, фосиқларнинг учинчи жирканч сифатини баён қилади.

Араб тилининг соф луғавий негизида ***«фасада»*** (فسد) сўзининг асл мазмуни — бирор нарсанинг соғломлик(яроқлилик) ҳолатидан чиқиши, кўзланган асл мақсадга эришишнинг имконсиз бўлиб қолиши ва ундаги умумий манфаатнинг тамоман йўқолишидир. Агар бу бузилиш натижасида жамият ва инсониятга тўғридан-тўғри зарар ҳам соя солса, бузғунчиликнинг (фасоднинг) кўлами янада даҳшатлироқ тус олади.

Бузғунчилик — жамиятдаги заиф инсонларга, мусулмонларга сўз ёки жисмоний амал, золимона қонунлар орқали озор етказишни, уларнинг ҳақларини ейишни ўз ичига олади. Шунингдек, сиёсий ва эътиқодий ширк, бегона низомларни мусулмонлар устига мажбурлаб тиқиштириш ҳам энг оғир бузғунчиликдир. Чунки у инсоннинг соф фитратини заҳарлайди ва инсон жамиятда қандай олий мақомда бўлиши лозим бўлса, ўша муқаддас ҳолатни тубдан ўзгартириб расво

қилади. Ислом Шариатига зид бўлган барча маъсиятлар, фаҳш ва фисқ-фужурлар ҳам мана шу вайронкор фасод тушунчасининг ичига киради. Шунга кўра, бугунги кунда ер юзида Аллоҳнинг қонунларини чеккага суриб, инсонларни бахтсизлик ва ахлоқсизлик ботқоғига етаклаётган ҳар қандай бузғунчи сиёсий кучлар ва шахслар залолатга маҳкум бўлган фосиқларнинг айни ўзидир.

Уларнинг муқаррар оқибати — зиён кўриш

Аллоҳ таолонинг қуйидаги узил-кесил сўзлари: ***«Ана ўшалар зиён кўрувчилардир»***, юқорида зикр этилган жирканч сифатларни ўзида жамлаган ёки уларнинг бирортаси билан элдош бўлган кимсаларни дунё ва охиратда хонавайрон бўлувчи ҳақиқий касодга учраганлар деб таърифлайди.

Буюк муфассир Имом Табарий ушбу оят тафсирида ўзининг олтинга тенг сўзларини баён қилиб шундай деган: *«“**Хосирун**” — зиён кўрувчилар сўзининг кўплик шаклидир. Улар Аллоҳнинг қонунларига осий бўлишлари, Ислом низомига хиёнат қилишлари туфайли У Зотнинг кенг раҳматидан бутунлай маҳрум бўлиб, ўз жонларига ва охиратдаги улкан насибаларига тиклаб бўлмас нуқсон етказган, ўзларини ҳалок қилган кишилардир. Бу худди тижорат майдонида ўзининг бор-будидан, ҳатто бош сармоясидан (капиталидан) айрилиб, тақир ерда қолган хонавайрон савдогарга ўхшайди. Шунингдек, кофир, мунофиқ ва фосиқ кимса ҳам Аллоҳ уни Ўз раҳматидан ва адолатли соясидан маҳрум қилгани сабабли икки дунёда энг катта зиёнга учради».*

Қуръони Каримда бу сифатларнинг қаттиқ қораланиши Муқаддас Қуръони Каримнинг бир неча ўринларида ушбу хоинлик сифатлари ва уларнияг эгалари қаттиқ лаънатланган ва қораланган. Жумладан, Раъд сурасида Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهۡدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مِيثَٰقِهِۦ وَيَقۡطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيُفۡسِدُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱللَّعۡنَةُ وَلَهُمۡ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ٢٥﴾

«Аллоҳ билан тузган аҳдларини мустаҳкамлаганларидан кейин беорлик билан бузадиган, Аллоҳ боғланишини буюрган нарсаларни узадиган ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар бор-ку, ана ўшалар учун Аллоҳнинг лаънати ва энг ёмон оқибат макони (жаҳаннам) бордир». (Раъд сураси, 25-оят)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бундай тоифалар учун илоҳий қувғин — лаънат ва энг жирканч оқибат макони муҳайё эканлигини қатъий хабар берди. Бу икки омил — Аллоҳнинг лаънатига учраш ва жаҳаннам қаъридан жой олиш — инсон ва жамият учун тасаввур қилиб бўлмас даражадаги энг улкан ҳаётий касоддир. Бунинг бутунлай қарама-қаршиси ўлароқ, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Унинг аҳдига, Ислом йўлига содиқ қолган, У боғланишини буюрган ришталарни маҳкам тутиб, Умматнинг бирлиги учун курашган мўминларни олий мақомлар билан мақтаган.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَفَمَن يَعۡلَمُ أَنَّمَآ أُنزِلَ إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَ ٱلۡحَقُّ كَمَنۡ هُوَ أَعۡمَىٰٓۚ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ١٩ ٱلَّذِينَ يُوفُونَ بِعَهۡدِ ٱللَّهِ وَلَا يَنقُضُونَ ٱلۡمِيثَٰقَ٢٠ وَٱلَّذِينَ يَصِلُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ ...﴾

«Ахир, сизга Роббингиздан нозил қилинган ушбу Ислом низоми ҳақ ва адолат эканини теран биладиган оқил киши, ҳақиқатни кўра олмайдиган кўр кимсага ўхшайдими? Фақат соғлом ақл эгаларигина бундан эслатма ва дарс олурлар. Улар Аллоҳнинг аҳдига тўлиқ вафо қиладилар ва муқаддас мийсоқни асло бузмайдилар. Улар Аллоҳ боғланишини буюрган барча илоҳий ришталарни боғлайдилар». (Раъд сураси, 19–21-оятлар)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу содиқ соҳибларни Ўз каломида юксак пардаларда мақтаб, уларга икки дунёнинг гўзал саодати билан хушхабар берган. У Зот уларнинг оқибати ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿... أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عُقۡبَى ٱلدَّارِ٢٢ جَنَّٰتُ عَدۡنٖ يَدۡخُلُونَهَا وَمَن صَلَحَ مِنۡ ءَابَآئِهِمۡ وَأَزۡوَٰجِهِمۡ وَذُرِّيَّٰتِهِمۡۖ وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَدۡخُلُونَ عَلَيۡهِم مِّن كُلِّ بَابٖ٢٣ سَلَٰمٌ عَلَيۡكُم بِمَا صَبَرۡتُمۡۚ فَنِعۡمَ عُقۡبَى ٱلدَّارِ٢٤﴾

«Ана ўшалар учун охират диёрининг (энг гўзал ва шарафли) оқибати бордир. Улар ва уларнинг ота-боболаридан, жуфти ҳалолларидан ҳамда покиза зурриётларидан солиҳ бўлганлари Адн жаннатларига кирадилар. Фаришталар эса уларнинг ҳузурига жаннатнинг ҳар бир эшигидан кириб: (“Ислом йўлидаги қийинчиликларга, куфр ҳужумларига) қилган сабр-матонатинггиз сабабли сизларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Охират диёрининг гўзал оқибати нақадар олийдир!” — дейдилар». (Раъд сураси, 22–24-оятлар)

Хулоса: Қуръони Карим оятлари соясидаги бугунги теран мулоҳазамизни ҳаётда аҳд ва мийсоқларни, сиёсий битимларни энг кўп бузадиган, тарихдан буён хиёнатни ўзларига касб қилиб олган малъун тоифа — яҳудийлар ва уларнинг бугунги кундаги сионистик ворислари ҳақида эслатиш билан якунлаймиз. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муқаддас Қуръоннинг кўплаб оятларида уларни аҳдларни сурункали равишда бузиш, хоинлик ва бу жирканч ишни қайта-қайта ҳеч тап тортмай такрорлаш билан сифатлаган. Шулардан бири Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятидир:

﴿أَوَ كُلَّمَا عَٰهَدُواْ عَهۡدٗا نَّبَذَهُۥ فَرِيقٞ مِّنۡهُمۚ بَلۡ أَكۡثَرُهُمۡ لَا يُؤۡمِنُونَ١٠٠﴾

«Қачон улар бирор аҳд тузсалар, улардан бир гуруҳи уни (худди кераксиз матодек) улоқтириб бузавермайдими?! Балки уларнинг кўпчилиги аслида иймон келтирмайдиган кимсалардир». (Бақара сураси, 100-оят)

Бугунги кунда муборак Фаластин заминида, бутун дунё кўз ўнггида уларнинг мусулмонларга қарши содир этаётган ваҳшийликлари, хиёнат, макр, халқаро ҳуқуқ ва аҳдларни оёқости қилиш билан йўғрилган жиноий қилмишлари ҳам Қуръоннинг ушбу ҳақиқатини бор бўйича тасдиқлаб турипти. Мусулмон Уммати мана шу фосиқлик ва хоинликка қарши фақатгина Исломнинг соясида – Ислом қонунчилиги устувор бўлган Давлатдагина муносиб қалқон топа олади.



Иордания ҳукмдорлари подшоҳлик ҳокимияти ағдарилишидан қўрқиб, мамлакатни Америка, Британия ва Ғарбга топшириш учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар

Аммон сотқин режимининг Ғарб мустамлакачилари оёғи остига гилам бўлиш сиёсати Иордания тупроқларини куфр кучларининг очиқ ҳарбий полигонига айлантириб қўйди. Би-би-си ҳамкор ахборот манбаси бўлган Американинг CBS телеканали Эроннинг Иорданиядаги «Муваффақ ас-Салтий» ҳаво базасига берган зарбалари оқибатида Америка қирувчи самолётлари шикастланганини фош қилди. Бироқ мусулмонлар кўзига чўп суқиб келаётган Аммон саройи ушбу зарбалар натижасида етказилган ҳақиқий зарар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермай, бор ҳақиқатни хаспўшлашга уринди.

Телеканал ўз манбаларига таяниб берган хабарга кўра, АҚШга тегишли саккизта F-15 русумли қирувчи самолётга «енгил шикаст» етган ва улар шошилинч равишда яна хизматга қайтарилган. Шунингдек, Ислом Умматининг бойликларини талаётган кофирларнинг A-10 Thunderbolt русумли ҳужумчи самолётларидан бирига зарба тўғри келгани ва унинг қанотларидан бири узилиб кетгани айтилди.

Америка телеканалининг таъкидлашига кўра, Иорданиядаги АҚШ қўшинлари Эрон томонидан йўлланган ушбу зарбаларни қайтариш ва ўз мустамлака манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 30 дан ортиқ «Патриот» ракетасини учирган.

Ҳафтанинг чоршанба куни Иордания армияси қўмондонлиги мамлакат «Эрон ҳудудидан учирилган ракета ҳужумига» дуч келганини расман эълон қилишга мажбур бўлди. Сарой малайлари бўлмиш ҳарбийлар мамлакат ҳаво мудофаа тизими Иордания тупроқлари томон учирилган 20 та баллистик ракетага қарши ҳаракат қилганини маълум қилди. Уларнинг даъвосига кўра, ракеталарнинг 18 таси муваффақиятли равишда тутиб қолинган ва ҳавода йўқ қилинган, иккитаси эса аҳоли яшамайдиган ҳудудларга тушган. Бу воқеа Иордания ҳукмдорлари Мусулмонлар ерларини ва ўз тахтларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки Ғарб хўжайинларининг ҳарбий устунлигини сақлаб қолиш учун Умматнинг қони ва номусини қурбон қилаётганини яна бир бор исботлади.

Яҳудий вужуди Шомда Дамашқнинг янги ҳукмдорлари томонидан ҳеч қандай тийиб туриш чораларисиз истаганича зўравонлик қилмоқда

Муборак Шом заминида Ислом душманларининг тизгинсиз хуружлари ва суверен тупроқларни оёқости қилиши изчил давом этмоқда. Яҳудий вужуди оммавий ахборот воситаларининг лоф уриб тарқатган хабарларига кўра, яҳудий вужудининг мудофаа вазири Исроил Кац Сурия ҳудудидаги босиб олинган айрим стратегик жойларга киборлик билан сафар уюштирган. У ўзининг ушбу тажовузкор чиқишида: «Бизга нисбатан таҳдидлар мавжуд экан, Исроил Шайх тоғи ёки буфер ҳудудидан асло чекинмайди», дея кибр билан баёнот берган.

Кац Суриянинг янги президенти Аҳмад аш-Шараага йўлланган таҳдидли хабари мутлақо аниқ ва узил-кесил эканини урғулаб, қуйидаги ҳақоратли сўзларни қўшимча қилган: *«Эрталаб Дамашқдаги саройингизда уйғонганингизда, Шайх тоғи томон қаранг. У ерда “Исроил” мудофаа кучларини кўрасиз ва*

бизнинг жамоаларимиз ҳамда чегараларимизни ҳимоя қилиш учун шу ерда маҳкам турганимизни биласиз».

Шу билан бирга, Кац минтақадаги геосиёсий рақобатга тўхталиб, Туркияни Суриядаги ҳарбий ва сиёсий мавжудлигини кучайтиришга уринаётганликда очиқ айблади ва буни яҳудий вужудининг хавфсизлик манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид деб баҳолади. Унинг иддаосига кўра, яҳудий вужуди Анқаранинг бу сиёсий уринишларига қарши фаол ҳаракат қилган.

Яҳудий вужуди мудофаа вазири ўз босқинчилик мақсадларини яширмай, мамлакат ўз ҳарбий позициясини аниқ-равшан билдирганини ва келгусида ҳам Шом заминини назорат қилиш устуворлигига қатъий амал қилишда давом этишини таъкидлаган. Жасоратли Ислом қўшини ва Халифалик сиёсий қалқонининг йўқлиги сабабли, яҳудий вужуди мусулмонларнинг янги ҳукмдорлари устидан мана шундай беорлик билан кулишда ва Ислом тупроқларини тийиб туришсиз топташда давом этмоқда.

ИНФЛЯЦИЯ – КАПИТАЛИЗМНИНГ ШУМ ҚАДАМИ, ЕЧИМ ЭСА ИСЛОМДАГИ ПУЛ СИЁСАТИДИР

Муаллиф: Умму Бадр

Инфляция бугунги кунда шунчаки Марказий банкларнинг қуруқ бюллетенларида акс этадиган рақамли кўрсаткич бўлмай қолди. Балки у одамларнинг кундалик ҳаётига чуқур соя соладиган, қозонни сувга ташлаб, рўзғорни тилка-пора қиладиган мудҳиш иқтисодий муаммолардан бирига айланди. Чунки бу бало туфайли маош ва даромадларнинг харид қобилияти кун сайин пасаяди, халқнинг йиллар давомида тиш ковлаб йиққан жамғармалари қадрсизланади, озиқ-овқат, уй-жой, энергия ва кундалик хизматлар харажати осмони фалакка кўтарилади. Айниқса, доимий даромадга эга бўлмаган, косаси оқармайдиган кишилар қуруқ рақамлар ифодалайдиган совуқ воқеликдан ҳам анча оғирроқ, юракни қон қилувчи иқтисодий шароитга ва тангликка дуч келадилар. Шу боис, пул-кредит сиёсати замонавий капиталистик иқтисодиётни жиловлаш ва бошқаришда энг марказий ўринни эгаллаб олди. Натижада Марказий банк гўёки вазиятни назорат қилувчи ҳакамдек рибовий фоиз ставкаларини кунлик кайфиятга қараб оширади ёки пасайтиради, кредитлаш ва ликвидлик (пул оқими) шартларини ўйинчидек ўзгартиради, молия бозорларига тўғридан-тўғри суқилиб киради. Бу уринишларнинг барчасидан кўзланган асл мақсад — бозордаги сунъий талабни, тизгинсиз нархларни ва иқтисодий ўсиш суръатларини ўз малай манфаатларига мослаб бошқаришдир.

Ҳозирги капиталистик қарашнинг дунёга кенг тарқалган шакли — ҳукуматлардан нисбатан мустақил бўлган Марказий банклар фаолиятига, нархлар барқарорлиги деган сохта шиорни кўзлашга ва кўплаб иқтисодиётларда инфляцияни тахминан 2 фоизлик тор доирада ушлаб туриш ҳақидаги хомхаёлга асосланади. Бу алдамчи сиёсат Европа Марказий банкининг фаолиятида яққол кўринади. У ўрта муддатли истиқболда инфляцияни 2 фоиз даражасида занжирлаб туришни бозордаги нархлар барқарорлигининг мутлақ шарти

сифатида эълон қилган ҳамда ушбу сароб мақсадга эришиш йўлида фоиз ставкалари ва бошқа маъмурий воситалардан тинимсиз фойдаланади. Шунингдек, дунёга кенг ёйилган ушбу иқтисодий қараш инфляциянинг келиб чиқишини ҳаддан ташқари пул-кредит экспансияси (пулни назоратсиз босиб чиқариш), таклифдаги кутилмаган шоклар, энергия харажатларининг ошиши ёки бозордаги талабнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши натижасида юз берадиган тасодифий нуқсон деб тан олади.

Ваҳоланки, Ислом пул муаммосини пулнинг ўзидан, мулкчилик ҳаққидан, ишлаб чиқариш ва жамиятдаги бойлик тақсимотини тартибга солувчи умумий иқтисодий ҳамда сиёсий низом табиатидан асло ажратган ҳолда кўрмайди. Ислом низоми пул, саррофлик, олтин тизими, пул чиқариш ва валюта курси масалаларини ягона ва узвий тизим доирасида ҳал қилади ҳамда олтин ва кумушни Ислом пул низомининг ўзгармас пойдевори қилиб белгилайди. Ислом нуқтаи назаридан қараганда, инфляция — Марказий банк томонидан шунчаки фоиз ставкасини у ёки бу томонга суриш орқали бартараф этиладиган оддий даврий нуқсон эмас. Аксинча, инфляция ўз моҳиятига кўра, капитализм башарият бошига бало қилиб тиққан, ҳеч қандай моддий қийматга эга бўлмаган мажбурий қоғоз пуллар низоми ва пулнинг қатъий моддий қийматдан (олтин-кумушдан) бутунлай узилиб қолганининг муқаррар жирканч мевасидир.

Инфляция тушунчаси ва пул-кредит сиёсатининг ўрни

Умумий иқтисодий таърифга кўра, инфляция — пул бирлигининг харид қобилияти тинимсиз пасайишига олиб келадиган умумий нархлар даражасининг тўхтаб бўлмас тарзда ўсишидир. Бу ҳолат фақатгина битта товар нархининг ошишини англатмайди. Масалан, табиий офат туфайли ҳосил камайса ёки таъминот занжирида узилиш юз берса, муайян бир товар қимматлашиши табиий ҳол. Аммо бу вақтинчалик танглик макроиқтисодий маънодаги тизимли умумий инфляция бўлиши шарт эмас.

Пул-кредит сиёсати айнан мана шу ерда ўзининг алдамчи қиёфасини намоён қилади. Марказий банк бозорда инфляция узоқ вақт давомида юқори бўлиб қолаётганини кўрса, у дарҳол рибовий фоиз ставкаларини ошириши мумкин. Бу қарз ва кредит олишни қимматлаштиради, аҳоли ва ширкатларнинг айрим турдаги харажатлари ва инвестициялари мажбуран камаяди, бозордаги ялпи талабга бўлган босим суний равишда сусайтирилади. Фоиз ставкаси пасайтирилганда эса бунинг тамоман тескариси юз беради: молиялаштириш арзонлашади, қарз олиш, рибога ботиш, инвестиция ва истеъмол ҳажми кўпаяди. Инфляция паст ва талаб ўта заиф бўлган шароитда, капиталистлар шу йўл билан иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватламоқчи бўладилар.

Ушбу рибовий механизмнинг ишлаш занжирини қуйидагича содда солиштирма кўринишда ифодалаш мумкин:
Фоиз ставкасининг ошиши → қарз олиш харажатларини сунъий кўпайиши → истеъмол ва инвестициянинг айрим турлари камайиши → ялпи талабнинг мажбурий пасайиши → нархларга бўлган босимнинг вақтинчалик сусайиши.

Лекин бу механизм сеҳрли эмас; агар инфляция асосан энергия ёки озиқ-овқат танқислиги, ёхуд таъминот занжирларининг узилиши оқибатида юзага келган бўлса, фоиз ставкаларини ошириш нефть ишлаб чиқармайди, портларни очмайди ва ҳосилни кўпайтирмайди. Шу боис марказий банклар нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсади билан иқтисодий фаоллик ва бандликни заифлаштириш хавфи ўртасида мувозанатни сақлашга мажбур бўладилар.

Капитализмнинг инфляцияга берган изоҳи

Капитализмнинг барча жиҳатлари бир хил бўлган ягона андозаси мавжуд эмас. Бироқ ҳозирги капиталистик иқтисодиётларда ҳукмрон бўлган иқтисодий мактаб инфляцияни пул-кредит, молиявий сиёсат ва таклиф томонига қаратилган маъмурий чора-тадбирлар мажмуаси орқали бошқариш мумкин бўлган оддий муаммо сифатида кўради. Марказий банклар нархлар барқарорлигини ўзларининг асосий

муқаддас вазифаларидан бири деб билади. Улар фоиз ставкаларини ўзгартириш, ликвидликни бошқариш ва бозорлар билан сохта мулоқотлар қилиш орқали аҳоли ҳамда компанияларнинг кутилмаларига психологик таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Халқаро валюта жамғармаси инфляцияга жуда мураккаб омиллар мажмуаси сифатида изоҳ беради. Уларнинг иддаосига кўра, юқори инфляциянинг узоқ давом этиши пул-кредит сиёсатининг ҳаддан ташқари юмшоқлиги натижасида юз беради: бунда муомаладаги пул массаси иқтисодиётнинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал имкониятидан анча тезроқ ўсиб кетади. Айни вақтда, жаҳон бозорида нефть ва энергия нархининг тўсатдан ошиши каби таклиф шоклари ҳам нархларни занжирсимон тарзда кўтариб юбориши мумкин. Давлатларнинг иқтисодиётни кенгайтиришга қаратилган сиёсати туфайли талабнинг ортиши ҳам бозордаги нархларга қўшимча босим ўтказади.

Демак, капиталистик ёндашувдаги муоложа чоралари ҳеч қачон битта восита билан чекланмайди, балки улар вазиятга қараб турли алдамчи йўлларни тутадилар. Бозорда талаб инфляцияси кузатилса, улар учун фоиз ставкаси муҳим нажот қуроли ҳисобланади. Агар таклиф шоки юз берганда эса давлат ишлаб чиқариш, энергия ва таъминот занжирларидаги тўсиқларни бартараф этишига тўғри келиши мумкин. Шунингдек, турли молиявий ёки тартибга солувчи маъмурий чоралардан ҳам фойдаланилади. Бу ҳолат Европа Марказий банкининг 2026 йилдаги расмий маълумотларида ҳам яққол кўринди: банк инфляциянинг кескин ошишини уруш туфайли юзага келган энергия шоки билан боғлади, айни пайтда эса ўрта муддатли инфляцион кутилмаларни барқарорлаштириш баҳонасида фоиз ставкаларидан фойдаланишда давом этди.

Бироқ бу ёндашув ўз табиатидаги энг асосий ва ҳал қилиб бўлмас зиддиятга дуч келади: инфляцияни жиловлаш учун ишлатиладиган пул-кредит воситаси реал иқтисодий фаолликка ва ишлаб чиқаришга

оғир зарар етказади. Фоиз ставкасининг оширилиши бозордаги ялпи талабни камайтиради, аммо бунинг ортидан оддий оилалар, ишлаб чиқарувчи компаниялар ва ҳукуматлар учун молиялаштириш харажатларини ҳамда қарз юкини кескин кўпайтириб юборади. Агар иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва саноат аввалбошдан заиф бўлса, инфляцияни бундай йўл билан «даволаш» аслида янги инвестиция ва бандлик ҳисобига халқнинг ризқини ва талабини мажбуран қисқартиришдан иборат жазолаш тизимига айланиб қолади.

Исломнинг капиталистик пул низомини рад этиши

Пул масаласи Ислом иқтисодий низомида шунчаки техник восита эмас, балки Давлат пойдеворини белгиловчи асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Исломда пул, олтин низоми, олтин низомининг жамият учун беқиёс афзалликлари, қоғоз пуллар, пул чиқариш омонати ва валюта курси масалалари Давлат иқтисодиётининг энг асосий ва устувор йўналишлари ҳисобланади. Капитализмдаги «давлат оддий қоғозга шунчаки ном ва қонуний қиймат белгилаши билан пул пайдо бўлади» деган алдамчи қарашнинг ўрнига, пулнинг қиймати қатъий равишда олтин ва кумушдан иборат пул асосига боғланиши шартлиги ҳақидаги фикр Ислом пул сиёсатининг энг муҳим ва ўзгармас ҳукмларидан биридир. Бу шаръий ҳукм бугунги кунда башариятни қийнаётган кўплаб иқтисодий муаммоларга тубдан ва узил-кесил ечим бўла олади.

Ислом олтин ва кумушни пулнинг ягона ва ҳақиқий асоси қилиб белгилаган. Бошқа айирбошлаш воситаларидан фойдаланишга ҳам Шариат маълум шартлар билан рухсат беради, бироқ улар албатта маълум миқдордаги олтин ёки кумушнинг нақд ўрнини босувчи восита бўлиши лозим. Улар ҳеч қачон қатъий моддий асосдан ажралган, ҳаводан олинган мажбурий пул бўлмаслиги керак. Ҳозирги мажбурий қоғоз пуллар эса ўз қийматини уларни чиқарувчи мустамлакачи идораларга ва чирик пул тизимига бўлган ишончдан олади. Мана шу аянчли ҳолат дунёдаги умумий пул-кредит беқарорлигининг бош сабабчисига айланади.

Масалан, Украина уруши ортидан бутун жаҳон миқёсида юзага келган ва 2026 йилда ҳам ўз асоратларини кўрсатаётган глобал инфляциянинг энг чуқур сабабини — ўз ички қийматига эга бўлмаган, товар ва хизматлардан иборат қатъий асосга таянмайдиган, шунингдек, жаҳон миқёсида эркин сузувчи валюта курслари ва пул чиқаришни лимитсиз кенгайтириш имконияти мавжуд бўлган бугунги пул тизими билан боғлаш мумкин.

Ислом нуқтаи назаридан қараганда, муаммо бозорда нархлар индекси кўтарилиб, ёнғин чиққан пайтда эмас, балки ундан анча олдин бошланади. У пул чиқариш ҳуқуқи давлат ва банк тизими қўлидаги мослашувчан воситага айланган, пул массасини эса қатъий моддий чекловсиз кенгайтириш мумкин бўлган пайтдан бошланади. Шунда муомаладаги пул миқдори билан реал иқтисодиёт ўртасида улкан узилиш(жарлик) пайдо бўлади, натижада пулнинг харид қобилияти пасайиб, қадрсизланади.

Капиталистик қарашда фоиз ва кредит, Ислом нуқтаи назаридан эса уларнинг ҳукми

Замонавий пул-кредит сиёсати кўп жиҳатдан рибовий фоиз ставкасига таянади. Капитализм учун фоиз — қарз олиш харажатларини тартибга солиш ва шу орқали бозордаги талаб ҳамда инвестицияларга таъсир кўрсатишнинг асосий воситасидир. Инфляция даврида фоиз ставкасини ошириш улар учун энг кўп қўлланиладиган чоралардан бири ҳисобланади. Европа Марказий банки 2026 йил июнь ойида фоиз ставкаларини яна 25 базис пунктга оширди. Банк бу қарорини энергия ва уруш билан боғлиқ инфляцион босимлар билан изоҳлади ҳамда ўрта муддатли истиқболда инфляцияни 2 фоиз даражасида барқарорлаштириш мақсадини яна бир бор таъкидлади.

Ислом эса фоиз масаласига шаръий ва иқтисодий жиҳатдан бутунлай бошқача қарайди. Исломда рибо қатъиян ҳаром қилинган. Шунинг учун Ислом пул сиёсатини рибовий фоиз ставкасига асослаб

қуриш мумкин эмас. Исломий иқтисодий тасаввурда пул муомаласи саррофлик, олтин ва кумушга оид шаръий ҳукмларга тўлиқ мувофиқ бўлиши, қарзлар ва молиявий муомалаларда эса рибо тубдан тақиқланиши лозим.

Мана шу ерда асосий фарқ намоён бўлади: капитализм фоиздан иқтисодий циклни бошқариш воситаси сифатида фойдаланади, Ислом низоми эса фоизни бошиданоқ бутунлай бекор қилади. Иқтисодий фаолликни бошқаришни рибовий фоиз ставкаси орқали сунъий равишда эмас, балки мулкчилик, пул, давлат харажатлари, ишлаб чиқариш ва савдони шаръий асосда тартибга солиш орқали амалга оширишни кўзлайди.

Инфляцияни бошқариш ва иқтисодий низомни бошқариш ўртасидаги фарқ

Икки ёндашув ўртасидаги энг муҳим фарқлардан бири муаммонинг ўзига қандай таъриф берилишидадир. Капиталистик Марказий банк ўзининг асосий вазифасини бозордаги нархлар даражасининг вақтинчалик барқарорлигини таъминлаш деб билади. Шунинг учун у муайян рақамли мақсад белгилаб, унга эришиш учун ўз воситаларини, фоиз ставкаларини ўзгартиради. Ислом эса инфляцияни фақат нархлар кўрсаткичига қараб бартараф этиладиган оддий муаммо деб ҳисобламайди. Чунки нархларнинг ошиши — иқтисодий низом тузилишидаги янада чуқурроқ номутаносибликлар натижасидир.

Шу ерда «ҳодисани бошқариш» билан «сабабни бартараф этиш» ўртасидаги фарқ яққол кўринади. Марказий банк фоиз ставкасини ошириш орқали инфляцияни пасайтириши мумкин. Аммо бу пул низомининг заифлиги, қарзлар, чайқовчилик ёки халқаро номутаносибликларнинг сабаблари бартараф этилди, дегани эмас. Худди шунингдек, таклиф шокини фақат пул-кредит сиёсати билан бартараф этишнинг имконияти жуда чеклангандир.

Нима учун Ислом инфляцияни фақат пул-кредит муаммоси деб ҳисобламайди? Чунки Ислом иқтисодиётга шунчаки пул рақамлари

йиғиндиси сифатида эмас, балки давлатнинг мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимотга муносабатини белгилайдиган «иқтисодий сиёсат» нуқтаи назаридан қарайди. Асосий иқтисодий муаммо товар ва хизматларнинг камлиги эмас, балки бойликни жамиятда тақсимланиши ҳамда одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлишидир.

Бу эса инфляцияга қараш нуқтаи назарини тубдан ўзгартиради. Агар нархлар кўтарилиб, даромадлар ўзгармай қолса, бунинг зарари жамиятдаги инсонларга бир хил таъсир қилмайди. Катта молиявий бойлик эгаси нархлар ўсишини бемалол кўтариши мумкин, аммо оддий ишчи ва кам даромадли киши бундан кўпроқ зарар кўради ва қашшоқликка юз тутади. Шу сабабли, тақсимотдаги адолат иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг асосий қисмига айланади. Ислом иқтисодий низоми уч турдаги мулкчилик — хусусий мулк, умумий мулк ва давлат мулки ўртасидаги муносабатларни жамиятдаги иқтисодий мувозанат билан боғлайди. Шунингдек, Ислом давлатнинг иқтисодий ғамхўрлик вазифалари қаторига одамларнинг асосий эҳтиёжларини сўзсиз қондиришни ҳам киритади.

Шунга кўра, ечим фақат пул қийматини тиклашдан иборат эмас. У умумий ресурсларга эгаликни тартибга солиш, монополияга (эҳтикорга) йўл қўймаслик, закот ва давлат харажатларига оид ҳукмларни татбиқ этиш ҳамда бойликни асосий эҳтиёжлар қондириладиган тарзда бошқаришни ҳам қамраб олади.

Олтин ва кумуш — Ислом шариати белгилаган пул ечими

Олтин ва кумуш Исломий тасаввурда энг асосий ўринни эгаллайди. Пулнинг асоси олтин ва кумушдан иборат бўлади, қоғоз пуллар эса уларнинг ўрнини босувчи восита сифатида муомалада мавжуд бўлиши мумкин. Бунга далил шуки, олтин динорлар ва кумуш дирҳамлар Исломдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Улар Рум ва Форсдан келар эди. Ислом уларни бошидан янгидан ихтиро қилмаган, балки Пайғамбар ﷺ улар билан муомала қилишни маъқуллаганлар. Кейин Ислом

Давлатида динор ва дирҳам билан муомала қилиш давом этган, то Абдулмалик ибн Марвон даврида мустақил Ислом тангалари зарб қилингунга қадар шу ҳолат сақланган.

Пайғамбар ﷺ олтин ва кумушни саррофлик, рибо ва закот ҳукмларига тааллуқли қилиб белгилаганлар, чунки улар пул вазифасини бажаради. Шу сабабли Ислом Молия низомида олтин ва кумуш оддий товарлардангина иборат эмас. Убода ибн Сомитдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«Олтин олтинга, кумуш кумушга... ўхшашини-ўхшашига, тенгма-тенг ва қўлма-қўл бўлсин».

Олтин низоми пул барқарорлигини энг юқори даражада таъминлайди ва ҳукуматлар ҳамда Марказий банкларнинг қатъий моддий чекловсиз, ҳаводан олиб пул чиқариш имкониятини бутунлай чеклайди. Пулнинг асоси барқарор бўлиши валюта курси ва ташқи савдо барқарорлигига ҳам катта ёрдам беради.

Бу инфляцияни бартараф этишга қаратилган оддий техник таклиф эмас, балки кенг қамровли қонунчилик ва сиёсий тизимнинг бир қисмидир. Пулнинг табиатини ўзгартириш давлатнинг молиялаштиришга муносабатини, банкларнинг кредит беришини, халқаро савдонинг валюталар билан боғлиқ жиҳатларини ва давлатнинг пул массасини кенгайтириш имкониятлари чегарасини ҳам ўзгартиради.

Демак, Исломнинг қараши «Марказий банк пул чиқаришни камайтирсин» деган юзаки ёндашувга асосланмайди. У энг аввало, бошқача пул низомига — олтин ва кумуш стандартига ўтишни қатъий талаб қилади.

Олтин инфляцияни мутлақо бартараф этадими?

Олтин пул низоми пулнинг назоратсиз чиқарилиши натижасида юзага келадиган инфляциянинг асосий шаклларидан бирини чеклайди ва йўқ қилади. Бироқ замонавий иқтисодиёт нархлар бошқа сабаблар туфайли ҳам вақтинчалик ошиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан,

урушлар, табиий офатлар, ишлаб чиқаришнинг камайиши, транспорт ва энергия харажатларининг ўзгариши, солиқлар ҳамда бозордаги номутаносибликлар нархларни кўтариши мумкин. Шунинг учун масалани «олтин низоми нархларнинг ҳар қандай ошишини бутунлай тўхтатади», деган соддалаштирилган шаклда ифодалаш тўғри эмас.

Аниқроқ айтганда, олтинни пулнинг асоси қилиб белгилаш пул чиқаришга темир чеклов қўяди ва пул-кредит ҳокимиятининг моддий асосдан узилган ҳолда пул массасини кўпайтириш имкониятини камайтиради.

Бу мажбурий қоғоз пуллар низомидан тубдан фарқ қилади. Қоғоз пуллар низомида пул-кредит идоралари ликвидликни анча мослашувчан усуллар билан бошқариши мумкин. Бу мослашувчанлик бир вақтнинг ўзида инқирозларни бошқаришдаги кучли томон бўлиб кўринса-да, ундан нотўғри фойдаланилганда бутун башарият фаровонлигига таҳдид солувчи хавф манбаи ҳисобланади.

Пул-кредит мослашувчанлиги ва қарзлар муаммоси ўртасидаги капитализм

Капиталистик пул низомининг тарафдорлари унинг кучли жиҳатларидан бири сифатида инқирозларга тез жавоб бера олишини кўрсатадилар. Кескин иқтисодий таназзул юз берганда Марказий банк фоиз ставкасини пасайтириши, ликвидликни таъминлаши ва активларни сотиб олиши мумкин. Ҳукумат эса давлат харажатларини сунъий равишда кўпайтириши мумкин. Замонавий иқтисодиётлар бу воситаларни турли инқирозлар даврида қайта-қайта қўллаган.

Бироқ бунинг яширин томони — қарзларнинг қор тўпидек тўпланиб боришидир. Арзон кредит қарз олишнинг кескин кенгайишига олиб келади. Натижада активлар, кўчмас мулк ва акциялар нархи бозорда сунъий равишда, пуфакдек кўтарилиш эҳтимоли пайдо бўлади. Кейин фоиз ставкалари оширилганда ёки ликвидлик қисқарганда муаммолар юзага чиқади. Рибога асосланган капиталистик молия низоми такрорланувчи инқирозларни келтириб чиқаришга маҳкумдир.

Низомнинг ўзига хос воситалари билан инқирозни даволаш эса муаммонинг илдизини қўпориб ташлаш ўрнига уни кейинга суриши мумкин.

Ислом ҳукмларига кўра эса рибонинг ҳаром қилингани иқтисодий низомдан ажралган шунчаки алоҳида ахлоқий ҳукм эмас. У молиявий эксплуатациянинг айрим шаклларига тўсқинлик қиладиган ва иқтисодий фаолликни реал иқтисодиёт томон йўналтирадиган яхлит илоҳий низомнинг ажралмас бир қисмидир.

Икки қарашнинг бевосита таққосланиши

Икки ёндашув ўртасидаги фарқларни бешта асосий йўналишда умумлаштириш мумкин:

1. **Муаммони таърифлаш.** Кенг тарқалган капиталистик қараш инфляцияни нархларнинг умумий ва барқарор ўсиши деб билади. Уни жиловлаш учун нархлар бўйича кутилмаларни ҳамда пул массаси, талаб ва таклифга боғлиқ омилларни бошқариш лозим. Ислом эса инфляцияни кўпроқ қоғоз пуллар низомининг табиати ва капиталистик иқтисодий низомдаги адолатсиз номутаносибликлар билан боғлайди.

2. **Даволаш воситаси.** Капитализм фоиз ставкаси, ликвидликни бошқариш, бозорлар билан мулоқот, молиявий сиёсат ва таклиф томонига қаратилган чораларга таянади. Исломий ёндашув эса рибовий фоизни таг-туби билан ҳаром қилади, олтин ва кумушга асосланган пул низомига, шунингдек, мулкчилик, харажатлар ва ҳалол савдога оид ҳукмларга таянади.

3. **Пул чиқариш.** Капиталистик низомда пул-кредит идоралари пул таклифини ва кредит ҳажмини бошқаришда кенг ҳудудга эга. Ислом низомида эса пул чиқариш фақат олтин ва кумушнинг нақд миқдори билан чекланади. Бу моддий асосга боғланмаган, ҳаводан олинадиган пул-кредит кенгайишини чеклайди.

4. **Давлатнинг вазифаси.** Капитализмда давлатнинг вазифалари иқтисодий мактаб ва мамлакатга қараб фарқ қилади. Бироқ Марказий банк асосан пул-кредит барқарорлигига эътибор қаратади, кўплаб соҳалар эса бозор ихтиёрига ташлаб қўйилади. Ислом низомида давлат «раъиятга ғамхўрлик қилувчи» бўлиб, умумий мулкни бошқаради ва Шариат ҳукмлари доирасида одамларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди.

5. **Якуний ечим.** Капитализм одатда мавжуд низом доирасида пул-кредит ва молиявий сиёсатни вақтинчалик ислоҳ қилишга интилади. Ислом Шариати эса қисман ислоҳ қилишнинг ўзи етарли эмас, деб қарайди. Унинг нуқтаи назарича, ечим ҳукмрон куфр низомини тўлиқ ўзгартириш ва Ислом Иқтисодий низомини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишни талаб қилади.

Сиёсий нуқтаи назардан инфляция, турмуш қимматчилиги ва исломий ечим

Инфляцияни халқаро сиёсатдан ажратиб тушуниб бўлмайди. Валюта фақат ички тўлов воситаси эмас, балки халқаро кучлар тизимининг ва мустамлакачиликнинг ҳам бир қисмидир. Олтин стандартидан қоғоз пулларга ўтилган бўлса-да, валюталарнинг қиймати йирик давлатларнинг таъсир кучига боғланиб қолди. Бугунги кунда АҚШ долларининг халқаро пул-кредит низомида ҳукмронлик қилаётгани бунинг энг катта далилидир.

Айни пайтда, капиталистик иқтисодиётлар мослашувчан қоғоз валюталар ташқи шокларни юмшатиш, халқаро савдони енгиллаштириш ва инқирозларни бошқариш имконини беради, деб ҳисоблайдилар. Бироқ битта халқаро валютанинг ҳукмронлиги уни чиқарувчи давлатга катта сиёсий ва молиявий устунликлар беради ҳамда энергия нархлари, савдо ва жаҳон молиясига таъсир кўрсатади. Шу боис, инфляция масаласи давлат суверенитети масаласига ҳам айланади: пул чиқариш ҳуқуқи кимнинг қўлида? Фоиз ставкасини ким

белгилайди? Валюта қиймати пасайишининг оқибатларини ким кўтаради? Жаҳон молиявий низомидан аслида ким манфаат кўрмоқда?

Капиталистик ёндашувни умумий воқелиги доирасида танқид қилиш

Пул-кредит сиёсати «умуман ишламайди», деб айтиш иқтисодий жиҳатдан тўғри эмас. Фоиз ставкасини ошириш бозордаги талабни ва инфляция рақамларини вақтинчалик пасайтириши мумкин. Турли даврларда айрим Марказий банклар инфляцияни белгиланган мақсадларга яқинлаштиришга муваффақ бўлганлар. Инфляцияни мақсадли кўрсаткич асосида бошқариш ҳам кутилмалар учун аниқ мезон беради.

Бироқ энг катта муаммо — инфляция сабаблари пул-кредит сиёсатининг маъмурий доирасидан ташқарида бўлганида юзага чиқади. Агар уруш ёки таъминот танқислиги туфайли энергия нархлари ошса, фоиз ставкасини кўтариш энергия миқдорини кўпайтирмайди. Таъминот занжирлари узилса, фоиз ставкаси етишмаётган товарларни ишлаб чиқариб бера олмайди. Шунинг учун Марказий банкларнинг ўзи ҳам таклиф шоклари мавжудлигини тан олади ва вақтинчалик шокнинг узоқ давом этувчи инфляцияга айланиб кетмаслиги учун пул-кредит сиёсатини эҳтиёткорлик билан қўллайди.

Бундан ташқари, юқори фоиз ставкаларининг жамият зиммасига тушадиган ижтимоий харажатлари ҳам бор: кредит тўловларининг ошиши, инвестицияларнинг камайиши, кўчмас мулк бозорининг заифлашиши ва қарзга хизмат кўрсатиш юкининг оғирлашиши халқни қийнаб қўяди.

Инфляция инқирозининг исломий ечими

Ислом низоми таклиф этадиган ечим — ўзаро боғлиқ яхлит тизим сифатида ўта изчилдир. У олтин ва кумушга асосланган пулни, рибонинг тақиқланишини, мулкчиликни тартибга солишни, умумий мулкни муҳофаза қилишни, давлатнинг умумий ресурсларни

бошқаришини ва иқтисодий мувозанатни таъминлашини қамраб олади.

Кимдир: «Ҳозирги қоғоз пуллар низомидан олтин низомига қандай ўтиш мумкин? Фоизсиз узоқ муддатли инвестицияларни қандай молиялаштириш мумкин?» — деб сўраши мумкин.

Бунга жавоб шуки, мажбурий қоғоз пуллар низомидан олтин ва кумуш низомига ўтиш, амалдаги қоғоз пулларни шунчаки олтин тангаларга техник алмаштириш билангина амалга ошмайди. Бу пул низомини олтин ва кумуш асосида қайта қуриш, пул чиқаришни металл билан таъминлашга боғлаш ҳамда Ислом Давлати барпо этилган пайтда амалдаги валютани унинг эгаларининг ҳуқуқларини сақлаб қоладиган механизм асосида тартибга солиш орқали амалга ошади.

Давлат талаб этиладиган олтин миқдорига замонавий пул массасининг барча шаклларига қарши қўйиладиган оддий захира сифатида қарамайди. Балки у олтинни пул чиқаришнинг асоси ва пул массасининг назоратсиз кенгайишини тўхтатувчи ягона восита сифатида кўради. Халқаро миқёсда эса олтин ва кумушга қайтиш устун валюталарга, айниқса долларга қарамликни тугатиш ҳамда валюта курсларини табиий равишда барқарорлаштириш воситаси бўлади.

Инвестиция масаласига келсак, давлат қарзларга фоиз белгиламаслик тараққиётни тўхтатади, деган аҳмоқона ҳисоб-китоб билан қарамайди. Аксинча, рибовий молиялаштиришнинг жирканч тизими ўрнига — инвестиция, савдо, шерикчилик, музораба ва ижара каби ҳалол шакллардан кенг фойдаланилади. Бунда олинадиган даромад реал иқтисодий фаолият билан чамбарчас боғланади.

Инқироз даврида Давлат ликвидликни таъминлаш учун моддий асос билан қопланмаган қоғоз пулларни босиб чиқаришга асло таянмайди. Балки Давлат ресурслари, Байтулмол, олтин ва кумуш ҳамда Шариатга мувофиқ молиялаштириш воситаларидан фойдаланади. Бу

сиёсат ликвидлик инқирозини бартараф этишга уринишнинг янада оғир инфляцион инқирозга айланиб кетмаслигининг олдини маҳкам тўсади.

Замонавий капитализм инфляцияни бошқариш учун фоиз ставкалари, ликвидликни бошқариш, инфляцияни мақсадли кўрсаткич асосида жиловлаш, молиявий сиёсат ва таклиф томонига қаратилган чоралар каби илғор воситаларга эга. Бу воситалар талаб, кутилмалар ва нархларга маълум муддат таъсир кўрсата олишини намоён қилган. Бироқ улар халқаро таклиф шоклари, энергия танқислиги, урушлар ва таркибий номутаносибликлар қаршисида барибир ожиз ва чорасиз қолишга маҳкумдир.

Шунингдек, капиталистик низом доирасида инфляцияни бартараф этишга уриниш ҳеч қачон унинг асл илдизини қўпориб ташлай олмайди. Чунки пул низомининг ўзи мажбурий қоғоз валюталар, рибовий фоиз, кредит ва пул массасини назоратсиз кенгайтиришга асослангандир.

Ислом тизими эса олтин ва кумушга таянган пул низомини жорий қилиш, рибони ҳаётдан бутунлай бекор этиш, умумий ва хусусий мулкчилик чегараларини тартибга солиш, давлатни раъиятнинг асосий эҳтиёжларини таъминлаш ва иқтисодий мувозанатни қарор топтиришга йўналтиришдан иборат яхлит низомни таклиф этади.

Исломий нуқтаи назарга кўра, инфляция фақат Марказий банкка тааллуқли техник масала эмас, балки суверенитет, тузум ва давлат масаласидир. Бу тасаввурда валюта шунчаки айирбошлаш воситаси эмас, балки давлатнинг иқтисодий ва сиёсий қудрати тузилмасининг энг бош қисмидир. Шунга кўра, ҳақиқий ягона ечим — бозорда номутаносиблик ва инқирозларни келтириб чиқараётган бугунги пул-кредит ҳамда капиталистик асосни тубдан ўзгартиришдан ва унинг ўрнига яхлит Исломнинг Иқтисодий низомини батамом барпо этишдан бошланади.

ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ – ИСЛОМДАГИ ҲОКИМИЯТНИ ҚЎЛГА ОЛИШ УСЛУБЛАРИДАНМИ?

(ИККИНЧИ ҚИСМ)

Муаллиф: Басом Фараҳот — Тунис

Учинчи омил: муайян гуруҳнинг ҳаракати

Ҳарбий тўнтаришнинг учинчи муҳим омили — унинг муайян бир гуруҳ томонидан, тор манфаатлар йўлида амалга оширилишидир. Яъни, халқнинг катта қисми эмас, балки ҳарбий ёки фуқаролик соҳасига мансуб биргина шахс ёхуд кичик бир гуруҳ раҳбарлигида, тўғридан-тўғри ҳарбий куч воситасида ҳаракат бошланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам давлат тепасига келиш учун кўп сонли фитначилар ва кенг халқ оммаси асло талаб этилмайди. Бунинг учун нисбатан кичик ва уюшган гуруҳнинг ўзи ҳам куч ишлатишга етарли бўлади. Бу фитнанинг ягона қатъий шарти шуки, мазкур гуруҳ ҳарбий муассасанинг ёки унинг энг кучли қисмининг бошқарув занжиридаги ўта муҳим ва стратегик бўғинларни назорат қила олиши керак.

Зеро, тўнтариш ташкил қилиш масъулияти ва унинг юки кўчага чиққан оддий ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг зиммасигагина тушмайди. Асосий жавобгарлик ва масъулият — ҳарбий ҳаракат тўғрисида қарор қабул қиладиган ва уни амалий-сиёсий ҳаракатга айлантирадиган раҳбарларнинг бўйнида бўлади. Тўнтаришни содир этувчи ижрочи кучлар тўнтарувни уюштирувчи раҳбарнинг асл лойиҳаси, хорижий садоқатлари ва сиёсий йўналишларини ич-ичидан маъқуллаши ёки тушуниши шарт ҳам эмас. Улардан фақат буйруқни бажариш ва қурол қўллаш талаб қилинади.

Бу гуруҳ шаклидаги ҳаракат асосан икки шаклда намоён бўлади:

Биринчиси: Соф шахсий манфаат ва тахт илинжида амалга ошириладиган тўнтаришдир. Бунда юқори ҳарбий унвонга эга бўлган шахс ўзига бўйсунувчи ёки ўзи ҳарбий жиҳатдан назорат қиладиган муайян ҳарбий қисмни — батальон, бригада, рота ёки бутун бир

армияни — шахсан бошқаради. Сўнг тўнтаришни амалга ошириб, ҳокимият тепасига унинг ўзи келади. Бунга Юқори Вольтадаги Томас Санкара ва Буркина-Фасодаги Иброҳим Траоре қилмишлари яққол мисол қилиб келтирилади. Ёки бир гуруҳ офицерлар тўнтаришга раҳбарлик қилиб, кейин ўзларидан бирини ҳокимиятга номзод қилиб кўрсатадилар. Мисрдаги «Эркин офицерлар» ҳаракати, аввал Муҳаммад Нажибнинг, кейин Жамол Абдунносирнинг ҳокимиятга келиши бунинг яққол исботидир.

Иккинчиси: Бошқа бир яширин ҳарбий ёки фуқаролик томони, ёхуд хорижий кучлар манфаати йўлида воситачилик (малайлик) орқали амалга ошириладиган тўнтаришдир. Бунда тўнтаришни аслида режалаштирган ва бошқараётган шахснинг ўзи олдинга чиқмайди, балки орқада туриб бирор ҳарбий раҳбардан ёки ҳарбий бўлинмадан — у тўнтарувчининг яширин тарафдори бўладими ёки тўнтаришга раҳбарлик қилаётган қўмондонга бўйсунадими, бундан қатъи назар — унинг номидан тўнтаришни амалга оширишни, ҳокимиятни унга топширишни ва уни ҳимоя қилишни талаб қилади. Ироқдаги Аҳмад Ҳасан ал-Бакр ва Суриядаги Атийсий тарихда бунга мисол қилиб келтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий тўнтариш ҳеч қачон халқ оммасининг ўз хоҳиши билан бошлаган ҳаракати ҳам, халқ иродасининг мужассам ифодаси ҳам эмас. Балки айрим бир кимсалар томонидан режалаштирилиб, бошқа муайян гуруҳ томонидан халқдан бутунлай узилган ҳолда амалга ошириладиган, ҳарбий куч воситасида юқоридан туриб жамиятга зўрлаб жорий қилинадиган сиёсий ҳаракатдир.

Мақсад шунчаки ҳокимиятни қўлга олиш эмас, балки Ислом ҳукмронлигини барпо этишдир

Гарчи кесар амалиёти ҳам ҳарбий тўнтариш каби муайян бир кучли гуруҳга таянса-да, яъни армиянинг бир қисмидаги бошқарув занжирининг муҳим бўғинларини назорат қилувчиларни ўз тарафига оғдириш орқали ҳарбий кучни ҳаракатга келтириш кифоя бўлса-да, бу

гуруҳий хусусият амалда тўнтаришдан ҳукман ҳам, воқелик жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилувчи соғлом шаклда намоён бўлади.

Ҳизб ут-Таҳрир моддий куч ишлатишни ёки қуролли тўқнашувларни ўз даъват тариқати сифатида асло қабул (табанний)қилмайди. У даъватни фақат ва фақат фикрий фаолият орқали, Умматни уйғотиш йўли билан олиб бориш билан чекланади. Қуролли ҳарбий ҳаракатга келсак, ҳукмдорларнинг мункар (бузуқ) ишларини бартараф этиш ёки ҳокимиятни қўлга олиш учун бўлса ҳам, уни ўз фаолиятида қўллашга ҳеч қачон таянмайди. Ҳизб фақат фикрий ва сиёсий кураш билан шуғулланади.

Шунга кўра, Ҳизб нусратни (моддий ёрдам ва қалқонни) ўзидан ўзи талаб қилмайди. Яъни у ўз ёшлари ва аъзолари орасидан қуролланган ҳарбий гуруҳ тузиб, шу гуруҳ ёрдамида нусрат қозонишни кўзламайди ва кесар амалиётини амалга ошириш вазифасини унга топширмайди. Аксинча, нусрат аҳлидан ўзига нусрат беришни ва ҳокимиятни унга топширишни қатъий талаб қилади. Бунда нусрат аҳли деганда жамиятдаги ҳақиқий куч-қудрат, таъсир ва имконият соҳиблари назарда тутилади.

Бу — Ислом тариқатига оид ўзгармас шаръий ҳукмдир ва биз унга хилоф иш қилмаймиз. Расулуллоҳ ﷺ даъватни фақат фикрий ва сиёсий фаолият билан чеклаганлар. Макка даврида бундай қилишга, яъни қурол кўтаришга қодир бўлсалар-да, у зотнинг ҳарбий-моддий ҳаракатларни амалга оширганлари ва қон тўкканлари асло собит бўлмаган. Бу қатъий қоида — нусрат талаб қилинадиган ва кесар амалиётини амалга ошириши керак бўлган соғлом томон ҳақида эди. Нусратнинг асл воқеси ва кесар амалиётининг амалга оширилишига келсак, у шунчаки бир шахс ёки бир гуруҳ одамдан қурол кўтариб, жанг қилиш, кейин эса ҳокимиятни даъво қилган кишига топширишни сўрашдан иборат эмас. Бу масала – қандайдир бир қуролли тўдадан фойдаланиш, ёлланма армияни ишга солиш ёки берилган буйруқларни тафаккур қилмасдан гўё кар-соқов бажарадиган ҳарбий бўлинмани

қуролли ҳаракатга жалб қилиб, кейин унинг тахтни топширишидан иборат эмас.

Аксинча, бу жараён — сиёсий лойиҳани (Ислом низомини) кўтариб чиққан сиёсий Ҳизбнинг ушбу лойиҳасини тўлиқ қабул қиладиган, уни ич-ичидан қўллаб-қувватлайдиган, сиёсий таъсир ва нусрат бериш қудратига эга бўлган кучли, нуфузли ва мустаҳкам томондан нусрат талаб қилишидир. Бу томон Ҳизбнинг сиёсий лойиҳаси йўлида фидокорлик қилишга руҳан тайёр бўлиши керак. Демак, сиёсий Ҳизб ўз тарафдорлари ва қўллаб-қувватловчиларига, яъни сиёсий вазни ва нусрат бериш имкониятига эга бўлган кишиларга мурожаат қилиб, Исломнинг ҳокимиятни қўлга олишига тўсқинлик қилаётган кофир ва хоин моддий ғовларни бартараф этиш учун ўз таъсири ва ҳарбий имкониятларидан фойдаланишни талаб қилади.

Шу боис, кўзланган бош мақсад шунчаки тахтни ва ҳокимиятни эгаллаш эмас, балки Исломга ва Ҳизбга нусрат берадиганлар воситасида Ислом ҳукмронлигини (Халифаликни) қайта барпо этишдир. Расулуллоҳ ﷺ Мадинаи Мунавварада айнан шу ишни қилганлар. У зот ўзларини Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбар сифатида таништириб, Исломни ақида, мафкура ва мукаммал сиёсий лойиҳа сифатида араб қабилаларига изчил таклиф қилардилар. Агар улар у зотни ростгўй деб билиб, иймон келтирсалар, улардан нусрат (ҳарбий ҳимоя) талаб қилардилар. Расулуллоҳ ﷺга иқтидо(тўғри эргашиш) эса айнан шу ишни у зот бажарган тарзда, у зотнинг амалий методларига заррача хилоф қилмай эргашишни тақозо этади.

Тўртинчи омил: махфий ҳаракат

Ҳарбий тўнтаришнинг тўртинчи ўқ илдизи — унинг мутлақ махфийлигидир. Қарор ва асл мақсад фақатгина муайян бир фитначи гуруҳга хос бўлгани, ҳеч қандай конституциявий ва қонуний асосга эга эмаслиги, халқ ҳамда ҳарбий муассаса устига ташқаридан, куч билан жорий этилиши сабабли, тўнтариш юқори даражадаги махфийлик ва сир сақлашни талаб қилади. Бу қўрқув ва махфийлик умумий режаларга ҳам, энг майда қисмлар ва тафсилотларга ҳам

тааллуқли бўлади. Бу тизимга қатъий интизом, қўрқув аралаш эҳтиёткорлик, шубҳа-гумон ва ҳатто ҳаракатни майдонда амалга оширадиган оддий аскарлардан ҳам асл сирни охиригача яшириш киради.

Бундай мутлақ яширинликнинг бир нечта сиёсий сабаблари бор:

Биринчидан: Тўнтарувчиларнинг мақсадларини қўллаб-қувватламаслиги аниқ бўлган ижрочи гуруҳни ва армиянинг асосий катта қисмини вақтинча бетараф сақлаш ҳамда уларнинг ҳарбий буйруқларга кўр-кўрона бўйсунишини таъминлаш.

Иккинчидан: Ҳаракат амалда бошланишидан олдин тўнтарувчи хоинларнинг лавозимдан четлатилишининг олдини олиш. Акс ҳолда, улар ҳарбий муассаса раҳбариятидаги мавқеларини ва шу орқали ҳарбий кучларни бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятини бир лаҳзада йўқотадилар.

Учинчидан: Маълумотнинг амалдаги ҳокимиятга ёки мамлакатни дефакто(амалда) назорат қилаётган хорижий мустамлакачи томонга муддатидан олдин етиб боришининг олдини олиш. Акс ҳолда, улар ҳаракатдан олдин чора кўриб, фитнани бешигидаёқ барбод қилишлари мумкин.

Тўртинчидан: Халқни кутилмаганда янги воқеликка рўбарў қилиш ва уни чорасиз тайёр воқелик олдида қолдириш. Натижада чорасиз халқ бирор муносабат билдиришга ёки қаршилик кўрсатишга қодир бўлмай, ноиложликдан мавжуд вазиятга рози бўлиб, бўйсунишга мажбур бўлади.

Алдаш, макр, найранг, сиёсий иккиюзламачилик ва мутлақ махфийлик ҳарбий тўнтаришларнинг энг асосий хусусиятларидандир. Тўнтарувчилар ўз мақсадларини ошкор қилмасликдан манфаатдордирлар. Айниқса, халқаро таъсир, Ғарб манфаатлари ва бойликлар учун кураш кетаётган шароитда бу яширинлик муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун қуролли кучлар мақсади мутлақо

номаълум бўлган ёки сохта, алдамчи мақсадлар билан ниқобланган буйруқлар асосида ҳаракатга келтирилади. Бу эса ҳарбий раҳбариятга ҳаракатни тез ва самарали амалга ошириш имконини беради.

Агар тўнтариш муваффақиятли амалга ошиб қолса, унинг ташкилотчилари дарҳол махфийлик пардасини кўтаришга, турли хавфли миш-мишларга барҳам беришга ва воқеалар юзасидан ўз қарашларини халққа тиқиштиришга киришадилар. Бунинг учун тўнтариш баёноти ва ундан кейинги сиёсий буйруқлар маҳаллий ҳамда халқаро оммавий ахборот воситаларида, расмий газеталарда шошилинч эълон қилинади. Шу тариқа улар тўнтаришдан кейин ўзларига мос сохта жамоатчилик фикрини шакллантиришга ва янги тузумга тахминий конституциявий-қонуний легитимлик беришга уринадилар.

Сиёсий жараён — ҳарбий йўл билан ағдариш эмас

Кесар амалиёти ҳам ҳарбий тўнтариш каби муайян бир гуруҳ томонидан ва махфий тарзда амалга оширилса-да, унинг асоси тўнтаришдан тубдан ва моҳиятан фарқ қилади. У ҳарбий тўнтариш билан инсон зоти ва инсон жамиятлари мавжуд экан, ўзгармайдиган умумий ижтимоий қонуниятдагина бирлашади. Бу қонуният — жамиятда ҳукмронликни барпо этиш ёки мавжуд ботил тузумни ағдариш учун албатта моддий кучга таяниш заруратидир. Бироқ кесар амалиёти мазкур қонуниятнинг ички тафсилотлари, амалга ошиш шарт-шароитлари ва усулларида ҳарбий тўнтаришдан бутунлай фарқ қилади. Кесар амалиёти ҳам маълум маънода махфийдир, аммо унинг махфийлиги конституциявий ва қонуний легитимлик йўқлигидан ёки халқдан қўрқувдан келиб чиқмайди. Балки у фақатгина муваффақиятга эришиш, ҳаракатнинг душман томонидан барбод қилиниши ва бошланмасиданоқ йўқ қилиниши эҳтимолини бартараф этиш мақсадида, соф ҳарбий тактика сифатида сир сақланади.

Бу ҳолат Пайғамбаримиз ﷺнинг: **«Ҳожатларингизни адо этишда сир сақлашдан фойдаланинглар»**, деган тавсияларига тўлиқ мувофиқдир.

Шунинг учун кесар амалиётини амалга оширишда ижрочи шахслар, жой, сана, вақт ва техник усул каби ҳарбий тафсилотлар қаттиқ сир сақланади. Аммо унинг дастлабки белгилари ва муқаддималари халқ ичида мутлақо ошкорадир. Бу иш — мустамлакачи элчихоналарнинг қоронғу ертўлаларида ва разведка-махфий хизмат хоналарида тунда режалаштириладиган хоинлик операцияси эмас. Чунки унинг фикрий ва сиёсий лойиҳаси атрофида Умматда соғлом умумий онгдан келиб чиққан кучли жамоатчилик фикри аллақачон шаклланиб бўлган, халқ орасида мустаҳкам ижтимоий таянч пайдо бўлган бўлади.

Жамиятда ҳамма Ҳизбнинг ҳокимиятни қўлга олиш усули сифатида айнан нусрат (ҳарбий мадад) талаб қилаётганини жуда яхши билади. Ҳатто ҳарбий муассасанинг (армиянинг) ўзи ҳам, унинг эшигини қоқиб, Ислом Умматининг келажаги учун қўллаб-қувватлашини сўраётган содиқ сиёсий томон борлигини ва бу томоннинг Ислом лойиҳасини теран англайди. Амалиётни бажарувчи аскар ва офицерлар ҳам ўзлари киришаётган бу ишни фарзларнинг тожи ва энг қатъий вожиблардан бири эканлигини теран англаган ва унга ўз иймонлари билан рози бўлган бўлишлари шарт.

Хулоса шуки, кесар амалиёти — Уммат ичида йиллар давомида олиб борилган сиёсий кураш ва фикрий-сиёсий фаолият жараёнини ҳарбий восита орқали якунлайдиган соф сиёсий ҳаракатдир. У халқ устига ҳарбий куч билан ташқаридан ва мажбуран жорий этиладиган тўнтариш эмас. Ҳарбий тўнтариш эса разведка ва яширин хизматларга хос бўлган, мустамлакачилик тусидаги, конституцияга зид жиноий ҳаракат сифатида, бу ишни ижро этувчи хоин кучлардан ташқари, ҳатто Умматдан ҳам мутлақ сир сақлашни талаб қилади. Бу эса унинг дастлабки белгилари ва муқаддималарига ҳам, амалга оширилиш тафсилотларига ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳаракат алдаш, макр, найранг, яширин тил бириктириш ва Умматга хиёнат қилишни тақозо этади.

Бешинчи омил: талаблар билан чекланган ҳаракат

Ҳарбий тўнтаришнинг бешинчи омили — унинг фақат муайян жузъий талабларга қаратилган ҳаракат эканидир. Яъни, унга ундаган омил ва бош мақсади ўта чекланган бўлиб, ҳокимиятдаги бир гуруҳ ҳукмдорларни бошқа бир гуруҳга алмаштиришдан нарига ўтмайди. Бу алмаштириш одатда мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий соҳалардаги айрим муваффақиятсизликлар ва инқирозлар сабабли юз бериши мумкин.

Тўнтарувчилар халқни уйғотадиган янги умумий фикр асосида давлатнинг ақидасини ўзгартириш ва ундаги бошқарув тизимини тубдан қайта қуришга қаратилган мафкуравий лойиҳа соҳиблари бўлмайдилар. Яъни улар ҳокимиятни ўзлари қабул қилган олий ғояларни жамиятда устувор қилиш тариқати сифатида қўлга олишни кўзламайдилар. Агар улар ўз режаларида муваффақиятга эришган тақдирда ҳам, энг кўпи билан айрим юзаки ва қисман маъмурий ўзгаришларни амалга оширишлари мумкин, холос. Масалан, мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этиш, конституцияни ўзгартириш ёки унга киритилган муайян бир бандни бекор қилиш билан чекланадилар.

Саҳрои Кабир жанубидаги Ғарбий Африка каби тўнтаришлар сурункали учрайдиган ҳудудларда кузатилган тажрибаларни чуқур ўргансак, уларнинг барчаси бир хил юзаки омиллар билан боғлиқ эканини қийинчиликсиз кўрамиз. Булар — инсон ҳуқуқлари кўрсаткичларининг ўта пастлиги, тизимли қашшоқлик, ишсизлик, оғир ижтимоий шароитлар, демографик босимлар, сиёсий муваффақиятсизликлар, иқтисодий турғунлик, давлат бойликларини ҳукмрон элитанинг монополия қилиб олиши, тизимли коррупция ва таниш-билишчилик, ижтимоий адолатнинг йўқлиги, бошқарувда шаффофликнинг мавжуд эмаслиги, масъулларнинг салоҳияти пастлиги, уюшган жиноятчилик, терроризм ва ҳокимиятнинг тинч йўл билан алмашинишига тўсқинлик қилиниши кабилардир.

Бу жузъий ва муайян талабларга қаратилган ички омиллар, аслида қитъанинг улкан бойликлари ва стратегик имкониятларини эгаллаш учун йирик мустамлакачи кучлар — Америка, Франция, Британия,

Россия ва Хитой ўртасида кечаётган кескин геёсиёсий рақобатни яшириш учун шунчаки бир баҳона ва сиёсий ниқоб бўлса-да, улар ўша минтақадаги ҳақиқий ҳаётий муаммолардир. Африка халқлари бу тизимли муаммолардан йиллар давомида азият чекмоқда ва уларни зудлик билан ҳал этиш талаб қилинади. Мана шу омиллар ҳарбий тўнтаришларни оқлаш ва халқни алдаш учун ишлатилади.

Ҳарбий тўнтаришларнинг мабдалар, ақида(эътиқод)лар ва куллий фикрлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Инқилоблар эса бундан фарқли ўлароқ: уларнинг талаблари мабдаий-куллий(кенг қамровли) бўлиб, бутун ҳаёт тизимини нишонга олади. Зеро, инқилоб — ҳаётдаги ялпи эврилиш ва туб ўзгаришдир; унинг талаблари жузъий (майда) тафсилотлардан ўтиб, ўша бузуқ жузъиётлар келиб чиққан фикрий асосларга бориб тақалади (масалан: Франция инқилоби, Болшевиклар инқилоби ва Хитой маданий инқилоби). Агар инқилоб сиёсий сабабларга ва ижтимоий қонуниятларга таянса, муваффақият қозониши муқаррардир. Бироқ, унинг сиёсий ва халқчил йўлига якун ясовчи ҳарбий ҳаракат муваффақиятсизликка учраса, бу — унинг мақсади ноаниқ, ҳақиқий халқ таянчидан маҳрум ва талаблари етарли даражада жамоатчилик фикрига эга бўлмаган оддий халқ қўзғолони эканлигидан далолатдир.

Халқ қўзғолонлари халқ ҳаракати бўлиб, амалда очиқ, муайян мақсадни кўзласа-да, уларнинг ҳаракати пишиб етилмаган, пухта ўйланмаган ва аниқ шаклга келтирилмаган бўлади. Улар орасида шахсий манфаатлар ва гуруҳий тамаълар ҳам учрайди. Шунинг учун бундай ҳаракатлар бузуқ воқеликка нисбатан ғаризий реакция шаклидаги тартибсиз, тасодифий ҳаракат бўлиб қолди. Натижада уларнинг оқибати аянчли мағлубият билан тугайди.

Давлат ақидаси(мафкураси)ни тубдан ўзгартириш

Бунга бутунлай қарама-қарши ўлароқ, кесар амалиёти – мақсади жузъий ва фақат юзаки талаблар билан чекланган ҳаракат эмас. У, шунингдек, ўзаро рақобатлашаётган буюк кучларнинг кўрсатмаси

билан мустамлакачиликка садоқатларни ва ҳукмдорлар таркибини шунчаки алмаштиришдан иборат эмас. Бунда халқнинг ҳукмдорлар бошқарувидан норозилигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳам кўзланмайди. Аксинча, кесар амалиёти — мутлақо янги сиёсий лойиҳани (Ислом низомини) ҳокимиятга олиб келишнинг шаръий усулидир.

Ҳизб ут-Таҳрирнинг олий масаласи — мусулмонлар ҳаётида Ислом ақидасини қайта жонлантиришдан иборатдир. Унинг мақсади – Уммат тўлиқ қабул қилган Ислом мафкураси асосида соғлом бошқарувни (Халифаликни) барпо этишдир. Шу тариқа, унинг лойиҳаси ялпи ақидавий мафкурага таянади ва инсон ҳаётининг барча тизимларини қамраб олишни кўзлайди. У давлатнинг асл ақидасини ўзгартиришни ҳамда халқни уйғотадиган умумий ғоя асосида давлат бошқарувини қайта қуришни мақсад қилади.

Демак, кесар амалиёти — ҳаётни диндан ажратишга асосланган капиталистик ва куфр ақидасини ағдариб ташлашга, ҳукмронлик, халқаро муносабатлар ва ҳаётнинг барча соҳасида Ислом ақидасини устувор қилишга олиб боради. Яъни у, куфр ва капиталистик демократия вайроналари устида Аллоҳнинг Шариатини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишни англатади.

Бу буюк иш — жузъий, маъмурий ўзгаришлар билан чекланмайдиган, балки жамиятдаги барча бузуқликларни келтириб чиқарган ботил ақидавий пойдеворни ўзгартиришга қаратилган туб бурилишдир. Табиийки, бундай туб ўзгариш ушбу куфр асосларини кўтариб юрувчи ва уларни ҳаётга татбиқ этувчи сохта кишиларни ҳам — ҳукмдорлар бўладими ёки сотилган фикрий элитами — жамиятдан бутунлай четлатишни қамраб олади.

Кесар амалиёти дунёвий маънодаги инқилоблар билан фақатгина бир нуқтада — давлатнинг хусусияти ва мафкурасини кенг халқ ҳаракати ҳамда ҳарбий восита орқали ўзгартиришда бирлашса-да, у бошқа барча инқилоблардан фарқ қилувчи ўзига хос муқаддас

инқилоб бўлиб қолади. Шунинг учун уни ўзининг асл ақидавий хусусияти билан ажратиб, **«Исломий инқилоб»** деб аташ лозимдир.

Унинг ўзига хослиги ва туб фарқли жиҳати — жамиятда унга нисбатан умумий онгнинг (умумий тушунчанинг) мавжудлигидадир. Тарих йўналишини ўзгартирган Француз инқилоби ва большевиклар инқилоби каби буюк инқилоблар туб, умумий ва очиқ бўлганига ҳамда қисман талаблар билан чекланмаганига қарамай, аслида сохта жамоатчилик фикрига таянган ва халқнинг ёмон воқеликдан ғазабланганидан усталик билан фойдаланган. Улар фақат тор элитага хос бўлган онгни халқнинг елкасига юклаб ҳокимият тепасига олиб чиққанлар. Бундай инқилобларда кенг халқ оммаси ичида умумий онг аввалдан мавжуд бўлмайди, балки инқилобий тузум ҳокимиятни назорат қилиш кучига эришгандан кейингина халқнинг бошига уриб шакллантирилади. Демак, бу халқнинг асл талаби ёки халқ ҳукмронлигининг ифодаси эмас, балки янги золим тузум томонидан кейинчалик сунъий яратиладиган онгдир.

Олтинчи омил: тўсатдан ва дарҳол амалга ошириладиган ҳаракат

Ҳарбий тўнтаришнинг олтинчи омили — унинг тўсатдан ва ҳеч қандай ижтимоий тайёргарликсиз, фавқулотда амалга оширилишидир. Яъни у мустақил тўсатдан юз берувчи ҳодиса бўлиб, олдинги фикрий муқаддималар ва ижтимоий шарт-шароитларсиз, фақат тўнтариш ҳодисасининг ўзи билан чекланади.

Амалга ошириш жараёнида мутлақ махфийликни сақлаш ва ҳақиқий мақсадни яшириш талаби, тўнтаришнинг албатта тўсатдан юз беришини тақозо этади. Унинг халқ ичида олдиндан маълум бўлган очиқ белгилари, сиёсий ёки очиқ ҳарбий фаолияти асло кузатилмайди. Тўнтариш — аввалдан кўзга ташланиб турган сиёсий ёки ҳарбий жараённинг табиий якуни эмас, балки шундай жараённинг натижаларини хоинларча жамлаб, унинг тайёр самарасини юқоридан туриб тортиб олишдир.

Бошқача айтганда, тўнтариш сиёсий ва халқ ҳаракати даражасида олдиндан босиб ўтилган босқичлар ва даврларнинг якуний қисми эмас. Ҳарбий тўнтаришнинг ягона мақсади — фақат ва фақат ҳокимиятни куч билан эгаллашдир. У ҳокимиятни давлат қуриш ишларининг ажралмас бир қисми сифатида кўрмайди. Чунки у муайян умумий ғоя асосида янги бошқарувни барпо этишни мақсад қилмайди. Ваҳоланки, соғлом сиёсий тизимни барпо этиш — ҳокимиятни қўлга олишдан олдин халқ ичида узоқ муддатли сиёсий кураш олиб боришни, фикрий фаолият юритишни, ғояни одамларга тўғри тушунтиришни, унга нисбатан жамият аҳли томонидан ижобий муносабат уйғотишни, унинг атрофида соғлом жамоатчилик фикрини ва умумий онгни шакллантиришни ҳамда мустаҳкам халқ таянчини барпо этиш каби улкан ишларни қатъий эҳтиёж сифатида тақозо этади.

Тўнтарувчилар ҳокимиятни табиий равишда унинг асл манбаи бўлган томондан — халқдан ёки халқ ичидаги энг кучли гуруҳдан ўз эрки билан олмаганлари сабабли, улар ҳокимиятни сақлаб қолиш учун қуйидаги алдамчи ишларга алоҳида эътибор берадилар:

Биринчидан: Фитнанинг дастлабки кунларида бирор бир жиддий сиёсий ёки ижтимоий томонни очиқ нишонга олмасликка қаттиқ ҳаракат қиладилар. Ҳаммага сохта умид бағишлайдиган, умумий ва мавҳум сиёсий баёнотлар бериш орқали барчани вақтинча рози қилишга ва ҳеч кимнинг ғазабини қўзғатмасликка уринадилар. Айниқса, ўзлари учун эҳтимолий хавф туғдириши мумкин бўлган томонларга — армиянинг бошқа қисмлари, сиёсий ҳизблар, касаба уюшмалари, журналистлар, йирик тадбиркорлар ва диний уламоларга нисбатан ўта эҳтиёткор ва муросасоз бўладилар.

Иккинчидан: Эски тузум вакилларидан айримларини саралаб олиб, уларни лавозимдан четлатиш ёки вақтинча улар билан яширин иттифоқ тузишга ҳаракат қиладилар. Бу кутилмаган ўзгаришнинг уларга ва уларнинг тарафдорларига бўлган салбий таъсирини юмшатиш учун қилинади. Шу йўл билан, эски тузумнинг энг яқин

кишилари ҳам ундан воз кечган бир пайтда, уни ҳимоя қилишнинг ортиқ ҳеч қандай фойдаси йўқлиги ҳақида жамиятга кучли сиёсий ишора берилади.

Учинчидан: Эски тузумдан илгари ҳеч қандай манфаат кўрмаган, билимли ўрта табақа вакилларининг қўллаб-қувватлашига эришишга интиладилар. Чунки уларнинг билими янги ҳукуматга фаол ёрдам бериш имконини оширади, аввалги тузумдан манфаат кўрмагани эса уларда янги тўнтарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун маълум бир руҳий рағбат пайдо қилади.

Тўнтариш мустақил ҳодиса бўлиб, унинг бутун мазмуни ва тақдири айни ўша лаҳзага жамлангани учун, у тезкорлик билан амалга оширилиши ва дастлабки ҳарбий зарбага жамланиши шарт. Унинг муваффақияти ҳам, аянчли мағлубияти ҳам шу биринчи ҳарбий зарбанинг натижасига тўлиқ боғлиқ бўлади. Биринчи зарбанинг муваффақиятсизликка учраши — ҳаракатнинг ҳам бутунлай вайрон бўлганини кўрсатади. Бу эса мамлакатни назоратсиз халқ қўзғолони, қонли фуқаролар уруши ёки катта ҳарбий исёнлар гирдобига гирифтор қилиб қўяди.

Ҳарбий куч ишлатиш — тўнтариш ҳодисасининг ўзгармас ва ягона усулидир. Шунинг учун ҳарбий ҳаракат бўлмаса ёки ундан воз кечилса, ҳодисанинг асоси ва воқелиги тубдан ўзгаради. Бунда давлат аппарати ичида фақат сиёсий фитналар воситасида амалга ошириладиган «қонсиз тўнтариш» юзага келади.

Кесар амалиёти — ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаётда қўлланиши мумкин бўлган бир усулдир. Гоҳида Давлат бошқа бир йўл билан ҳам вужудга келиши мумкин, албатта, бу жамиятдаги таянч нуқтанинг (ижтимоий муҳитнинг) воқелиги тақозосига боғлиқ бўлади.

Давлат қуриш — ҳокимиятни шунчаки топшириш эмас

Кесар амалиёти — ҳарбий тўнтаришларга ўхшаб тўсатдан содир этиладиган, фақатгина ҳарбий зарбанинг ўзи билан чекланиб

қоладиган юзаки ҳодиса эмас. Балки у халқ ичида олдиндан кўриниб турган ошкора белгилари, шарт-шароитлари ва кейинги улуғвор оқибатларига эга бўлган, очиқ сиёсий жараённи муваффақият билан якунлайдиган ва унинг пишган мевасини оладиган, ҳарбий воситали олий сиёсий ҳаракатдир.

Бу узоқ муддатли жараён — Уммат бағрида Ислом ақидасини қайта жонлантириш, одамларнинг фикрлари, тушунчалари ва эътиқодларини тузатиш ҳамда уларни капиталистик демократиянинг нуқсонларидан ва Ғарбнинг ҳаётга бўлган бузуқ нуқтаи назаридан бутунлай поклаш учун олиб борилган фикрий ишлар босқичларини ўз ичига қамраб олади.

Мабдаий-сиёсий Ҳизбнинг ҳокимиятни қўлга олиши ҳокимиятни шунчаки куч билан эгаллашдан тубдан фарқ қилади. Бу жараён, аввало, ҳарбий(моддий) куч майдонга чиқишидан анча олдин халқ ичида мустаҳкам халқ таянчини вужудга келтиришни тақозо этади. Мусулмон Умматининг Ҳизб лойиҳасини ич-ичидан қабул қилиши ва теран умумий онгдан келиб чиққан соғлом жамоатчилик фикрининг шаклланиши — мақсадга эришишдаги асосий шарт ва энг муҳим омил ҳисобланади.

Бизнинг олий вазифамиз шунчаки ҳокимият курсисини эгаллаш эмас, балки келгусида фуқаролари содиқ мусулмонлар бўладиган давлатни, уларнинг ақидасида ҳаётни қайта жонлантириш орқали барпо этишдир. Бу фикрий уйғониш жамиятда тўлиқ амалга ошиб, Уммат билан Ҳизб ўртасида ўзаро кучли таъсир ва ҳамжиҳатлик юзага келганидан кейин, ҳокимиятни қўлга олиш табиий равишда, ўз-ўзидан содир бўлади.

Бу соғлом йўналиш, биринчи навбатда, кўзланган давлатнинг ўз воқелиги билан тўлиқ тасдиқланади. Чунки бундай давлат — Ҳизб қабул қилган Ислом ғоясига асосланади ва фақат шу ғоядан келиб чиққан тушунчалар, мезонлар ва эътиқодларни ҳаётда амалга оширувчи ижро аппарати (давлат машинаси) бўлади. Бу муаззам тузилмани мустаҳкам ва тўғри барпо этиш учун Умматни Ҳизб ғояси

атрофида жипслаштириш, унинг атрофида теран умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикрини қарор топтириш ҳамда шу ғояни ва уни кўтариб чиқувчиларни ҳар қандай вазиятда ҳимоя қиладиган халқ таянчини вужудга келтириш шартдир.

Давлат — бу Умматнинг нақд ўзидир. Агар давлатнинг ғояси Умматнинг қалби ва онгида қарор топса, давлатнинг ўзи ҳам амалда шаклланиб бўлган ҳисобланади. Ҳокимиятни эгаллаш эса уни расман барпо этиш ишларидан бири, холос. Кесар амалиёти — давлатни ичдан барпо этиш услуби эмас, балки унинг дунёга келишини (туғилишини) таъминловчи сўнги ҳарбий-сиёсий услубдир.

Иккинчидан, бу соғлом йўналиш кўзланган уйғонишнинг асл воқелиги билан ҳам тўлиқ тасдиқланади. Жамиятни уйғотиш бу — ҳарбий тўнтариш орқали ҳокимиятни куч билан эгаллаб, кейин уни исломий фикрат асосида барпо этиш дегани эмас. Бундай ёндошув жамиятда ҳақиқий уйғонишни вужудга келтирмайди. Балки бу жараён — Умматга Ислом мафкурасини тушунтириш, уни шу ғоя билан ҳаёт майдонида биргаликда ҳаракат қилишга бирлаштириш ва шундан кейингина ҳокимиятни қўлга олиб, бошқарувни шу ғоя асосида мустаҳкам барпо этишдир. Ҳокимият фақат фикрат(мафкура)га асосланган тақдирдагина уйғонишнинг тариқати(барқарор йўли) бўла олади.

Учинчидан, бу тўғри йўналиш ҳокимиятнинг ўз асл воқелиги билан ҳам тўлиқ тасдиқланади. Ҳокимиятни куч билан, халқдан узилган ҳолда эгаллаш ва уни Уммат устига зўрлаб жорий қилиш, ҳатто Шариат ҳукмлари татбиқ этилган тақдирда ҳам, ҳақиқий исломий ҳокимиятни қарор топтира олмайди ҳамда унга барқарорлик ва мустаҳкамлик омилларини асло бермайди. Бундай сунъий ҳокимият кўп ўтмай ички фитналар билан ағдарилиши ёки халқнинг норозилиги ва ташқи душманларнинг кучли босими остида ўзининг исломий хусусиятини тез фурсатда йўқотиши мумкин.

Ҳокимиятнинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминлайдиган ягона ҳақиқий кафолат — Умматни ғоя атрофида жипслаштириш жараёни ва мустаҳкам халқ таянчидир. Чунки мана шу икки омил — соғлом жамоатчилик фикри ва теран умумий онг суянадиган мустаҳкам асос бўлиш билан бир вақтда, давлатни ва Умматни ташқи хавфлардан ишончли ҳимоя қилади, Исломни муҳофаза қилади, унинг олий фикрларини жамият ҳаётида мустаҳкамлайди ва илоҳий ҳукмларнинг тўғри татбиқ этилишини таъминлайди.

Айни шу тариқа барпо этилган Халифалик давлати — Уммат салтанатининг ҳақиқий ифодасига ва унинг Ислом билан шарафли яшаш истагининг самимий рўёбига айланади. У ички ва ташқи сиёсий майдонларда ўта мустаҳкам ва хотиржам ҳолда дунёга келади. Унинг ҳайбатли илоҳий кучи, узоқларга тараладиган сиёсий нуфузи ва Умматнинг ўз давлати атрофида жипслашиши — иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни, мустаҳкамликни ва юксак ривожланишни тўлиқ таъминлайди. Бу юксак қалқон, айниқса Давлат янги барпо этилган дастлабки пайтдаги ички хавфли зарбалар ва мустамлакачи куфр оламининг унга қарши уюшиб ҳужум қилиши шароитида ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, кесар амалиётининг ҳокимиятни қўлга олишда маълум бир сабаблар туфайли вақтинча муваффақиятсиз бўлиши — бу ҳолатнинг эҳтимоли жуда кам бўлишидан ташқари — ҳарбий тўнтаришдаги каби даъват ҳаракатининг бутунлай барбод бўлганини ва мағлубиятини англатмайди. Сиёсат ва уруш майдонидаги битта жангда вақтинча мағлуб бўлиш — бутун урушда мағлуб бўлиш дегани эмас. Шунингдек, бу ҳолат ҳарбий ҳаракатнинг соғлом асосини ўзгартириб, уни пишиб етилмаган оддий халқ қўзғолонларига ўхшаш тартибсиз исёнга айлантириб қўймайди. Чунки умумий онгдан келиб чиққан соғлом жамоатчилик фикри ва мустаҳкам халқ таянчи, давлат барпо этилгунига қадар даъват ҳаракатининг оловини сўндирмай, ич-ичидан баланд сақлаб туради.

Хулоса ўрнида

Ушбу чуқур қиёсий тадқиқот ва сиёсий таҳлилдан сўнг, ишонч билан шундай хулосага келамизки, ҳарбий тўнтариш ва кесар амалиёти — ўз асл асоси, муҳим таркибий омиллари, сиёсий маъноси ва ижтимоий қонуниятлари жиҳатидан бир-биридан бутунлай фарқ қилувчи, икки зид сиёсий атамадир. Бу улкан фарқ, уларнинг ҳар бирига нисбатан жамиятда шаклланадиган шаръий ва маънавий муносабатга ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Гарчи сиёсий ҳаракат ёки уни якунига етказиш учун охирги босқичда қўлланадиган ҳарбий куч омили тўнтариш ҳодисаси билан кесар амалиётининг юзаки умумий жиҳати бўлиб кўринса-да, бу ўхшашлик уларнинг иккаласи ҳам ҳарбий тўнтаришлар доирасига киради деган хулосани асло англатмайди. Ҳар бири сиёсий, ҳарбий ва ижтимоий соҳа олимлари, шунингдек, шаръий илм ва фиқҳ мутахассислари томонидан алоҳида маъноларда қўлланиладиган мустақил ва айро сиёсий атамалардир. Гарчи уларнинг айрим ташқи жиҳатлари ва техник тафсилотлари ўзаро ўхшаш бўлса-да, ички моҳияти жиҳатидан бир-бирига батамом зиддир.

Ҳарбий тўнтариш — жамиятда ҳамиша тартибсизлик, ваҳшийлик, вайронкорлик, конституцияни бузиш ва қонунни четлаб ўтиш каби жирканч оқибатлар билан боғлиқ бўлган ўта салбий маънога эга бўлган атама бўлиб, у ўзидан кейин фақат зўравон диктатура ва ноқонунийлик тамғасини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ҳарбий тўнтаришнинг юқорида баён қилинган барча омиллари, унинг кесар амалиётига тубдан зид эканини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Шунинг учун, ҳарбий тўнтариш Исломда ҳокимиятни қўлга олиш усулларидан бири эмас, деган узил-кесил шаръий хулосага келамиз.

Ҳарбий тўнтаришнинг маноти(жорий этиладиган ўрни)— кесар амалиётининг манотидан бутунлай фарқ қилади. Ислом фиқҳига кўра, шаръий ҳукмни (кесар амалиёти ҳукмини) унинг воқелигига зид бўлган бошқа бир бузуқ воқеликка (ҳарбий тўнтаришга) татбиқ этиш

мутлақо жоиз эмас. Ҳарбий тўнтариш орқали ҳокимиятни қўлга олиш — Уммат ичида олиб борилиши шарт бўлган фикрий ва сиёсий кураш ўзининг табиий якунига етмасдан, пишиб етилмасдан туриб, ҳокимият курсисини қурол кучи билан эгаллаш демакдир. Яъни, жамиятда теран умумий онгдан келиб чиққан соғлом жамоатчилик фикри шаклланмасдан, мустаҳкам халқ таянчи вужудга келмасдан ва Умматни Ислом ғояси атрофида жипслаштириш жараёни тўлиқ амалга ошмасдан туриб, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашдир.

Бу нотўғри йўл — Исломнинг даъват тариқатига (методига) тубдан зид бўлиш билан бир вақтда, амалий ва сиёсий жиҳатдан ҳам ўта самарасиз ва ҳалокатлидир. Тиббиётда ҳомиладор аёлга кесар кесиш амалиёти фақат ва фақат бачадондаги ҳомила тўлиқ ривожланиб бўлганидан кейин, ҳомиладорликнинг табиий муддати тугаб, туғруқ белгилари яққол пайдо бўлгандагина ҳамда боланинг табиий йўл билан туғилишига тўсқинлик қилувчи, она ва боланинг ҳаётига жиддий хавф солувчи муайян жисмоний тўсиқлар аниқлангандагина жарроҳлик усули сифатида қўлланилади.

Ҳокимиятни қўлга олишдаги сиёсий кесар амалиёти ҳам худди шу табиий қонуниятга ўхшайди. У фақат ва фақат даъватни содиқлик билан кўтариб чиқувчилар (Исломий сиёсий Ҳизб) билан жамият ўртасида тўлиқ ўзаро ижобий таъсир ва ажралмас ҳамжиҳатлик вужудга келганда, янги давлат Умматнинг бағрида фикрий жиҳатдан шаклланиб бўлганда ва уни барпо этишни якунлаш учун фақатгина расмий ҳокимиятни қўлга олиш босқичи қолгани аниқ бўлгандагина қонуний қўлланилади. Шунингдек, ножинс-нотабиий ташқи кучлар дахл қилиб, хоин ҳукмдорлар орқали бу Исломий Давлатнинг табиий дунёга келишига тўсқинлик қилган, ҳарбий ғовлар билан вазиятни қийинлаштирган тақдирда ушбу ҳарбий ғовни парчалаш учун кесар амалиёти ишга солинади.

Бу якуний хулоса — исломий даъватни ҳаётда олиб бориш билан амалда чамбарчас боғланган, босқичма-босқич юксалиб борувчи теран мабдаий, фикрий жараённинг соғлом самарасидир. У назарий ва

фикрий жиҳатдан Расулуллоҳ ﷺнинг муборак сийратларидан тўлиқ андоза олган. Ҳизб ўз фаолиятида ҳокимиятни шунчаки қўлга олиш услуби билан давлатни барпо этишнинг тариқати ўртасида улкан фарқ борлигини доимо таъкидлаб келган. Ўзининг 1968 йилда чоп этилган **«Бизнинг масаламиз ҳокимиятни қабул қилиб олиш эмас»** номли расмий нашрида, Ислом ғояси асосидаги бошқарувни барпо этиш — ҳеч қачон оддий ҳарбий тўнтариш қилиш дегани эмаслигини дунёга очиқ-ойдин баён қилган. Кейинчалик, 1970 йилда чиқарилган **«Табанний қилинган (қабул қилинган) тушунчалар»** номли бошқа бир нашрида эса, ҳарбий тўнтаришлар йўли орқали ҳокимиятни қўлга олишни умуман истамаслигини ва буни ботил деб билишини яна бир бор узил-кесил эълон қилган. Мана шу расмий сиёсий ва шаръий позиция — ҳарбий тўнтаришларни ҳокимиятни қўлга олишнинг шаръий услублари рўйхатидан, бинобарин, кесар амалиёти доирасидан ҳам қатъий равишда чиқариб ташлайди. **Тамом.**

СЎНГИ СЎЗ:

ХИТОЙДА МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ ТОТАЛ НАЗОРАТ ТАЗЙИҚ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Хитой ҳукумати мусулмонларга нисбатан юритаётган золимона сиёсатнинг сир-асрорларини яқин-яқингача ўша тизимнинг содиқ ижрочиси бўлган, бугун эса муҳожирликда Пекинга қарши мухолиф овозга айланган Ма Жуэлин фош қилди. У коммунистик режимнинг мусулмон озчиликлар устидан назорат ва зулм тизимини қандай мустаҳкамлаганига доир энг яширин ва аниқ тафсилотларни ошкор қилди. Дунёга машҳур «Нью-Йорк Таймс» газетасига берган бир қатор шов-шувли интервьюларида Хитой Коммунистик партиясининг ушбу собиқ масъули, Хитойнинг мудҳиш сиёсати ижросини таъминловчи совуққон «кадр»дан мотоцикл шлеми ортига яшириниб, илоҳий маросимларини адо этадиган қўрқув ичидаги мўминга айланишдек аянчли жараёнини бор бўйича баён қилди.

Ма Жуэлиннинг таъкидлашича, у узоқ йиллик сукутдан сўнг ниҳоят очиқ гапиришга қарор қилган, чунки умидсизлик ва зимистонда қолган бошқа ҳуэй мусулмонлари ҳам бу зулматда асло ёлғиз эмасликларини билишларини истаган. Эллик ёшли Ма Жуэлин ўз вақтида Ганьсу вилоятидаги диний ишлар бўйича бюрократик тизимда ўрта бўғиндаги муҳим лавозимни эгаллаган эди. Бугун эса у океан ортида, Нью-Йорк шаҳрида қочоқ бўлиб яшайди ва Манҳэттен мавзесида ҳалол таомлар ресторанини бошқаради. Бу киши 2008 йилда ўзи лойиҳалаштиришга бевосита ёрдам берган рақамли тизимлар кейинчалик замонавий юзни таниш технологиялари орқали намозхонларни куну тун таъқиб қиладиган сиртмоқли «кишанлар»га айланганини аччиқ пушаймонлик билан ҳикоя қилади. Ма Жуэлиннинг айтишича, у йиллар давомида иккиюзламачи, икки хил ҳаёт кечиришга мажбур бўлган: кундузи мусулмонларни тотал назорат

қилиш ва ваҳшийларча эзишдек жирканч ишларга қўл урган бўлса, кечалари ибодат қилиб саждага бош эгкан. У ўша даҳшатли даврни кўз ёшлари билан тасвирлар экан, шундай дейди: *«Кундузи менинг қиёфам ва юзим динсиз ҳамкасбларимнинг юзидан мутлақо фарқ қилмасди... Аммо кечаси жойнамоз устида Тангримга астойдил сажда қилиб, бутунлай бошқа инсонга айланардим»*.

У инсонни ўзлигидан жудо қиладиган партиявий ишнинг жирканч моҳияти ҳақида аччиқ афсус билан қуйидагиларни қўшимча қилади: *«Коммунистик тизимда муваффақиятли кадр бўлиб кўтарилиш учун партияга чексиз, кўр-кўрона садоқатингиз бўлиши керак, аммо бунда заррача инсонийликсиз қолишингиз шарт... Сиз атрофдаги бошқа одамларни шунчаки бошқарилиши, бўйсундирилиши ёки уларга буйруқ берилиши лозим бўлган жонсиз нарсалар (предметлар) сифатида кўришга мажбуран ўргатиласиз»*.

Ма Жуэлин бугунги кунда қалбини тирнаётган, ўзи «энг катта ва кечирилмас гуноҳим» деб атаган мудҳиш ишини ҳам эътироф этади. Бу — унинг 2008 йилда масжидлар ва диний уламоларни қадамма-қадам кузатиб бориш учун махсус электрон маълумотлар базасини яратишда бевосита иштирок этганидир. Кейинчалик Хитой ҳукумати ушбу воситани янада такомиллаштириб, мусулмонларнинг бошига бало бўлган кенг қамровли ва рақамли назорат тизимига айлантирган. Унинг тушунтиришича, бу тотал назорат масжидларнинг кириш ва чиқиш жойларига ўрнатилган махсус замонавий камералар орқали амалга оширилади. Бу совуқ камералар ҳар бир инсоннинг масжидга бир ойда ёки бир йилда неча марта келганини ва у ерда кимлар билан яқин алоқада бўлганини юқори аниқликда қайд этиб боради. Бундай шундай дейди:

мудҳиш рақамли кузатувнинг аянчли оқибатлари ҳақида Ма Жуэлин яна шуларни баён қилади:*«Бу камералар тўплаган электрон маълумотлар кейинчалик мусулмонларни полициҳоналарда соатлаб сўроқ қилинишига, тирикчилик манбаи бўлган ишдан ҳайдалишга, мамлакат ичида ва хорижга сафар қилишнинг бутунлай тақиқланишига ёки, эҳтимол, энг даҳшатлиси — "қайта тарбиялаш лагерлари" деб аталувчи замонавий концлагерларга жўнатилишига олиб келади»*.

Ма Жуэлин бугунги аҳволига чексиз изтироб ва пушаймонлик билан муносабат билдириб, ўз сўзини шундай якунлайди: *«Мен вақт ўтиб, ўзим қуришга ва яратишга ёрдам берган ўша рақамли тизимлар диндошларим ва мусулмонлар учун ҳалокатли кишанга айланганини кеч бўлса-да теран англадим... Мен шайтоннинг қонли қамчисини ўз қўлларим билан золим давлатнинг қўлига топширган эканман, токи у ушбу қамчини менинг ўз жамоамга, ўз халқимга қарши аёвсиз ишлатсин дея...»*.

Ал-Ваъй журнали шарҳи: Бу фош бўлган ҳақиқатлар — кофирларнинг қалбларини мусулмонларга ва Исломга нисбатан тўлдириб турган адоват ва жирканч кекнинг денгиздан бир томчиси, холос. Ўз Давлатидан айрилган, уларнинг ишларини илоҳий ҳукмлар билан бошқариб, ҳимоя қиладиган сиёсий Имомдан (Халифадан) маҳрум бўлган мусулмонларнинг бугунги дунёдаги аянчли аҳволи мана шундай кўргуликдир. Улар бугунги кунда худди золимлар ва мустамлакачилар дастурхони атрофида ҳимоясиз қолган бечора етимларга ўхшаб қолдилар: уларни ташқи тажовузлардан фидокорона ҳимоя қиладиган сиёсий қалқон ҳам, тортиб олинган ҳақ-ҳуқуқларини қайта тиклайдиган ички ва ташқи куч-қудрат ҳам афсуски йўқ.

Эй Буюк Аллоҳ! Сарсон ва мазлум қолган бу муборак Умматга Ўзинг ваъда қилган олий нусратингни ва порлоқ Халифалик қалқонини тезроқ насиб эт!

СЎНГИ САҲИФА:
МАДИНА УРАНИ КОФИРЛАР ХИЗМАТИДА:
САУДЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТИ

Саудия Арабистони Мадинаи Мунаввара минтақасидаги Жабал Сойид лойиҳасида тахминан 114 миллион тонна маъдан захираси мавжудлигини расман эълон қилди. Ушбу стратегик маъдан таркибида дунё бозорида ўта камёб ҳисобланган ер металлари ва стратегик уран концентрациялари бор. Бу шов-шувли хабар маҳаллий қиймат яратиш занжирини ривожлантириш, жумладан, ядровий ёқилғи асоси бўлмиш «сариқ кек» — уран концентрати ишлаб чиқаришгача бўлган кенг қамровли режалар билан бир вақтда жаҳон оммасига эълон қилинди. Бу ҳақда Саудия Арабистони Энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз ибн Салмон Вена шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) Бош конференциясининг етмишинчи сессиясида Қироллик номидан сўзлаган нутқида маълум қилди. Бу сиёсий хабарни Саудия Арабистонининг расмий «ВАС» ахборот агентлиги дунёга тарқатди.

Вазирнинг ўз маърузасида таъкидлашича, Жабал Сойид конида олиб борилган қидирув ишлари ва геологик тадқиқотлар натижасида тахминан 114 миллион тонна маъдан захираси борлиги узил-кесил аниқланган. Ушбу улкан кон таркибида, айниқса, саноатнинг оғир элементлари қаторига кирувчи камёб ер металларининг концентрацияси ниҳоятда юқори, шунингдек, ядровий истиқболли деб баҳоланган катта миқдордаги уран заҳиралари ҳам мавжуд.

Вазирнинг қўшимча қилишича, Франциянинг мустамлакачилик тажрибасига эга «Орано» компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган дастлабки тажриба-синов ишлари, Саудия томонининг

техник баҳолашига кўра, иқтисодий жиҳатдан анча умидбахш ва сердаромад натижаларни кўрсатган. Шу билан бир вақтда, Қироллик уран маъданининг анъанавий манбаларини янада кўпроқ аниқлаш ва ўзлаштириш мақсадида маҳаллий чўкинди қатламларни чуқур ўрганиш ташаббусини ҳам изчил давом эттирмоқда.

Глобал ядровий соҳага тўхталар экан, Абдулазиз ибн Салмон Саудия Арабистони ядровий энергияни мамлакатнинг умумий энергетика тизими ва таркибига тўлиқ киритиш устида фаол иш олиб бораётганини алоҳида урғулади. У Қироллик ўтган июль ойида АҚШ билан имзолаган, ядровий энергиядан гўёки тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро сиёсатда «123-битим» деб номланувчи келишувни ҳам очиқ тилга олди.

«ВАС» ахборот агентлигининг хабар беришича, вазир икки мамлакат ўртасидаги ушбу ядровий ҳамкорликка алоқадор махсус кафолат чора-тадбирларининг ҳаётга амалга оширилиши тўлиқ Халқаро атом энергияси агентлигининг доимий назорати остида бўлишини маълум қилди. Шунингдек, Саудия Арабистони ядровий энергия соҳасидаги халқаро меъёрий-ҳуқуқий ва хорижий назорат тизимларини ўзида янада ривожлантиришни давом эттираётганини таъкидлади.

Ал-Ваъй: Саудлар сулоласининг сотқин ҳукмдорлари Ислом Умматининг бебаҳо бойликларини Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло асло рози бўлмайдиган ҳаром ишларга сарфлаб, кўр-кўрона исроф қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Масалан, улар Уммат ҳазинасидаги маблағларни Ғарбнинг футбол клубларини сотиб олишга, ақл бовар қилмас даражадаги триллионлаб маблағларни Ислом ахлоқига зид бўлган турли ўйин-кулги дастурларига сарфлашга, муқаддас Ҳарамайн заминини хорижлик раққосалар,

суюқоёқлар ва бузғунчилар учун ланг очиб беришга беорлик билан киришдилар.

Энди эса улар мусулмонларнинг мулки бўлмиш уран ва ноёб металлар каби стратегик бойликлар масаласидан усталик билан фойдаланиб, кофир мустамлакачи Ғарбнинг мамлакатдаги сиёсий ва ҳарбий «таъсири»ни янада кучайтирмоқчи бўлмоқдалар. Бу машъум

мақсад йўлида, улар хорижий кучларга Ислом тупроқларида нималарни амалга оширишга руҳат берилишини узил-кесил назорат қилиш ваколатини ўз қўллари билан топширмоқчилар. Ваҳоланки, бу топширилаётган ядровий ва назорат ваколати тўғридан-тўғри Умматнинг ҳарбий соҳаларини ҳам ичдан қамраб олади.

Улар Ислом ва Умматга қарши чиқараётган бу сиёсий ҳукмлар ва шартномалар нақадар ёмон ва нақадар ҳалокатлидир!

Журнал билан алоқа маълумотлари:

- «Ал-Ваъй» журналининг расмий сайти: http://www.al-waie.org
- Facebook’даги расмий саҳифаси: https://www.facebook.com/alwaie.info
- X (Twitter) тармоғидаги расмий саҳифаси: https://x.com/alwaiemagazine
- Instagram’даги расмий саҳифаси: https://www.instagram.com/alwaiemagazine
- Dailymotion’даги канали: https://www.dailymotion.com/alwaiemagazine